

Ўзбекистон Республикаси  
Онii ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

Э.Ф. ФОЗИЕВ



## МУОМАЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Университетларнинг психология ва социология  
мутахассисликлари учун укув қўзғалашма

Тошкент – 2001

Д. Е. ФОЗИЕВ

# МУОМАЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Университетларнинг психология ва социология  
мутахассисликлари учун ўқув қўлланма

Тошкент 2001

Кўлланма муомала психологияси курси асослари бўйича илмий-амалий материяларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, жаҳон психологиясининг дурдоналари муайян мезонга биноан тизимга келтирилгандир. Унди муммомонинг тузилиши, унинг ижтимоий-тарихий даврларда урганинини, тавсифлари, функциялари, шаклланиши, ривожланиши хусусиятлари, ўзига хос механизмлари, босқичлари, шакллари (бевосита, биомасита ва ҳоказо) юзасидан маълумотлар жой олган. Шунингдек, муаллифнинг шахсий қарашлари, таснифлари ҳам қўлланмага киритилган.

Кўлланма психология ва социология бўлимларининг талабаларига ва уқитувчиларига мулжалашган.

Мисбут мухаррир: доц. **Р.Ю. Тошимов**

Тақририниш: доцентлар **Г.Қ. Тўлаганова,**  
**М.А. Қодирова**

## МУНДАРИЖА

Муомала психологияси.

Миллий ғоя ва муомала ҳамкорлиги.

Миллий мафкура, муомала ва миллий ўзлигини англаш.

Муомала ижтимоий-психологик воқелик сифатида.

Муомала ва нутқ.

Муомала психологик муваммо сифатида.

Муомала ҳамкорлик фаолияти эканлиги.

Муомала тузилмаси тўғрисида тушунча

Муомаланинг тадқиқот тарихидан

Муомаланинг экспериментал тадқиқоти

Радио орқали узатиладиган янгиликка нисбатан хотирот: хабарнинг тузилиши ва билимнинг «янгиланиши»

Ҳамкордик фаолиятида муомала

Муомаланинг татбиқий масалалари

Касбий муомалани шакллантириш методикаси

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов асарларида шигари сурнадаётган истиқбол қоянари, "Таълим", "Қадрлар тайёрлаш мислий ластури" қонуғларинин моҳияти олий ўқув юргларида ҳозирги замон талабларига жавоб бернишган, ҳалқаро таълим стандартлари билан рақобатгация оладиган мутахассислар тайёрлашни тақозо этмокда. Ижтимоий ҳаётимизнинг аксарият соҳаларига изчил равишда кириб бораётган психологияк билимнар шу йўнилишда кенг қамровли мутахассислар етишириб берининни ғамардорларини оширишни талаб қилмоқда-бу давр таниби.

Ўзбекистон Миншии Университети қошида мамлакатимиз учун кириб ўтган шигари бери психолог мутахассислар тайёрланмоқда. Бакалавриатуре ўзин мўлжалланган ўқув режасида психологиянинг 36 та соҳаси буйича курслар ва маҳсус курслар ўқитилиши назарда тутилади. Ундош инсонга бир неча соҳани ўзида қамраб олган "Муомала психологияси" бўйича мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришида муносабати охондот қасб этади. Психологларни муомала мароми билан қуроллантириш инсонни инсон томонидан идрок қилиш механизмларини изложиб ҳаётда кўллаш, шахсларро муносабатни мақсадга мувофиқ ҳаётга ошириш, коммуникация шаклларидан турли вазиятлардан фойдаланиши. Ундош таъсир ўтказиш воситаларини амалиётга татбиқ этиш, монарени изловишишининг олдини олиш, одамларнинг бир-бирини тушуниш шартномасини юнага келтиради.

Муоқаддили психологиясининг миллий ғоя, миллий ўзликни англаш, оли ва нутқ, матнавият ва қадрият билан уйғунлиги, аждодларимиз соҳимотиди унинг ўрганилиши, ҳозирги замон жаҳон психологиясида саломат этилишининнинг ҳолати, татбиқий жабҳалари юзасидан билимларни маъмуни кўлланмадан жой олган. Шунинг билан бирга муомалатни изларий ва методологик асосларига тааллукли маълумотлар ҳам унди ўзудасимнишган, шунингдек, айрим мунозарали томонлар муаллифларни изборидан чётта қолмаган.

## **Муомаланинг назарий ва методологик муаммолари. Миллий ғоя ва муоммалаш ҳамкорлиги.**

Миллий ғоя ва миллий ишқодол мафкураси тўғрисида Президентимиз асарлари, давлатимиг хужжатлари, файласуф ва сиёsatшунос олимларпинг ишлари эълон қилинганлар туфаённи назарий масалалар юзасидан мулоҳаза юритишга зарурият йўқдир. Шунинг учун буниш уринига миллий ғоя ва ишқодол мафкурасини болалар онгига сингдиришинг амалий жиҳатлари тўғрисида фикр ашманишини маъқул деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасининг бир печа йилларга мўлжалланган ҳар хил хусусиятли, лекин умумийликни ўзида акс эттирувчи ғоялар мавжуддир. Улар ватанимиз тараққиетини рӯзбага чиқарувчи истиқбол дастури вазифасини бажариб келмоқда, бизнингча, улар: 1) Ўзбекистон келажаги буюк давлат, 2) Ўзбекистонда демократив, ҳуқуқий, фуқаровий жамият барпо этиш, 3) фуқаролар онгини маънавият машъвали билан ёритиш, 4) мустақил фикрловчи, фаол, фидоий кишиларни тарбиялаш, 5) комил инсонни камол топтириш ва ҳоказо.

Мамлакатимизнинг миллий ғояси унинг заминида ҳаёт кечираётган барча миллатлар ва элатлар учун умумийдир. Худди шу боис миллий ғоя фуқароларнинг диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳаммасига баҳтли турмуш, фаровон ҳаёт, ўзаро тотувлик, мустақиллик туйғусига садоқатлилик эзгу ниятлари ушалишини кафолатлади. Олдимиздаги навбатдаги вазифа тарбиянинг аввалги воситалари ва шакллари моҳиятини тубдан ўзгаришиш, инсонга таъсир ўтказишнинг янги усусларини яратишдан иборатдир. Бу борада мактабгача таълимтарбия тизимига алоҳида этибор бериш мақсадга мувофик.

Мактабгача ёшдаги болалар онгига миллий ғояни сингдиришда, бизнингча, қўйидаги воситалардан фойдаланиш юқори самара бериши мумкин:

- 1) хулқ-атвор кўникмасини эгаллашнинг, табиятга ва жисмларга нисбатан муносабатнинг табиий ифодаланишини шакллантириш;
- 2) тарбиячи билан тарбияланувчиларпинг ўзаро муносабатларида тенглик (нисбий равишда), мустақил хатти-ҳаракат ёрдами билан мақсадга эришиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш;
- 3) юксак инсоний туйғуларни таркиб топтиришнинг атрибутларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Болаларга у ёки бу нарсаларга нисбатан тўғри муносабатни таркиб таптириш учун ҳар бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, сюжетли ўйиндаги роль, ижтимоий фойдали муҳнатда қатнашиш мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида тасаввур килиниши зарур. Чунки ижтимоий ҳаётда ва фаолиятда майда (резги), иккинчи даражали аҳамиятсиз нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, ҳар қандай ақлий, ахлоқий хатти-ҳаракат тарбиявий қамровнинг сиртидан ташқарига чиқиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда тарбиявий таъсир ўтказишнинг занжирида заиф унсур вужулига келиши учун имкон туғилади. Ушбу руҳий ҳолатларни яққол мисонлар орқали изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Ахшара у ёки бу боланинг хулқида қўрслик, қўпоплик намунаси сурʼатланаси, унинг мана бундай мантикий изчилик ёрдами билан олоунтириш мумкин: “Яхши бола ҳеч қачон ўртоғини хафа қилмайди. Боланинг қуноя боланин ҳамма ёмон қўради. Ёмонликка ўрганса, катта буғен зам уни тақрорлайди. Ёмон болаларни ҳалққа, давлатга фойдаси борин!”

Антилик, дөв-даражатларга, ўйинчокларга қалтис муносабатда бутсан бошага шундай таъсир ўтказиш мумкин: “Дараҳтлар олдин соя, кенинчалик мева беради. Уни синдириса бўладими? Унинг жони оғриди, сонга үзиниб ингтайди. Унга озор берма, уни асрар, бизга фойда келтирали. Ўйинчокни синдирима, сендан кичик укаларинг уни ўйнайди. Буларни остиб кирасак, нулимиз кўп бўлади, мамлакатимиз эса бадавлат. Бир кун ёниб чироғни уйлар куриб беришади, автомат ўйинчоклар совға ғонниди. Бу яхшимиз?”

Бонга хулқи, муносабати ва лоқайдлигини сўз орқали изоҳлаш, таъсирни тифайли хатти-ҳаракатни тўғри баҳолашга ўргатилади. Кепотак учун унарни асрар-авайлаш, ўстириш яхши хулқ эканлиги тушунтиришади, табиат ва жамият инсон учун бир бутунлиги содда иборалар билан боланинг онига сингдириллади. Ҳар қандай хатти-ҳаракат баҳоланиши, бефарқлик, лоқайдлик кўриниши ёмон оқибатларга олиб қонни таъкидланиши жоиз.

Мактабгача таълим болаларга ахборот бериш, тушуммаган ҳолда ёд ошини у ёки бу кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, умукини санодхонлик даражасини кўтаришга қаратилган, холос. Ҳозирги замон педагогик технологиянинг психологик моҳияти таълим жараёнида болаларга бошқача ёндашишни тақозо қиласди. Анъана бўлиб келинаётган таълим тизимининг мазмуни муайян билим кўламини болалар миёсида узатишнинг омилкор йўлларидан фойдаланишини назарда тутади. Лекин боланинг фаина муносабати, унинг имконияти иккинчи даражали ижтимоий муаммо сифатида қаралиб келинади. Навбатдаги таълимий муаммо тикин билим олади? деган жумбокқа жавоб топишдан иборатдир. Бунинг учун тарбиячи мактабгача таълимни якка тартибда ва табақалаштириши, босқичмада босқич юзага келгаг вазият ҳамда уларнинг имкониятлари билан адманинтиришини режалаштириши лозим. Тарбиячи билан тарбияланувчи ўрасида нисбий тенглик (бода учун қанақангидан билим керак?) хамма нисон омишини ҳисобга олиш (истеъоди, зехни, ишчанлиги, тезкоринг, укучнанини) устидан мулоҳаза юритиш токи катталарнинг ижтимоий бурчига айланиси. Зоро, кичкингойларда мустақил фикрлаш, мустақил изланиси, мустақил уздалаш имкониятлари ишга тушсин, астасини амалий бўнижманини вужудга келсин. Илк болаликдан мустақил фикрлашта фарзандларининг кўнигиши келажакда баркамол авлод говийнини амалий инфодасининг кафолатидир.

Мустақилларни олинни мағкуранинг таъсирчан, тазиикий атрибуллари ут ахамиятини нуқотди. Шу орада тарбиявий-таълимий жараёнда говийн бунлик нуқути ёшли. Шунинг учун янги атрибулларни ишлаб чишини ва уварини таъсир юнрасини аниқлаш, руҳий кўтаринкиликнинг

дайомийлиги муаммосининг ечимиға жавоб топиш ижобий патижанар бе ришини илмий-амалий жиҳатдан далиллаш лозим. Бизнингча, мислини ғояга мутаношиб баъзи бир атрибулар қўйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: 1) мадхия ижроси пайтида болаларни ҳис-ҳаяжонга тўла руҳий кечинмалари билан сафлантириш ва тўлқинланишнинг табиий ифодасини тарбиячилар намунавий даражада намойиш килиш ҳолати; 2) байробгимиз олдида уларни таъзим килишга, уни юзига суртишга ўргатиш; 3) Ватан тақдирни тўғрисида ахборот эфирга узатилаётганда болалар билан машғулотни тўхтатиш ва бутун дикқат-эътиборини унга қаратиш; 4) миллый байрамлар қадр-қийматини кўтарувчи тарбиявий атрибуларни амалда синаб кўриш: а)"Бахти болалик" кўкрак нишони, б)"Софлом авлод" байроқчаси, в)"Яшил ҳимоячи" боғичи, г)"Истиқлол" рамзий (безакли) қалпоғи", д) миллый байрам кийимлари ва уларнинг хокисорларча намойиши; 5)"Биз Ватан фарзанди" тантанавий машғулотлар: а) ўйинлар, б) мусикалар, в) миллый урф-одатлар, маросимлар, расм-руссумлар, анъаналар ижроси; 6) Аждодлар хотирасини тик ҳолда кутиб олиш ва болаларда улардан фаҳрланиш ҳиссини уйғотувчи вазиятни юзага келтириш; 7)"Жажжи меҳнатим-донишманид ҳалқимга" мавсумий таҷбиrlар; 8) Намунавий хулк ва ўзлаштиришнинг маънавий рағбатлантирили атрибулари (картондан ҳар шаклли ва рангли кўргазмали куроллар); 9)"Келажак-бизники" ҳар хил мазмундаги мусобақалар; 10) кишилар билан жонли, порасмий учрашувлар; 11) Мустақиллик незъматлари (музей, меъморчилик ва ҳоказо) билан таништириш Ватан туйғусини уйғотиш механизмига айланисин, ўлмас излар эса ҳаракат, интилиши регулятори вазифасини бажарсин.

### **Миллый мағкура, муомала ва миллый ўзлигини англиш.**

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий хусусиятта эга бўлган муаммоларни оқилона ҳал қилиш, уларни рӯёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш кўп жиҳатдан омманинг фаоллигига, ташаббускорлигига, ижодкорлигига ва ватаппарварлик туйғусига боғлиқ. Юксак инсоний ҳис-туйғулар фуқаролар хатти-ҳаракатларининг, феъл-атворларининг регулятори (бошқарувчиси) вазифасини (функциясини) бажара бошлаган дақиқалардан эътиборан умумий негизли оммавий ҳаракатлар, қарашлар, ғоялар, мотивациялар намоён бўлади ва ҳар бир инсонда шу умумият ишига ўзининг шахсий улушини кўшиш истаги, майли вужудга келади. Фуқароларнинг юртимизда ва унинг ташқарисида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларга, якка воқеликка, шахслараро ва миллатлараро муомала хусусиятига, маромига, умуминсоний ҳамда миллый қадриятларга нисбатан муносабати ижтимоий макро (катта) ва микро (кичик) мухитни ҳаракатлантирувчи кучни ўзида мужассамлаштиради.

Омманинг жамиятта, табиатта, якка шахсга нисбатан муносабати оҳтиёжларда, ҳоҳишистакларда, қизиқицларда, ҳулқ-атвор мотиёларида, инсон-эътиқолда, қарашларда, ғояларда ўз ифодасини топади. Муноса батлар негизида эса инсон онгидаги тимсоллар, тасвиirlар, тасаввурлар,

тәсілдер, көпнімдер, иродавий хислатлар, характер сифатлари, юқсаныншылар, актілекшілік, шахсеннег барқарор фазилатлари ётади. Миллий мәдениеттегі мұстакілдігі, мустағаммалығы, барқарорлығы, құдратлыштық мәдениеттегі фуқаросининг истаги, интилиши, фаолият режаси, хұлқодығы, жеке вазифаси билан бевосита үйгүнлашувига боялған.

Инсоннинг ижтимоий ҳодисаларга, ҳолатларга, воқеликка нисбатан мұносабаттегі психологияк мөхияти унинг онғли, фаол, яхлит, мақсадда пүнштирилді, ижтимоий шартланган шахсий тажрибасининг тизимига ассоциация мұваққат алоқаларининг ҳам объектив (табиий), ҳам субъектив (шахслараро мұносабатта оид) жабхаларининг мажмусидан ибораттап табылады. Фуқаронинг мазкур мұносабати бир неча хил күрнишларда, шыныңдағы нағомен бўлади:

- табиий (рационал: фикрлаш, ижодий изланиш, англаш, тушуниш);
- эмоционал (хиссиятта берилиш, юксак ҳис-туйғулар замирида);
- оптизм (онгостлилик, онғасызлик, ўта онглилик);
- объектив (табиий шароитлар, ирсий белгилар, тұрма майлар);
- субъектив (хаёт давомида шаклланган ички шахсий фазилатлар негизида);
- умумий (халқ, омма, миллат, әлат, миллатлараро бирлик);
- хусусий (якка шахс тарзида) баҳолашга йўналтирилган кабилар.

Ҳодиса ва воқеликларнинг фуқаро, омма, халқ томонидан баҳоланиши ва берилган баҳонинг оқыллиги, хақчиллиги ёки унинг ҳистиғундар, эмоционал кечинмелар тазикини остида амалга оширилғанлығы қайғият, шижаат, асабийлашиш (аффект), зўриқиши, танглик (стресс) жараёнларидан юзага келади. Ижтимоий ҳодисалар билан гоялар ўртасидан жараёнларнинг ўзаро мувофиқлиги, мутаносиблиги, мослиги ёки уларнинг бир-бирига нисбатан зидлиги, қарама-қаршилиги, низоли, мажароли хусусиятта эга экашлиги оммавий баҳолашнинг ассоциацияларине көрсеткічи (мезони) вазифасини ўтайди. Мазкур баҳолашнинг замирида бар хил хусусиятли овозалар, миш-мишлар, вас-васалар, парокандаликлар түшнини ва көнг күламда тарқалиши мүмкін.

Ижтимоий ҳодисалар ва ҳолатларни баҳолаш якка шахс, гурух, жамағат томонидан тақлид (имитация), юқтириш (юқиши), ишонтириш, таъсир түшнини каби воситаляр орқали ижтимоий турмушда амалга ошади.

Инсоннинг бирон-бир нарсага ёки ҳолатта тақлид қилиши ихтиёрип тарса хөсн бўлса, оммавий юқиши эса ихтиёрсиз равишда вужудга келади. Табиатда ёки жамиятда содир бўлган воқелик юзасидан далиллар көнтириши, бишширингни фикрин майткій шакилар ёрдами билан ассоциация түфайин инсон шу нарсага ишонтирилади, бунинг натижасида фикрларда умумишини рўй беради.

Якка шахста ёки мұйын гурухга таъсир ўтказишдан иборат восита орқали ҳодисаларга баҳо беринша рағбатлантириши, жазолаш, қўрқитиши, ҳомийлик қилини, воситиши, шайда беринш ўйларидан фойдаланилади. Юзага келган, содир бўлған ҳодисалар оммавий тарзда баҳолаш жамоа аязоларининг актілекшілігі, маданий даражасига, менталитет кўрсаткичига, қарашларига, ятиқодларига (маслагига), фикрлашнинг

мустақиллигига, ижодийлигига, фикрнинг чукурлиги, теранлити на тезиниғига, фавқулодда юзага келган яққол шароитга боғлиқдир.

Ижтимоий муносабатлар омма (фуқаролар) орасидаги стерсотиппелар (аждодлар үгитлари, хулк-автор мерослари)га, ассоциациялар (ходисаларнинг ұшашлиги, ёндошлиги, қарама-қаршилиги)га, идентификация (катталарнинг ижобий сифатларини үзлаштириш, гоҳо иллатларини әгаллаш)га, рефлексия (келажакда амалга ошириш мұлжалланган эзгү ниятни аник баҳолаш, оқилона назорат қилиш, бащорат этиш)га, антиципация (истиқбол режасининг моделини яратиш)га асосланади. Омманың ижтимоий ва шахсий тажрибаси билан ислом таълимоти үртасидаги узвий алоқалар ҳам үзаро муносабатлар мажмуси эса миллий мағкура негизини белгилайди, уни мустаҳкамлайди, барқарорлаштиради, такомиллаштиради ва ривожлантиради.

Фуқароларнинг ижтимоий онгидан эски мағкура қолдиғран изларни, сарқитларни батамом сиқиб чиқариш учун қуидаги ҳолатларнинг хусусиятларини эътиборга олиш мақсадға мувофиқ:

-эски үрнашиб қолған ғоялар билан янги ғоялар үртасидаги үзаро алоқалар ҳамда муносабатлар тизими (мерос, ички кураи, зиддият, низо, можаро ва бошқалар);

-ижтимоий онг билан миллий ғоялар үртасидаги үзаро муносабатлар (анъанаңдар, ахлоқ-одоб, урф-одатлар, расм-руссумлар, маросимлар, миллий қиёфа, менталлик, миллий түйфу, миллий характер, миллий таъб, миллий тил, миллий күй, миллий мусиқа ва ҳоказо);

-хозирги замон кишисининг ҳис-түйғуси, кайфияти, эътиқоди, мотивацияси, интилиши, талабгарлiği билан қадриятлар, турмуш тарзи, одатлар, хулк-автор ва тажриба малакалари үртасидаги алоқаларни қатый рациональда мустаҳкамлаш;

-индивидуал ва ижтимоий онгта миллий ғоялар, қараашлар, эътиқодлар, оммавий фаоллик ҳаракатлари таъсирчанлигини сингдириш;

-маънавият билан ижодиёт, мотивлар билан қадриятлар ўйғуныгини куҷайтириш;

-ижтимоий психологиянинг феноменларидан (имитация, стереотипизация, идентификация, рефлексия, аттракция, юкиш, суггестезия, антиципация, оммавий хулк кабилардан) унумли фойдаланиш.

Истиқтол шарофати туфайли ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабхаларида туб үзгаришлар, янгиланишлар, ижодий изланишлар, мустақил фикрлаш, миллий үзлиken anglash намоён бўлмоқда. Сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш натижасида мамлакатимиз әгалик хукукини әгаллашга муваффақ бўлди, үзбек халқининг фаровонлиги, маънавий мустақиллиги юзасидан асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Ўзбекистон маънавий соҳада ҳам, худди сиёсий ва иқтисодий жабхаларда бўлганидек, ўзининг этник, миллий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда үзига хос йўлдан тараққий этмоқда. Хозирги даврда ватанпарварлик, фидойлик туйғуларига асосланган, аждодларимизнинг буюк меросидан,

жарнамалар көнб чикуучи миляй мафкура давлатимиз учун ижтимоий таруриятдир бу митинаги мустақиллигимиз нэймати ва маҳсулидир.

Миляни мафкуранинг психологик таркибий қисмлари суннинг тарафидан узбифасини тонади:

хизматчилик хис түйгуси ва уни фуқаролар томонидан ҳаққоний равишда шурок этини;

философиялик, жасорат, меҳнатсеварлик негизида қуриладиган умумий сафарберилик;

түб мишишти Узбекистон халқининг ватанпарварлиги

миляни маънавиятни эгаллаш, келажакни режалаштириш, комил инсонликка арнишин учун бетиним изланишилик, ахлоқий, ақлий захираларни руғуба чиқаришилик ва бошқалар.

Она заминига нисбатан муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва равиқи ғуялар мажмуасини яратиши-бу мамлакатимиз аҳли рухиятининг кўрсаткичи, хоҳиши-иродасининг акс этишидир. Миляй мафкура мамлакатимизда яшайдиган барча фуқароларни, миллат ва элат национарни. ижтимоий-сиёсий кучлар ва гурухларни бирлаштирувчи пулта негизидир. У давлат тараққиётини белгилаб берувчи мезонлар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради, адолатли, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришдан иборат сиёсий ғояларни ишлаб чиқаради ва ижтимоий ҳаётда қарор топишини таъминлайди. И.А.Каримов белгилаб берган мамлакат йўналишининг беш омили, принципи давлатимиз мафкурасининг негизини ташкил этади. Ушбу мафкура миляни давлатчилик сиёсатини амалга оширувчи, келажакка мўлдавланган ислогоҳлар, фуқаролар рухиятида ишонч түйгусини уйғотувчи настуришими ғоялар ва хатти-ҳаракатлар мажмуасидир.

Узбек милятигининг ғуури, миляй ифтихори қуидагиларда якқол намоён бўлини мумкин:

она лиёримизининг кўп минг йиллик буюк тарихий ўтмишида;

унинг Шарқ маърифатпарварлиги, жаҳон цивилизациясига қўшган бекітсиз хиссасида, эгаллаган мавқесида;

жаҳон таи оғлан фан, дин, арабиёт, санъат даҳоларида, давлат ва жамият арбобиарниша;

бобоҳо машаният, санъат, меъморчилик ёдгорликларида;

убебек қалқининг она тилига, миляй урф-одатларига, анъаналарига, расм русумларига содиклигида;

узбекларниң ислом маданиятига мансублигигида;

мимлакатининг табиитида, иқтисодий қудратида;

куп милюлатин халқини негизложи, буюк келажакка ишонч түйгусида; фуқароларининг фан ва техника, маданият тараққиётига иштиёкида, интилинида;

халқаро ҳамжамият таи оғлинига ва туғузи ортиб боришида;

тигуллик Барқарорлигида, узбекистиклор ва тараққиёт йўлини собиқ тақдамлик билан олиб борастаннида ва ҳоказо.

Миляй истиқбол мафкурасини узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил қўнаги. Маънавиятимиз хазинаси дурдоналари-

дан баҳрамаид бўлган соғлом ёш авлод руҳан тетик, ақлап доининмайд, инсонни сингимас баркамол инсон сифатида шакланади.

Худди шу боисдан ёшларда миллий ҳис-туйгу, миллий юрингириши, миллий таъб, миллий характер, миллий қиёфа хусусиятларини таркиб тонтириш миллий ўзлигини анъанаалари, урф-одатлари, расм-русумларидан боҳабар қилиб бориш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Мустақилик, истиқлол мафкураси ватан, ҳалқ манфаатига садоқат, миллий маънавиятга, илм-фан ва маданият юксалишига муҳаббат, шахс истеъоди, фаоллиги, эркига зўр ҳурмат, бошқа ҳалқларга дўстлик, биродарлик туйгусига самимиятини шаклантириш лозим.

Миллий мафкура ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга катта эътибор, қонунга сўзсиз риоя қилиш, демократия ва ҳурфиқрилик, давлатга юқсак ҳурмат ва қатъий интизом ғояларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши шарт.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишда ёшларимизга ҳалқимизга хос бўлган буюк нesъмат-меҳнатсеварлик туйгусини сингдириш алоҳида аҳамият касб этади. Ватан мустақилигини мустаҳкамлаш, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қиласётган кишиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

Ахлоқ ва одоб малакаларини эгаллаш, ота-она ва катталарни ҳурмат килиш, самимилик, иноқлик, қадр-қиммат, викор, виждонлилик, иффатлилик, ўзаро ёрдам сингари инсоний хислатлар ўзбеклар маънавияти ва руҳияти рамзи хисобланади. Ўзбекларнинг ҳис-туйгусидаги туғишганларига нисбатан илиқ муносабати, қариндош-уругчилик риштлари миллий руҳиятимизни акс эттиради.

Ёш авлодни вояга етказиш вазифаси миллий хусусият, миллий ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий ҳулқ-атвор мароми, миллий турмуш тарзига асосланиб амалга оширилса, оила мухитида, ўқувчилар жамоасида ҳамжиҳатлик, илиқ маънавий мухит ҳукм суриши муқаррардир.

Ўзбек ҳалқининг урф-одатлари, удумлари, расм-русумлари барқарор хусусият касб этишига қарамай, янги давр, ижтимоий тараққиёт эҳтиёжи ва талабига мувоғик равишда шакл жиҳатдан ўзгариб боради, натижада янги мазмун, янги моҳият касб этади.

Мамлакатимиз ўз ҳалқи танлаган очиқ эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлини босқичмабосқич амалга оширмоқда. Ватанимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида миллий турур, миллий ўзлигини англаш, миллий қадриятларни тикилаш, ёнг асосийси, истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш республикамиз ўқитувчиларининг муқаддас бурчидир.

Одамларнинг муайян ижтимоий этник бирликка таалукли эквалигинаи, ўз миллатини ижтимоий тизимда ва ҳалқаро муносабатда эгаллаган мавқесини англаш, миллий қизиқишини, ўз ҳалқининг бошқа ижтимоий бирликлар билан ўзаро муносабатини тушуниш, ғоялар, ҳислар ва интилишнда намоён бўлишини пайқаш миллий ўзлигини англаш дейилади.

Чөнгийн үүчинин англанаага кайфият, хиссий өчүнчмалар, ёктириш, өзгөрүүлэлт, хамдирдлий, тарихий шартланган ҳар хил камолот даражатын ажлын, уинийн этник бирлигини бошқалар билан қиёслаш киради. Үзүүлкүннүү англанининг омилларини ойланинг таъсири, миллий мухит ва тин, маданий донра, тасодифий вазият (ота-она обрүснинг таъсири, алоқида турмуш шароити, миллий турмуш ҳодисаси) ташкил қиласы.

Халқинин үзини миллий сифатида танишини, үзининг жисмоний үүчинини, иккний қобилиятыни, юриш- туриш ва уларнинг турткilarини, боршикка, шакслараро ҳамда миллатлараро муносабатини түгри тасаввур ташкилан иборат сифати миллий үзлигини англашни билдиради. Миллий үүчинин англалы миллий оғнинг шакли ҳисобланыб, үзини муайян бирлиек алоқадор эканлигини билиш халқقا нисбатан муносабат бирлигиде вүждуга келади. Бошқа миллатларни билиш орқали үз халқини англаш, мишиний хулқ, фаолият, муомалани таҳлил қилиш орқали үзлигини пайдалы, үзини ва үзгани кузатиш туфайли миллий хусусиятини сезиш, үзини наюрат қилиш ва бошқариш ёрдами билан үзлигини тушуниш соодир булади. Худди шу сабабдан миллий үзлигини англаш халқнинг үз өхтийларига, қобилияти ва салохиятига, майлларига, хулқ-одоб ички, танки турткilarига (мотивларига, мотивациясига), кечинмаларига ва мунохадаларига нисбатан муносабатининг инъикосидир.

Миллий үзлигини англаш-муайян халқнинг у ёки бу ижтимоий гургуягы минусублигига, ижтимоий муносабатда үз миллатининг эгаллаган манасини аниқ тасаввур қылганлигига, миллий манфаатдорлигига үз ифодасини тошиңдир. Миллий үзлигини англашда ойлавий таъсирнинг, тийини, кариандош уруғчилик алоқасининг объектив (тарихий тараққиёт, табиат инъоми) ва субъектив (миллат вакили таъсиридаги үзгаришлар) омиллари мавжуд.

Узбек миллатининг қомат тутиши, кийиниши, ибоси, имо-ишораси, юз ҳарикатлари, табассуми, хаёлоти, таъзими, маросимлари, ижодиёти, фонуктори, өнси, таъби, диди, очиқ қалблиги ижтимоий-тарихий шарт шаронтулар маҳсулни тариқасида гавдаланади. Мазкур руҳий ҳолатлар ва қонисларини тан олиниши, зарур омилларнинг етилиши миллий үзиний иншани жараёнини тезлаштиради.

### **Муомана ижтимоий-психологик воқелик сифатида**

Муомана шахслараро муносабатларнинг шундай күринишидирки, уиний сұрамышта одамлар бир-бирләри билан үзаро психик жиҳатдан алоқата киришпешілар, ушро ахборот аямашадилар, бир-бирларига таъсир үтказыпшылар, таъсиртапшылар, бир-бирларини ҳис қилацылар, идрок этаңдар, мишини тасаввур обристарини яратадилар ва бир-бирларини тушупнадилар, у ёки бу имконияттарини ингизайдилар ҳамда баҳолайдилар.

Худди шу бойсадан муомана ижтимоий психологик ҳодиса, илмий категория сифатына ижтимоий турмушиниң барча соҳаларида бевосита иштирок этиб, инсонияттиниң ҳамкордик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион, когнитив ва регулятив кирраларинини ҳам объектив, ҳам субъектив өхтийжи сифатида вүждуга келади, ижтимо-

иңбаппүү үү камолотнинг асосий омили, негизи, механизми функцияларни болжаради.

Муомала инсон тараққиётининг генезиси ҳисобланмиш ўйин фаолияттиниң юзага келтирүвчи, ҳаракатлантирувчи, маънавий эҳтиёжларини кондириувчи таълимнинг ҳамкорлик фаолиятигининг бошқарувчиси, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг негизи саналмиш меҳнат фаолиятининг моддий, иктиносий стимули тариқасида муҳим роль ўйнайди.

Инсониятнинг маънавий ҳаётида миллый ғоя, миллый истиқбол мағкураси, гоявий, ахлоқий, юксак ҳис-туйғулар, ижтимоий тажрибалар, ақл-заковат, фаҳм-фаросат, теранлик, зеҳн, истеъод, имконият, ўзини-ўзи баҳолаш ва назорат қилиш қанчалик англашилган бўлса, муомала мароми ҳамда услублари шунчалик такомил кўрсаткичига эришади. Бинобарин, инсонда юзага келадиган ҳар хил хусусиятли эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш кўп жиҳатдан муомала мароми ва унинг психотехникиаси боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат, баркамол авлод, комил инсон гояларини стереотипизация (юнон. stereos - қатъий, tūpos - из деган маъно англатади; хулқ-атвор шаклларини таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машхур деб саналган, яъни ижтимоий қолилларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш ўйли билан уларнинг сабабларини изоҳлашдан иборат жараёндир), идентификация (лот. idēficare - айнилаштириш, ўхшашлик топиш маъносини билдиради; бир инсоннинг иккинчи инсонни унинг таърифини субъектигининг ўз таърифига англанилган ёки англанилмаган тарзда ўхшатилиши орқали тушуниш усули), рефлексия (лотинча reflexio - олдинги ва ҳозирги воқеликни акс эттириш), антиципация (лотинча anticipatio - яъни олдиндан сезиш, пайкаш), сенсор (лотинча sensis - сезиш), субсенсор (лотинча "sub"- ости ва "sensis" сезиш сўзларидан тузилган), субцептив (лотинча "sub"- ости ва "septio"- сезмоқ демакдир), феноменларига (юнонча "phainomenon" ноёб, гайриодатий ҳолат деган маъно англатади) асосланган ҳолда фуқаролар онгига сингдиришга ёрдам беради.

Муомала муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси (лотинча movere- ҳаракатлантираман; одамни муайян хатти-харакатларга ундаидиган сабаблар мажмуси), характер хислати, индивидуал-типовологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди, ақл зақовоти ва шунга ўхшаш инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, кечиши, ривожланиши ҳисобланади. Аксинча муомала жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлиари, ҳис-туйғулари, хатти-харакатлари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайкаш, таъсири ўтказиш услубини таркиб топиши мумкин.

Муомаланинг инсон психик тараққиётига ижобий таъсири муаммоли тўғрисида Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, А.В.Запорожец, А.А.Бодалев, Б.Ф.Ломов, А.А.Леонтьев, М.И.Лисина ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб боргандар. Жумладан Б.Ф.Ломов мулоҳазасича, биз бирон бир индивиднинг турмуш тарзини тадқиқ этар эканмиз, нафақат унинг иш фаолиятини, балки у ким билан

Мұомалат күп кирилл тизимий түзилишига эга бўлиб, соддароқ тарихи түснілдік мұомалаттың мазмунини ҳам илмий, ҳам амалий билімлар тарихи түснілдік мұомалаты. Шунингдек, уннинг мөхияттіні одат, одоб, хулк, үйнім, мақса, укув, аттракция (франц. "attraction" - ўзига тортиш, әсесле өттің мәнносини беради), ҳамкорлик фаолияті (диада - иккалар, ғанағат үнашов, полиада - кўплашиб; гурухий, жамоавий, оммавий, ялпи ва жақшади), объектив ва субъектив мұносабатлар (раҳбарлик, тобелик, ғалорник, мусобака, рақобат) ва субъектив мұносабатлар (симпатия - юончы құмпаратеіса - ичдан ёқтириш; антипатия - юончы antipatheo - ичдан әктиригаслик; эмпатия юончы emپtheia - ҳамдарлық; эйдегизм юончы eidos - образ; эйфория юончы euphorіa - ўта күвонч армон, оннингдеги ортік, ортік - энг яхши; пессимизм.лат. pesimus - энг ёмон; фрустрация.лат. frustration - мұваффакиятсизлик; агрессия.лат. aggressio - тақонуз (ва ҳоказо) негизида шахслараро алокалар үрнатылади, биртотылары билан ахборот алмашинади, ўзаро таъсир күрсатып юзага келади. Бунинг натижасыда уннинг коммуникатив, интерактив ва перцептив тарқиблари вербал (лат.verbalis - сўзли) ҳам новербал тарзда функцияга енгизилади. Шахслараро мұносабатда уннинг қатнашчиларини ўзаро тушнинни жараёни мұомала мұваффакияттін таъминлаш кафолати кисебишилди. Уннинг психологияк механизмлари ролини стереотипизация, идентификация, рефлексия бажарыб, ижобий натижалар билан таъминланып, асернің салбий оқибатларга олиб келувчи каузал атрибуция ҳам механизм сифатында мұомала жараёнида қатнашади. Бошқа одамнинг хатти қарқындары сабабини, ҳис-түйғуларни, ниятларни, ўй-фикрларни ва қынқылар мотивацияларында унга түйкаш йўли билан тушунтириш каузал атрибуция (лат caussa - сабаб, attribution - кўшиб қўяман, инъом этаман деган сўнгирдан олининган), яъни сабабий белгилар ёки сабабий изоҳлаш деб атади.

Инсоннинг хулқини ва шахсий сифатларини баҳолаш жараёнида уннин физикалары, фети- автори тўғрисида тақчил, камбағал маълумот миннедуд бўлса, инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг дастлабки қарқындарини ишик кечинималар, таассуротлар қолдирса, ижобий ореол (шар, франц. эхтиром, фарх мәнносини англатади) деб номланувчи ижтиюони ходат (мисол тарқасыда) юзага келади. Ташки ифодалар, ички ишиташарнинг фангулодларини аке этини шахс тўғрисида илиқ фикрлар, мактобнапар ғұмыточылық хиселатини бунёд қилиди, уннинг шахсияттага ҳамиду сиполар липтильди, натижада ортирима баҳоланинга йўл қўйилади. Ижтиюони психологияға фанида ореол самарийдориги деган ёзуз бирикмалари мұомаланинин инсонни инсон томонидан идрок қилиши (перцепция) гаркибиши үрганишши ғудаланиб келинмокда, айниқса чет эл адабиётларда бой назарий ва аманни мәннумотнан түшсизлайди. Ногайиш инсон тўғрисида маълумотнап жуда кам бўлса, дастлабки муюқотда нохуш кечинималар вужудга келтирса, мазкур шахс ҳақида салбий ореол самараси юзага келади. Хатти ҳарқатт, пугк оҳапти, имо-иншора сингари мұомалат

ини поситапари нотүгри қабул қилинганинг түфайын похонисона бахшыллади. Ноганиш шахс түгрисида юзаки, ҳатто ишв қабишидаги мұлумот ҳам салбий ореол самарасини пайдо қиласи. Ықин, ёқтириши, қымасник, ёқтирасмаслик түйнүләри ҳар хил күринишли ореол самараңдорлыгини шакллантиради. Ёқтирадиган инсоннинг нұксонлари ҳам күна күринимайды, ёқтирамайдын шахснинг рухиятидан күплаб камчилик топпин мүмкін, дастлабки муносабат, нотүгри тавсиф салбий ореол самараңдорлыгини түғидиради, бинобарин, имидж кишига олқыштар ёки камситилар олиб келади. Масалан, ёқимтой талабанинг курс иши, битирув инни ўқитувчи томонидан илик қабул қилинганилиги сабабли мазмун ва услугий ifодадан нұксон қидирмайды, аксинча ўзлаштирмовчы, нокобил талаба фаолияти маҳсулидан хилма-хил камчиликлар күзга ташланади. Бизнингча, ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорлик фаолиятига бундай ёнданиш устозлик одоби ёки назокатига ўта хилоф ишдир.

Шахслараро мұомала қаузал атрибуция маромларига риоя қилган тарзда амалға оширилса, у тақдирда салбий хусусиятты ореол самараңдорлыгини олдини олиш мүмкін бўлади. Инсонни инсон томонидан идрок қилиш жараёнида билим, кўнкма, таъсир ўтказиш механизмларини ҳисобга олишдан ташқари, объектив ва субъектив муносабатлар омили, услуги, мароми, шакли кабиғарни дикқат марказида тутиш мұомала самараңдорлыгини ошириди, шахслараро муносабат ўзаро мулокотларни ижобий ҳислар билан бойитиб боришига эришилади.

Мұомала нафақат фикр алмашып, маълумот олиш, узатиш билан киғояланади, балки у ташки таъсиrlар, намуналар (этиケットлар) асосида ўзини-ўзи тузатиш, ўзини-ўзи қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини рўёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комишлик сари стаклайди.

Шахслараро алоқанинг турли - туман вазиятлари ўзаро таъсир ўтказишининг бир неча усуллари ёрдами билан амалға оширилади (ишонтириш, тақлид, уқтириш ва ҳоказо).

Ишонтириш - бу фикр юритишининг ҳукм, хулоса чиқариш мулоҳаза бўйича қарор қабул қилиш шакллари ёрдами билан мантиқан асослаб беришдан иборат жараёндир. Мулокотдаги ёки тингловчиларни ишонтириш таъсири остида ўз қарашидан мувакқат воз кечиш, нисбий жиҳатдан ундан узоқлашиш, бегоналашишга оғланлиги түфайли сўнгги нуқтаи назарни кўллаб- кувватлашга қарор қиласи ва шунга мувофиқ йўл - йўриқдан фойдаланишга тайёргарлик кўради. Ишонтириш шахсга ёки гурухга таъсир этишининг мухим усули ҳисобланиб, у шахснинг мотивациян, эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив жабҳаларига бевосита даҳлдор жараёндир. Ишонтириш жараёни диада, триада ва полиада сингари ҳамкорлик фаолиятида шахснинг ҳам ошкора, ҳам яширин мунозарасидан ташкил тоғган бўлиб, унинг асосий мақсади мулокотдошларга умумий ғояни тушунтириш ва бунинг негизида умумий бирликка эришинидан иборат ўзаро таъсир ўтказишидир. Ҳамкорлик жараёнида иштирокчилар рухиятини ўзгартириш нияти яширин ҳолда бўлиб, унга эришини имкониятининг кўрсаткичи жуда юксакдир.

Сүт еки нутқ ёрдами билан одамларни муайян ҳодисага, ҳақиқатга, нөхенккі, ҳонатта ишонтириш шахслараро муносабатнинг мураккаб усули тарикасида инсонга ҳақиқатан таъсир ўтказишнинг энг кулагай параллелистик, экстралингвистик, проксемик йўллари орқали сўз мантики, тин охангги узгартирилиши билан амалга оширилади.

А.Г.Ковалеев таъкидлаганидек, ишонтиришни одатий панд-насиҳат билан аралаштириш асло мумкин эмас, чунки ишонтиришда вужудга келтиришган изият ёки муаммо ҳар хил воситалар ёрдами билан бирламчи ни иккиламчи аломатлар таҳлили орқали жиддий охангда исбот кишиши. Панд-насиҳат қилинаётган даврда ҳаммага маълум бўлган нутқдан, куруқ иборалардан фойдаланганлиги туфайли таъсир кучи, самараси жуда настидир, гоҳо бу руҳий ҳолат тингловчидаги истеҳзо ёки нафрат уйигини мумкин. Янгилик унсури бўлмаганлиги сабабли бундай ахборот сухбатдошга ёкмайди, бунинг натижасида унда идрок қилиш кийинлашади, яхши кўнгилда билдирилган фикр салбий реакцияга олиб келади. Шунинг учун мулоҳаза, “инсоннинг жонига тегадиган”, “алмисокдан қолган”, “ўта бачкан” бўлса, у сухбатдошнинг газабини кўчуганди, бунга йўл қўймаслик, унинг олдини олишлик лозим.

Таъсир этишининг ишонтириш усули ишонтирувчининг узатаётган ёки далиллаётган ахбороти мазмунли, оҳангдор, жонли мушоҳада қабилида, мантикий урғуга эга, манбаларга, конуниятга асосланган бўлса, у ҳонда уни қабул қилувчи (ишонувчи) шахснинг ушбу маълумотга нисбатан оғли муносабати юзага келади, ўзаро бир-бирига ишонч туйинини тугинини жараённинг муваффакияти якунлашини таъминайди.

Шахслараро бевосита муносабатлар ўринатишида тақлид муҳим роль уйнайди, балки ҳолатларда идеентификациянинг дастлабки босқичи функциясини ижро этади, худди ўзи боис тақлид қилини руҳий таъсирнинг бир тури сифатида психология фанида қўлланилади. Б.Ф.Поршинев ва бошقا олимларнинг асарларида тақлид жуда содда таърифланади. Инсон (индивид) томонидан хулқ-атвор, хатти- ҳаракат, юриш-туришнинг муайян ташки хусусиятларини такрорлашга қаратилган руҳий жараён (ҳолат) тақлид дейилади. Тақлидига берилган ушбу таъриф унинг бир жабҳасини камраб олганинги туфайли таъсир ўтказишнинг ягона тури деб баҳолаш аддолатдан эмас, албаттга. Ушбу ҳолатга ўз даврида эътибор қилган психотерапент В. Леви оқилюна йўл тутиб, уни ташки ва ички тақлид турига ажратиб ўрганиган. Унинг мулоҳазасича, ички тақлид шахснинг яхлит руҳий туйининининг муайян умумлашган йиғинидиси - буларнинг барчаси бизда сактаниб қолади ва ғайритабии равишда қиёфамизни барпо қилади. Гаърифдан кўриниб турибдик, тақлид биринчи кўриниши атрибутиларга асосланган бўлиб, ҳиссиятимиз орқали ўзлаштирамиз ва шахсий хаётимизда ундан фойдаланимиз. Лекин инсонни инсон томонидан идрок қилганида унинг мотивацияси, овоз оҳангги, нутқ мазмуни, дид-фаросати, нафосати, ички мураккаб кечинмалари, салоҳияти ва иродавий сифатларига алоҳида аҳамият беради. Ушбу руҳий ҳодисалар мантикий йўл билан тақлид қилини келтириб чиқаради ва тақлиднинг ички кўринишини

аке этиради. Ганаба таклид орқали касбий маҳоратга эришади, бўлгуси оғим устози мунозарасидан намуна олиб шаклланади, муайян давр ўтганидан кейин уларнинг ҳар қайсиси мустақил ўз услубига эга бўлади.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш укувчанилиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам боинка одамлар томонидан таклид қилинади ва ҳёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида гапри-ихтиёрий, файритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниши - ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, ўзини-ўзи рӯёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзига-ўзи бўйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсидаги мухим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташки тақлидинг моҳиятини тушуниш ва уларни босқичма-босқич эгаллаб бориш - бўлғуси мугахассисининг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

Муомала жараёнида уқтиришнинг аҳамияти тўғрисида Б.Ф.Поршнев муайян тадқик ишларини ўтказган ва олинган маълумотларни сифат, микдор жиҳатдан таҳдил қилган. Унинг таърифича, уқтириш - бу бир одамнинг бошқа одамга ёки муайян гурӯхга сўзлар ва бу сўзларда ифодаланган фикрлар ва иродани нотанқидий идрок этишга қаратилган руҳий таъсиридир. Муаллифнинг таъкидалашиб, уқтиришнинг моҳияти шундан иборатки, унда тингловчининг гапиравучи шахсга тўла ва сўзсиз ишончи мавжуд бўлса, фикр узатувчининг сўзлари тингловчида гапиравучи кўзда тутган тасаввурлар, умумлашма образлар, илик хис-туйғуларни уйғотади, юзага келтирилган тасаввурларнинг аник-равшанлиги, иложисизлиги, сўзсизлиги шундай ҳаракатлар қилиш заруратини келтириб чиқарадики, натижада бу тасаввурлар бошқа шахс воситасида эмас, балки айнан тингловчининг ўзида бевосита кузатилиши ёки билиб олиши орқали ҳосил қилингандек туюлади.

Шундай қилиб, уқтирувчи таъсирининг асосий шарти - бу бир томондан, ахборот манбайнинг ишончлилиги, иккичи томондан ишонч ёки таъсири ўтказувчининг таъсирига қабул қилувчи қаршилигининг йўклигидир. Мазкур ҳолатта риоя қилинганда уқтирувчининг узатган ахборот маҳсуллари уни тинглаётган шахснинг идрок этишига, ҳар хил ижтимоий воқеикларга ишбагани уларнинг берган баҳолари, билдирилган мулоҳазаларига, таклифларига ижобий таъсири кўрсатиши муқаррар.

Муомалага кириша олмасликнинг асосий сабаби - бу ўзини-ўзи ортиқча ёки наст баҳолаши туфайли ўзига ва уни куршаб турган одамларга иотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан куйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари стаклайди:

1. Ҳамкорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали муомала жарәнишининг барча аъзолари ўртасида инсонларварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал мұхитни таққослаш имкониятини юзага келтириши.

2. Муомала ички муносабатлари тизимида ҳар бир аъзонинг кулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3. Нисонини мұомала хүсусиятлари, мароми, усуулари, шакллари түріндегі ахборотни әгалланға оид махсус машғұлтлар үштіриш.

4. Шахдарлар муносабатлар ва мұомала усууларини үзгартыришта оқынушының ишбілармөнлик үйинлари, психодрама, тренинг тизимини арттыш.

Психология фәннәдә эмпатия билан рефлексия мұомаланинг мұхим сифаттарында сифатида таърифланади. Жумладан эмпатия деганда бошқа солынғаннан руҳий ҳолатини тушуниш қобиляти, эмоционал фикр биліркіш, үшіншілар билан эмоционал бир хиллик назарда тутилади. Рефлексия үз фикр-хаёлларига чўмиш, билишининг ўз ички дүнёсига көрсеткіштік, ўз шахсий позициясини чөтдан туриб тасаввур кила олин, шеритининг фикрига ўхшатиш үкувчанлығы сифатида бағыланади. Бөшкәнде сүз билан айтганда, субъекттинг у билан муносабатта киришган шорынғы томонидан қай тарзда идрок этишини аңграб етишидир.

Мұомана жараёнида эмпатия ҳам, рефлексия ҳам унинг муваффақияттагынини белгиловчи энг мұхим механизм сифатида гавдаланади.

#### Эмпатиянинг мавжудлиги:

1) мұомаладағы шерикларнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олиш сифаты; 2) мұомаладағы даражаси ишбілармөнлик үйини персонажига үзине эмоционал ўхшатиш тарықасыда мавжуд, моддий, воқе нарасадан тасвир келинаёттан нарасага ўтишда тақозо этилади;

3) мұомалада, тасаввур қилинаёттан нарасада шерикнинг ролдаги кешинеңдерини ҳис этиши талабидир.

Хар қандай мұомала жараёнидаги шерикларнинг муваффақияттың рефлексив хүсусиятларига боялғыдир. Мұлоҳаза шахснинг рефлексив хүсусиятлари түғрисида, яъни ўзини шериклар билан тенглештириши, бутун вазиятни ва шу вазиятта ўзини юқоридан күра билиш көбіншылығы ҳақыда юритилмоқда.

Әмматия билан рефлексия юқоридаги тасвифларининг мавжудлиги түғанда мұомалага ўргатыннинг күйіклама воситаси сифатида мұхим рөле уйнайды.

Д.С. Виттекий, А.Н. Леонтьев, А.Р. Лурия, Д.Б. Эльконин, А.В. Запорожец, М.И. Лисина тадқиқтларида күрсатыла, боланинг дастанбет пәннендири әхтиёжларидан бири-бу мұомалага нисбатан әктиёдір. А.В. Запорожец ва М.И. Лисиналар тадқиқтларида таъкидливинең, болашарнинн катталар билан мұомалага киришиш әхтиёжи 7 әншега бир неста босқыншар тарнда ривожланияб беради: 1) әထибор ва хайриходжек әхтиёж наидо булацы; 2) катталар билан ҳамкорлық күйин әхтиёжи түншиси; 3) аввалын барға әхтиёжларға катталар томонидан хұрмат киниш әхтиёжи күшиси; 4) мактабгача әшдагы болада ат-рофдатынан билан уағро бир бирини тушуниш әхтиёжи вужудға келади.

Одамнинг уағро сақоған на ўз ҳаракатини тартибга солиши көбіншылығы боланинда мұомана тәжірибаси қандай таркиб топыншыға боялғып тарзда кечады. Бу ҳолатни әထиборға олиш мұомала маромини шакллантиришта ёрдам беради.

Шу парсани таъкидлари жоизки, В.Н. Мясищев непрошарни шахс муносабатининг бузилиши деб таърифлайди. Уларининг намоен бунишини сабаблари куйилдагилардан иборатdir:

муносабатлардаги икънгайлик, муомалада кескин саралаб ишурини, одам ўзини хотиржам, бемалол тута оладиган шахслар доирасиниң кенгайини;

• ўзини-ўзи баҳолашнинг ўзгариб туриши; ўзини-ўзи баҳолаш айниқса аҳамиятли шахслар иштирокида гоят юқорига кўтарилиши ёки акчина кескин пастга тушиши;

- аҳамиятли шахслар иштирокида фаолликнинг, айниқса нутқ фаоллигининг сусайиши (нутқ сусайиб, кескин тарзда тўхтатиб бўлмайдиган даражада сергаплик билан алмашиши);

- фаолиятни ўзига нисбатан муносабат билан алмаштиришга интилиши;

- шахсий кечинмалари ва хавфсирашларига узлуксиз дикқатни йўналиширор орқали муайян объектга нотўғри тақсимланиши ва объектдан иккинчисига ихтиёрсиз кўчирилиши;

- онгиз равишда оргикча хавотирланиш, даврадаги одамлар билан ихтилоф чиқишидан ваҳимага тушиш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган белгиларнинг мажмуси шакланган неврозни ифодалайди. Шахсда невроз учрамаслиги ҳам мумкин, лекин унинг айрим белгилари фавкулотда кўзга ташланади, булар кутгилма тариқасидаги эҳтимоллик ҳолатининг неврозга таалукли кўринини, холос. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш ёки олдини олиш ёрдами билан одамларда муомала жараёнини мақсадга мувофиқ кечишини рўёбга чиқарини мумкин. Акс ҳолда айрим невроз белгиларининг тасодифий ҳолда шахсда вужудга келиши шахсларро муносабатда субъектив тўсик вазифасини бажаради.

Психология фанида шундай маълумотлар мавжудки, улар шахсларро муносабатларда устувор роль ўйнайди, жумладан муомала жараёнини ҳиссий беҳбудликнинг қатъий йўқлиги бекарор ўзини-ўзи баҳолашни олиб келиши, аввал алоҳида вазиятда, кейинчалик эса шахснинг хавотирланишида салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай одам ўзида кувониш ҳиссини вужудга келтира олиши ва уни бошқара билиши мақсадга мувофиқ.

Муомала жараённида мақсадга йўналган бўлиши учун коммуникатор (лат. *communico* - алоқа ёки муомала қилувчи) билан реципиент (лат. *recipientis* - ахборот қабул қилувчи) тил ёрдамида кодификация ва декодификация жараёни вужудга келса, яъни қатнашчилар бир-бирини тушунсалар ҳамда идрок қилиш имкониятига эга бўлсалар етарлидир. Фикр айманиш учун ахборотни қабул қилиш, уни тескари алоқа жараённида кенгайтириш, унинг белгилари, атрибулари моҳиятига тушуниш туфайли муомала шахслар ўртасида вужудга келади ва амалга ошади.

Коммуникация назариясида сипалларнинг йўналганилиги мухим аҳамият касб этади ва жараён сифатида икки туркумга ажрагиб ўрганишга имкон беради: а) акмиали коммуникатив жараён (лат. *axis* - ўқ

жүнди оған мөнди биңдірады) да алохіда тұрғанған одамларға сигналдар жүргөткіштің әгепі қабул қылуучы манбасидан жүнатылады; б) ретиаллы коммуникацияның жарығы (лат. rete - түр маъносини англатады) да сигналлар сүйгінің номынан ахборот күтүчиларға йўлланады. А.А.Брудний ахборот үзілгутчы воситашар мажмусини фасцинация ( ингл. fascination - шаржун ғанаң демактир) деб атайды. Ахборотни узатышнинг ҳар хил воситашар әртакты билан рационалтарларга жүнатылса, уни идрок қилиш енди құмаш на буна коммуникацияны бевосита ва билвосита шакллари пайтров таиди. Раш-баранг воситаларнинг ўзи ахборот айирбошлаштырып имоншыят яратады, ташқы атрибутлар қабул қылуучини мағтунгер көрсеткіштің айналады.

АКШ психологияшары ҳамкорлик фаолияттіннинг самарадорлигига бир жыл дауымға үстида шахс билан бир қаторда ишшәттеган одамларнинг унга шабдан хайрихоҳдиги ҳамда фаолият түрининг ўзи ижобий таъсир этиюннің социал фацилитація ( ингл. facilitate - енгиллаштириш дегани) деб атайды. Бу фанға социал фацилитація самарааси номи билан кириб көнди. Уннинг можияти шундан иборатки, бошқа одамнинг муайян фаолият бажарылыш кезінде қатнашиши иккінчи бир шахс ҳаракатини енгиллаштириды да мұваффақият билан яқунланишига ёрдам беради. Тажриба-варда шундай маълумотлар ҳам олингандык, фаолияттың бажарыш пайтида болып бир күнненнің иштирок этиши ҳаракатларнинг тұхталишини, ұшыннан көлтүриб чиқарған, яғни салбий оқыбат юзага келганды. Бероганнан шахс ипп бажарыш кезінде иштироки тазайқ әтиш сифатыда таъсир көнинде да салбий түрткі вазифасининг үйнали ингибиция (лат. inhibition - тұхталишта олиб келиш, тормозлаш, секинлаштириш дегани) деп атайды. Бу иккі қолат мұомала жараёница рүй-рост намоён бўлади, шундай шағирииңиң самара келтиради.

Мұомалат жараёни учун Г.М. Андрееванинг коммуникация негизидан көпір чикувчи ахборот иккі тоифага ажратыш таснифи мұхим аҳамияттағы фикр үйігутувчи да маълумот таъкидловчи. Муаллифиининг мұфозаласыча, фикр үйігутувчи ахборот бүйрук, маслаҳат да илтимос шакшылаудың көніб, муайян ҳаракатни рабbatlanтириш (стимуляция), активация, интеракция, дестабилизация (хұлқ да фаолиятда номмутано-спонтанитариясына наимоён бўлади. Маълумотни таъкидловчи ахборот үзінде фаолияттың ўзгартыришни мақсад қилиб қўймайды, шунчаки таъсир үзілгүннің нұнанған бўлади, холос.

Мұомалат әки шахслараро муносабатта киришишда юқтириш феномени фаолияттың көнтіриб чиқарында да уни ушлаб туришда мұхим роли үйнайды. Егерніңда, унга қуйидагы таъриф беріш мүмкін: шахснине муайян рухин қонағшарға онғыз равишда, бефарқ, ихтиёрсиз, ноңғордавшың әңдешшесінде наимоён бўлувчи мойишик юқтириш дейилдәди. Бир инсоннинг иккінчишінде таъсирланинни патижасыда фаолиқтіннинг юзага келиши, кечине да күттейнин умумийликкін көлтүриб чиқаради, бириншисине қўлшаб қувваттнанға шароғт яратади.

Гашниң фикримизча, Г. Лассуэллининг коммуникатив жараенниң белгилүүсүрдөн туянып модели муюмала жараёни учун мұхым ақамият таасиб таади.

1. Кім? (мағлумот узатады) - Коммуникатор
2. Німа? (узатылады) - Мағлумот (матн)
3. Қандай? (узатыш амалга оширилады)
4. Кімдә? (мағлумот йүйланац) - Аудитория
5. Қандай самара билан? - Самараадорлик

Муюмаланинг назарий-методологияк асосини Э.Холлининг “Проксемика таълимоти”, М. Аргайллининг “Интим муюмала”, Дж. Брунернинг “Социал перцепция”, Бердвестлининг “Семантикалык бирлик” назариялари ташкил кынады. Лекин бу соҳага оид бошқа йұналишлар, ёндашувлар мавжуд эканыгини унутмаслик жоиз. Юқоридаги фикримизни янада чукурлаштириш учун муюмала психогигиенасининг принциптері туғрисида мұлоқазалар, юритишни лозим тондик.

Шахслараро муюмалани саводли ташкил этиш, макро, микро ва мизе жамоаларида якка шахс хаттықараларини тартибга солиши малакаларини өзгөллеңдірүү учун муюйян даражада маңсус мағлумот бериш мақсадда мувофиқ. Бунинг учун муюмала психогигиенасига (Англия, Испания ва бошқа мамлекеттердеги согломулаштириш психологиясы курслари бир неча ўн шаңырақ тажрибага эга) асосланған ҳолда умумий психогигиененинг предметтері ва вазифалари, шахс томонидан ўзини-ўзи тартибга солиши, ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзгариши, ўзгаларга муносабат билдиришнинг мақсаатта мувофиқ рөвішті кечиппини таъминтайты.

Айниқса ўзига ва атрофдаги одамларга иисбатан нотұғри муносабаттарын пайдо бўлиши, процессуал ва шахсга дахлдор фаолликнинг астасекини пасайиши, ҳатто бузилиши, асаб тизимишин тез дармонсизланиши, инқатанинг бекарорлашуви, хилма-хил руҳий фаолият турларыда ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзгариши, ўзгаларга муносабат билдиришнинг мақсаатта мувофиқ рөвішті кечиппини таъминтайты.

Муюмалада фрустрация, можаро, қаттық ҳаяжонланиш (стресс), күчни асабийланиши (аффект) руҳий омыллар сифатыда иштирок этади, күчалиш индуksиясы эса регулятор функциясыни ижро этади. Ушбу омылларининг руҳий ролини камайтиришида ахборот ва фикрий таҳлилиниң ақамияти мұхым бўлиб, улар ўзини тута билишда алоқида ақамият касеб қилади.

Ҳамкорлик фаолиятининг биринчи босқичида гурухчаларда психологияк мухит – ўргача, яъни таълабалар ўзаро келишиб, ҳамкорликда бирбирларини кўллаб-куватлаб иш қиссаларда, лекин улар гурухдаги бунидан муносабатдан қоникмайдилар (4, 9). Шунингдек, гурухдаги мухитни шик дейиш қийин (4, 4), бу эса ўз навбатида фаолияти маҳсулдорлигига, мираклилигига ва муваффақиятига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи босқичдан кейин гурухий мухитда сезилари даражада таълабалар ўртасида дўйстона муносабат кўрсаткичи ( $M_{\bar{X},6}$  дан  $M_{\bar{X},2,6}$  га) ижодий томонга ўзгара бортган. Шунинг учун таълабалар ҳамкорлиги ташниди кенгайди, лекин хали фаолият маҳсулдорлигига ва мувафф-

фақиятларига иисбатан муносабат ўзгаришсиз қолди. Бизнингча, бундасосий сабаб иккинчи босқичда талабаларнинг гурухга бўлиниш ўқитувчи ташаббуси орқали амалга оширилган бўлганлигидир.

Иккинси босқичда ваолият муваффақиятларига кескин ижоби ўзгариш кўзга ташланади. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкин, Гарчи босафар ўқитувчи уларни гурухчаларга алифбе бўйича ажратсан бўлса-декиц улар бундай бўлинишга бироз кўнинканлиги учун фаолияти қизиқиш кучайган, унинг маҳсулдорлиги ортиши натижасида талабаларни ўз ишларидан қониқиши ҳисси вужудга кела бошлаган. Мулоқот ва муомала доирасидан ҳам улар ўзаро келишиб кенг ҳамкорлик қилиши эринилганилар.

Тўртичи босқичдан сўнг ўтказилган тажрибалар гурухдаги психологияк мухит ижобий деб баҳолашибга имкон яратди. Мазкур босқич охирида талабалар ҳамкорлиги янада кенгайди, улар ўзаро келишиб ишланишга, бир-бирларини кўллаб-кувватлашга ўргандилар, натижада ҳамкорлик фаолияти уларда қизиқиш ўйгота борди. Фаолиятнинг маҳсулдорлиги ўқиш жараёнидаги муваффақиятлар зерикишини аста-секири камайтириш, натижада фаолият билан шугууланиш мароқли бўла бошлади. Буниинг таъсирида талабаларни гурухдаги мухит қизиқтира бошлади. Шунинг учун тажриба гурухи талабаларида психологик мухит кўлами ва фаолият тизимида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Шундай қилиб, ҳамкорликда ўқитувчи тажриба гурухи талабаларни мустақил фаолиятини ташкил қилиншга кўпроқ эътибор қаратади. Ташкилмада машруғот хусусиятига биноан қизиқарли шакл ва услубларини кўплайди, уларнинг ҳамкорлигини ташкил қиласди, ижодий фикрларини уларни ундиайди, ўзаро фикр алмашинига кенг имконият яратади. Шу босидан ўқитувчи билаи талабалар ҳамкорлиги ўқитишиниг янги шаклдеянишга тўла кафолат беради, иштирокчиларни ижодий изланиш сарстаклайди.

### Жамоага раҳбарликда шахс мuloқotmanqligining roli

Иисоннинг бошика одамлар билан муомалага киришувида шакллашувчи шахснинг фазилатлари ва коммуникатив хусусиятлари жамоадада киншиларининг мулоқотига, фаолиятнинг тавсифларига, ҳар хил хислатларига мухим таъсир ўтказади. Шунинг билан бирга таъбикий хусусиятларини кўпгина масалаларни ечиш учун мухим аҳамият касб этади, психологикни педагогик, тиббий, раҳбарлик, бошқарув соҳалари ривожий алоҳида таъсирчан, кудратли восита сифатида хизмат қиласди.

А.Л.Журавлёвнинг мақоласи худди шу масалига бағишлиланган бўлиб, раҳбар мулоқотманqligining жамоа самарали бошқаришга таъсириниң моҳияти, исихологик тавсифлари, намоён бўлиш хусусиятларини тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Биринчи наибатда раҳбар шахснинг дилкашлиги, киришимчанини, мулоқотманqligi хусусиятининг аҳамияти жамоага раҳбарлик қилиши муомаланинг қандай роли ўйнашилигидан келиб чиқади. Агарда ташкили

Боинидрув фаолиятигининг мазмуний (марьновий) томони раҳбар бажарадиши мақсад (вазифа) функцияси ва операция функцияси ҳисобланади. Буинай фаолиятни амалга оширишнинг мажбурий шакли ва воситаларидан бири муомала саналади. Худди шу боисдан раҳбарнинг коммуникатив функцияси мақсадга эришув воситалари функцияларига алоқадор бўлиб, боинидрув фаолияти операцияларини амалга оширади. Раҳбар муомала сардами билан жамоада хамкорлик фаолиятини ташкил этади, ижрочилар фаолияти ва хулқини бошқаради. Бир қатор тадқиқотчиларнинг мулоқотларига қараганда, раҳбарнинг тўртдан уч кисм вақти ижрочилар юкори ва куйи мавқедаги, лавозимдаги раҳбарлар билан мулоқотнишишга кетади. Ҳолбук шундай экан, муомала бошқарув фаолиятини тикомиллаштиришининг энг муҳим имкониятлари (захираси) дан бири сифатида намоён бўлади, бинобарин, кулагай вазият сараси сингари ундан унумли фойдаланиш керак.

Шахснинг мулоқотмандлиги муҳим аҳамият касб этишининг иккинчи томони шундай иборатки, унда жамоа билан раҳбарнинг ўзаро таъсир кўрсатишида юкори даражада эксплицитлик намоён бўлади. Раҳбар муомаласининг латент даври сифатларидан фарқли ўлароқ шахснилк хусусиятлари ижрочилар томонидан бевосита идрок қилиш, баҳолаш ва реал муносабатлар предмети бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, унбу хусусиятлар жамоацаги ижтимоий-психологик ҳодисаларга сезиларни таъсир кўрсатиш имкониятига эга, жумладан ижрочиларнинг кайфиятига, раҳбар билан шахслараро муносабатдан қониқишига, умуман олганда жамоацаги ижтимоий-психологик мухитта таъсир ўтказа олади.

Тадқиқотчи А.Л.Журавлев талқинича, шахснинг мулоқотмандлиги боинка одамлар билан сенги мулоқотга киришувчалиги тортиңчоқлик, мальнавий ниқобнинг ўйклиги билан тавсифланади. Унингча, мулоқотмандлик бир қатор эмпирик референтларга эга бўлиб, унинг ифонашанишини баҳолаш имкониятини вужудга келтиради. Биринчи марта унга алоқадор нарса - бу муайян вақт оралигида шахс томонидан амалга ошириладиган бошқа одамлар билан мулоқотга (алоқага) киришиши мөндори ёки частотасидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шахснинг мулоқотмандлигини ифодаланиш даражаси тўғрисида мулоҳаза юритти учун алоқага киришувчаликнинг частотаси етарли эмас. Муаллифнинг таъкидлашича, иккинчи мажбурий референт бўлиб, мазкур алоқаларнинг эмоционал “тон” и. Шунингдек, унинг ижобий, нейтрал, салбий (негатив) акс этиш имконияти мавжудлиги туфайли шахснинг мулоқотга киришувчалик ва мулоқотмандлик сифатларига ажратиш зарур. Мулоқотга киришувчалик деганда, одамнинг бошқалар билан осон шоқа ўрнатувчалиги, ишбилармонлик намойиш қилишлиги, бунда ширекларда муомаланинг эмоционал салбий “тон” чакиравчи ҳолатга йўл қўйиншилик тушунилади. Мулоқотмандлик шахс сифати тариқасида муомаланинг эмоционал ижобий тони билан уйғунлашган тарзда намоён бунийини тақозо этади.

Тадқиқотчилар Д.П.Кайдалов ва Е.И.Суименколар одамларнинг унро бир-бирига таъсир кўрсатишини ва муомаласини баҳолаш учун

"шахсарни ижтимоий ахборот билан ўзаро бойитиш самараси" тавсифини киритишни тавсия қиладилар, бинобарин, муомаланинг ҳар қайси акти ёрдами билан бир-бирига ахборот узатиш якунининг мажмуасини билдиради.

А.Л.Журавлёвнинг гувоҳлик беришича, муомаланинг феноменини ўргатиш бўйича ижтимоий психологияда стандартлаштирилган методикалардан фойдаланилган ҳолда жиддий равишдаги эмпирик тадқиқотлар жуда кам ўтказилмоқда ва унинг жамоа ҳаёти ҳамда фаолиятининг турлича жабҳаларига таъсири қарийб ўрганилмаган. Шунинг учун раҳбар шахсининг коммуникатив сифатларининг фаолият самараодорлиги кўрсаткичига бағишлиланган маҳсус тадқиқотлар мавжуд эмас, ваҳоланки бу масаланинг аҳамияти бир қатор маңбаларда алоҳида таъкидланиб ўтилган.

Ушбу муаммо юзасидан педагогик жамоаларининг кўпроқ ва нисбатан камрок тайёргарлик даражасига эга бўлган раҳбарларидағи шахслик хусусиятларини қиёслашгага бағишлиланган ишни таъкидлаб ўтишини ўзи етарли. Унда шахснинг ёрқин ифодаланган ахлоқий коммуникатив сифатлари изоҳлаб берилган, лекин бу тадқиқотда коммуникатив фазилатларни ўлчаш амалга оширилмаган ҳамда раҳбарлик самараодорлигининг кўрсаткичлари шакллаштирилмаган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда А.Л. Журавлёв тадқиқот предмети қилиб раҳбар шахси мулоқот баёндигининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий психологик кўрсаткичларига таъсирини таинлайди. У ишлаб чиқаришининг яққол шароитлари билан аниқланувчи, жорий вазифаларни бажарувчи саноат корхонашарининг бирламчи жамоаларини тадқиқот объекти сифагида таинлайди. Гажрибалаarda 200 дан ортиқ бирламчи жамоалари ва уларнинг хўжалик раҳбарлари иштирок этади.

Тадқиқот олдига мулоқотмандликнинг ортиши раҳбар фаолиятиниг ижтимоий психологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ижобий таъсири этиши мумкин, деган фараз кўйилади.

Мулокотмандликни эксперт баҳолаш методикасида эксперталар сифатида бошика раҳбарлар иштирок этадилар ва улар бошқарув нерархиясининг юқори, ўрта ва қуйи босқичларига алоқадорлар. Эксперт баҳолаш тизими етти баъли шкала асосига курилган бўлиб, унда 7 баҳо доимо мавжудлиги, 6 - сифат қарийб намоён бўлишилиги, 5 - сифат намоён бўлмаслиги а қараганда акс этиши кўпроқ, 4 - сифат гоҳо пайдо бўлади, 3 - сифат пайдо бўлмаслиги кўпроқ, 2 - сифат қарийб намоён бўлмайди, 1 - сифат ҳеч қачон ўзини кўрсатмаган. Раҳбарликнинг учала даражасини эксперт баҳолашда синовчиларнинг ўзини- ўзи баҳолаш жараёнидан ҳам фойдаланилади. Ҳар қайси синаловувчи бўйича уларнинг ўртача даражасининг қиймати (аҳамияти) белгиланган.

А.И.Журавлёвнинг тадқиқот методикасининг иккинчи қисмида асосий эътибор раҳбар шахсини гуруҳий баҳолашга қаратилган бўлиб, унда таъкидлаб ўтилган шкала бўйича жамоашиг ҳар бир аъзоси ўз раҳбарининг мулоқотмандигини баҳолаган. Гуруҳий баҳолаш тадқиқот учун алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда ижрочиларнинг тескари

шоқаси ўз аксини топади, бинобарин, уларнинг муносабатлари, раҳбарларин ўзаро таъсир ўтказишнинг коммуникатив жабҳалари (аспектилари)ни баҳолаш намоён бўлади. Раҳбарнинг мuloқotmandligini баҳолани орқали жамoa аъзолари унга нисбатан ўзларининг умумлашган муносабатларини билдирадилар, чунки унинг асосида ижрочиларга нисбатан бонниқ мuloқоти ётади.

Тадқиқотчи изланиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Айзенкнинг шахсийлик сўровномасидан фойдаланади, бунда шахснинг экстравертив-шини омили аниқланилади, маъдумки ушбу фактор ўзининг мазмуни, мөхияти билан мuloқotmandlikka жуда яқин туради.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жоизки, шахсни гурухий баҳолаш методикаси ва Айзенк сўровномаси ёрдами билан пафақат раҳбар мuloқotmandligi, балки ижрочиларпеки ҳам баҳоланганд, бунинг мөхияти шундан иборатки, кези келганда жамoaда уни намоён бўлиши дарасини таққослаш зарурияти туғилса, ундан фойдаланишиш.

Муаллиф олинган натижаларни таҳлил қилинча куйидагилар асосланади: раҳбарларнинг мuloқotmandligi намоён бўлиши беш даражада (биққич) га ажратилади:

- 1) жуда паст мuloқotmandlik (биққлик) - 24 балли шкала бўйича 1 баллгача;
- 2) паст мuloқotmandlik 5-9 балл;
- 3) ўртача (мўтадил) мuloқotmandlik - 10-14 балл;
- 4) юқори мuloқotmandlik - 15-19 балл;
- 5) ўта юксак мuloқot - 20 баллдан зиёд.

А.И.Журавлев тадқиқотида раҳбар мuloқotmandliginинг индивидуал киймати 4 баллдан 18 баллгача диапазонда тақсимланганлиги аниқланди. Унинг фикрича, раҳбарлар фаолиятини ишлаб чиқариш самаридорлиги, биринчидан, уларнинг ижтимоий-руҳий самарасидан бирмичча юқори баҳоланади. Иккинчидан, ижтимоий-руҳий кўрсаткичлар билан таққосланганда мумкин қадар раҳбарнинг юксак мuloқotmandligi вујудга келса, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилади.

Олинган маълумотларга қараганда, раҳбарларни мулодотмандлигининг мақсадга мувофиқ пайдо бўлиши жамoa аъзоларининг муомаласи ўрнатиши индивидуал-психологик хусусиятларига, ишлаб чиқаришининг техник ва технологик тавсифларига, ҳисобга олиниши муракаба омиллар мажмусига боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Муаллиф раҳбарларда мuloқotmandlik ифодаланишининг детерминлашган омилларини мажмусини тўртта асосий гурухларга ажратади:

- 1) жамoага жамият томонидан бериладиган мақсадлари ва вазифаларини аниқловчи ишлаб чиқариш хусусиятлари;
- 2) жамoадаги алоҳида шахслар ва раҳбарликнинг ижтимоий-психологик, ижтимоий-демографик, ижтимоий-иктисодий тавсифлари;
- 3) раҳбар шахснинг индивидуал хислатлари;
- 4) раҳбар билан ижрочилар орасидаги муомаланинг шарт-шароитлари ва яққол вазиятлари хусусияти.

Тескари (салбий) таъсир кўрсатиш муаммосининг дастлабки тақиқоти ҳам ўта юксак мулокотмандликка, тескари боғлиқликнинг самарағорлигини тушунтиришга қаратилиши лозимигини кўрсатади. Матъумотларга биноан жамоа аъзоларида раҳбарлар билан муомалага киришишнииг муайян даражасига нисбатан ижтимоий-психологик установка хукм сурини мумкинлиги аникланди. Шунингдек, ижрочилар билан юкори мулокотманд раҳбарларнинг ўзаро таъсир кўрсатишида “блокировка механизми” ишлаб чиқилар экан. Бунда оптималикдан йирок вазиятларда муомала йўналиши кузатиласи. Бундай ҳолатларда ижрочилар билан раҳбарнинг ўзаро таъсир кўрсатиш усуслари ҳисобига муомала блокировкаси амалга оширилади ва бу ҳол ўта куйи мулокотманд раҳбарлар учун ҳам хусусиятлариди.

Муаллиф талқинига кўра, раҳбар фаолиятининг юксак самарағорлигига эришиш ҳам куйи, ҳам юкори мулокотмандликда учрайди. Бошқарув қарорларини амалга оширишда, ишни ташкиллаш жараёнида ижрочилар билан раҳбарнинг ўзаро таъсир ўтказиши ва фаол муомаласи билан тавсифланади. Бошқарув қарорини қабул қилишни обдон ташкиллаштириш жамоани ҳамкорлик фаолиятига тайёрлаш фаолиятнииг ва ташкилий чора-тадбирларнинг сифати билан аникланади ва белгиланади.

Эмпирик матъумотлар таҳлилига биноан, турлича ишлаб чиқаришсаноат корхоналарида, раҳбарлар гуруҳида, ҳар хил жинслар ўртасида аҳамиятли, қийматли тафовут йўқ эканлиги намоён бўлди. Раҳбарлик стажига, ёш хусусиятига қараб раҳбарлар гуруҳида статистик аҳамиятли фарқлар мавжуудиги ўрнатилган.

Юкоридаги мульҳазалардан келиб чиққан ҳолда муаллиф айрим хуносалар чиқаришга ҳаракат қиласди:

1) раҳбар шахсини интеграт ва очик гизим сифагида қараш мумкин, чунки унда бир қатор ўзгаришлар юзага келади ҳамда ривожланиши амалга ошади;

2) бошқа одамлар билан муомалада ва бошқарув фаолиятида, раҳбар шахсининг узлуксиз ривожланиши, камолоти жараёнида, методлар, усуслар алмашишида раҳбарликда юксак самараларга эришиш мумкин;

3) раҳбар томонидан янги фазилатларни эгаллаш натижасида ва бальзи хислатларни йўқотиш туфайли раҳбарлик услублари алмашади.

### Фикрий топширикни биргаликда ечишдаги диалог мазмунининг психологик таҳлили

Икки одамнинг бир-бiri билан дастлабки яқипланувини, бевосита нутқий муомала вазиятида биргаликда фикрий топшириқларнинг ечишини уларда диалог ва фикрий топшириқларнинг ечишини уларда диалог ва фикрий жараёнлар намоён бўлиши сифатида қараш мумкин. Диалог мазмунини тадқиқ қилган Г.М.Кучинскийнинг талқинича, бу (диалог) - шерикларнинг ўзаро таъсиригининг етакчи шакли, бажариладиган фаолиятнииг адекватлигидир. Унинг адолат мезони билан одилона баҳо бериши-

шы, повербал муюмаланинг аҳамиятини инкор этмай, биз шунин тиқиғи шиймизки, унда билиш жараёнлари мазмунини акс эттириш (ғозлар, пишіншар, тушунчалар, фаолият ва ҳоказ) имконияти ҳаддан зиёд чеккап тиңдир.

Дарҳақиқат шундай омил мавжудлигини тан олиш билан бирга, бергаликдаги ечим, ҳамкорлик ечими атамасига аниклик киритилиши лоялым, агарда диалог ёйік бўлиб, ўз ичидағи фикрий ва индивидуал жараёнларининг муҳим жабҳаларини қамраб олса, уларни яхлит бир бутуилликни айлантирса, факат шу тақдирдагина мулоҳаза шартига мувофиқ келади. Г.М.Кучинскийнинг бевосита нутккий муюмала вазиятида фикрий топширикни бергаликдаги (ҳамкорлик) ечимига оид таққиқоти “тафаккур ва диалог” муаммосини келтириб чиқаради, сўзсиз улар ўртасидаги мунодибатти бундай ўрганиш психология фанида янгилик ҳисобланади. Унинг кекли равишда таъкидлашича, диалогининг психологик моҳияти тўғрисида шимий манбаларда кенг қамровли баҳслар йўқ, бирок муюмала тушунчаси мазмунни, тузилиши бўйича кейинги йилларда шицдатли суръатда мулоҳазалар, муҳокамалар авж олмокда. Бу тўғрида психологлар томонидан бишдирилган нуқтаи назарлар муаллиф учун алоҳида қизиқиш уйғотади ва диалог (мулоқот) моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Назарий фикрлар таҳлилига асосланган муаллиф қўйидаги шаклда тиыриф беради: “диалог - инсонни инсон билан муюмаласининг алоҳида инклидир”.

Г.М.Кучинский томонидан собиқ совет психологиясида энг кенг спилган ёндашув бевосита муюмала маҳсус фаолият сифатида үрганилиши эканлиги, унинг негизида фаолият назариясининг йирик вазияти асари ётиши уқтириллади. Матъумки, ушбу назария собиқ совет психологиясининг йирик ютуқларидан бири саналади ва уша асосий ытибор субъект фаоллигининг шундай шаклларига қаратилади, бунда фаолият предмети ўзgartирилиб унинг маҳсулуга айлантириллади. Фаолиятнинг предметлиги бу ҳолатда унинг туб негизин англатувчи (конститутив) тавсифи сифатида қаралади. Ушбу муносабат билан муюмалани фаолият сифатида талқин қилувчи психолог учун унинг предмети масаласига шартоб ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Муаллифнинг таъкидлашича, бу бўрада уч хил жавоб бўлиши мумкин. Чунки муюмала фаолият тўғрисида ва унин предмети юзасидан уч хил кўринишдаги тасаввур мужассамлаштиңдир:

- а) муюмала қатниашчиларини ўзининг навбат билан таҳлили;
- б) муюмаладошларнинг ўзаро муносабати ёки таъсири;
- в) муюмаладошларнинг ҳамкорлик фаолияти.

Ушбу ёндашувлар Т.В.Драгунова, А.А.Леонтьев, В.В. Рижовларники топширигини таъкидлаш билан масалага аниклик киритиш лозим деб ҳисобланмаймиз.

Г.М.Кучинский нуқтаи назарича, юқоридаги муюмаланинг фаолият сифатида қарашларнинг энг заиф жойи муюмаладошларнинг ўзаро таъсири жараённининг таҳлили ҳисобланади. Бевосита нутккий муюмала вазиятига иккита синалавччи учун умумий бўлган фикрий топширикли счишда

үнібұ қодисапи тушунтириб беришга ҳаракат қилади: учинчи, топширип сипалуучылар томонидан “диада” ечилған тақдирда, ҳамкорлық ечими біндеңде үзини диалог сифатида намоён қилади. Агарда инсон мұомал предмети сифатида талқын қилинса (Т.В.Драгунова), бунда диалог иккіншіндеңде ғаолиятта айланып қолади, чунки мұомаладошларнинг ҳар бир учун ғаолияттнинг үз предмети бўлади, яъни унинг суҳбатдоши. Үзар таъсир бундан келиб чиққан ҳолда алмашиниб турувчи, ёнма-сын ҳаракатланувчи иккита таъсир ўтказишга тентглаштириб қўйилади. Улар иштеп ҳар қайсиси үз мақсади, үз мотивига эга бўлади. Бу ҳолда ҳар бир иштирокчи ғаолиятини алоҳида қарашиб, ҳатто унинг шеригига таъсири ўтказишини, мұомаладошнинг таҳлил қилинаётган ғаолиятта нисбатта таъсирини хисобга олиш ҳам шерикларнинг үзаро таъсир ҳаракати таҳлилида унинг ички мантигини тасаввур қилиш амри маҳол.

Мұомалага ғаолият сифатида иккінчи ёндашувда излапувланинг жисмға мұлжалланувчи мұомала мұносабати билан үйғунашған тарздың акс этади. Бу вазиятта топширик дилда ечилғанлиги туфайли диалогдан бошқа ҳеч қандай үзаро таъсир йўқ. Мұомала предмети үзаро таъсир ўтказиш хисобланса, у ҳолда диалог устига диалог пайдо бўлади, яъни ҳамкорлық ечими жараёнида мұомала қандай кўринишда юзага келиши керак. Бироқ ҳамкорликдаги ечим диалогтнинг фрагментлари бошқалар билан үзаро қўшилишиб бир яхлитни вужудга келтиради. Бошқача сўнг билан айтганда, муаллиф томонидан таҳлил қилинаётган вазият яхлит диалог хисобланыб, яхлит жараён шерикларни үзаро таъсир ўтказиш нутқида амалга ошади ва ҳеч қачон үзаро таъсир учун ҳукм сурмайди.

Мұомалага ғаолият сифатида ёндашувининг учинчи турида мұомала субъекти - бу мұомала хисобланмайдиган ҳамкорлық ғаолиятида үз аъзомарининг интеграцияси мақсадида уларга таъсир ўтказувчи гурухдир (В.В.Рижов). Г.М.Кучинский эътироziчa, агарда топширик дилда силадиган бўлса, унда мұомала иштирок этмаса, бунда ҳеч қандай ҳамкорлық ечими ҳам йўқ. Агарда мұомала ғаолият сифатида унинг предмети хисобланмиш ҳамкорлик ғаолияттнинг ҳар хил жабҳаларига йўллаш мумкин бўлса, у ҳолда диалог мазмуни, шакли бўйича нимади қаратилганилигидан қатъи назар, у шерикларга үзаро таъсир ўтказувчи сифатида қолаверади, чунки инсоннинг нутки инсонга қаратилган бўлиши мумкин.

Собиқ совет психологиясида Б.Ф.Ломовнинг мұомала ва ғаолияттнинг үзига хослиги, уларнинг бир-бирига қўшилмаслиги тўғрисида бошқа ёндашуви кенг тарқала бошлади. Бу йўналишдаги үзига хослик биринчи навбатда алоҳидаликнинг үзига хослиги, “субъект-субъект” мұносабати үзаро таъсир жараёни мұомала мөхияти яратувчиси эканлигидан билан бояланади ва үзаро таъсирининг “субъект-субъект” билан муайян даражада тафовутланади.

Муаллифнинг мулоҳазасича, диалог қатнашчиларининг үзаро таъсирининг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда үзаро таъсир нутқида, шаклида, нутқ ёрдами билан амалга ошади. Инсоннинг нутқида ҳамиша нимадир, нима тўғрисида гапирилади, яъни сўзловчи субъекттнинг фикрий

и ичкиси ифодаланади. Фикрий позициянинг ўзаро таъсирида диалогни ички ва ташки жабҳаларини фарқлаш имконияти вужудга келади. Ўюнотнинг ташқисида ҳар хил ўзаро таъсир ўтказувчи фикрий позицияни турлича аниқ (жисмоний) сухбатдошлар томонидан ривожлантирилади. Диалогнинг ичкисида ҳар хил узаро таъсир ўтказувчи фикрий позицияни шаҳарини сабаблар фақат субъект томонидан ривожлантирилади, яъни фақат битта-юнотни гапиравчи нутқида ифодаланади. “Ички диалог” ва “ички нутқи”, “ишик диалог” ва “ташки нутқи” тушунчалари айнан бир нарса, бир хил сабаблар эмас. Бошқача йўналтирилган гапиравчининг ташки нутқи сабаби унинг ўзига ҳам қаратилишади. Нутқий муомалада шерик туткига диалогик муносабатни билдириш билан чекланиб қолмасдан, ҳам ҳам ўзининг, ҳам бегонанинг нутқига эътибор қилиши лозим. Бинабарини, ташки нутқи ташки ва ички диалоги воситаси бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга сўзловчининг ўзи ички билдириши мумкин. Ташки сабаби билан бир каторда ташки нутқда ички диалог ва ички нутқда ички диалогни ажратиш мумкин.

Муалифнинг мулоҳазасича, гашқи ва ички диалоглар - бу эмпирик таъсирий обьектлар эмасдиир. Фикрий топшириқнинг ҳамкорлик ечишнинг ўрганаётган тадқиқотчи эмпирик обьект билан иш юритади ва уни сабаби кейин “нутқий муомала” тушунчаси билан белгилаш мумкин. “Ички диалог”, “ички диалог” тушунчалари асосида нутқий муомаладини ҳар хил жабҳаларини қайд қилиш имконияти туғилади (динамикаси, зуснини). Асарда баён қилинишича, фикрий топшириқларни ҳамкорликда ечиш жараёнида диалогни ўрганиш “субъект-субъект” ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнини аниқлашга ва предметли маъновий ва мантиқий аюқаларни ечиш жараёнида очинишни қайд қилишга йўналтириши керак.

Г.М.Кучинский томонидан ўтказилган диалог шаклининг фикрий топшириқларни ҳамкорликда ечиш жараёнига бағишлиланган тадқиқотида очинишнишича, нутқий муомала шаклининг тузилмавий бирлиги сифатига элементар цикл хизмат қилиши мумкин. Элементар цикл мазмунини биро боғланган нутқ актларидан ташкил топгандир. Унинг таркибига фикат элементлар, яъни бир функционал, битта коммуникатив топшириқни ечишга қодир нутқ актлари (нутқий хатти-ҳаракатлар) киради. Элементар нутқ актларининг функцияларини ўзаро ўннадай қиёслаш мумкини, биринчи элементар нутқ акти муомала циклини очадиган функциясиз мумкин бўлмагандай, иккинчи элементар нутқ акти унга муносабиб функциясиз амалга ошмайди, натижада ушбу жараён якунланмай болади. Шунингдек, асарда кўрсатилишича, нутқий муомаланинг элементар циклари қаторига “унга нисбатан маълумот - муносабат”, “савол - давоб”, “унинг бажарилишига ҳаракат турткиси” кабилар киради, нутқий муомаланинг мураккаб шакллари ранг-баранглиги уларнинг негизида муомаланипроқ ифодаланиши мумкин. Диалогнинг мазмунини таҳлил сабабида бирламчи нарса нутқий муомаланинг элементар циклида мавзуза приспособленини масала бўлиши керак.

"Унга нисбатан маълумот - муносабат" циклиниг мавзусини аниклананинг асосий мўлжали (ориентири) маълумотни акцентирлашган кисмга, "рема" га ажратишдир. Матъумотнинг мавзуси - бу унинг асосий аникловчисидир. Сўз, тушунча, атама, сўз бирикмаси режа орқали аникланади.

"Унинг бажарилишига ҳаракат турткиси" цикл мазмунини таҳдил қилиндида унинг икки асосий кўринишини фарқлаш мақсадга мувофиқ:

а) сұхбатдошнинг нутқий фаолигини бошқаришга йўналтирилган ҳаракатта ундовчи (кўзловчи) цикл;

б) сұхбатдошнинг нутқиз фоолигига йўналтирилган ҳаракатта турткиси цикл.

Биринчи кўринишида нутқ мавзуси тўғридан-тўғри берилади, иккинчи сенда эса диалогнинг мавзуси билвосита йўл билан сұхбатдошнинг онинга етказилади.

Маълумот ўтказиш, савол ва ҳаракатта ундовчи (кўзловчи) - булар муомаланинг элементар циклини амалга оширувчи функционал элементлардир. Г.М.Кучинский биринчи гуруҳ функционал элементларни мурожаатлар, иккинчиси эса жавоб актлари деб номланади. Уларнинг ўзаро фарқини муаллиф қўйидагича изохлайди: диалогда янги мавзуларни муҳокамага қўйини фақат мурожаат орқали амалга оширилади, жавоб актлари эса қўйилган мавзу чегарасидан ташқари чиқмайди. Шерикларни биттаси иккинчисига мурожаат қылса, унинг хатти-ҳаракати учуннашида давом этиши мумкин. Биринчидан, бошланган циклни якуннап ва шу билан бирга сұхбатдош таклиф қилиган мавзуни қўллаб-куватланиш. Иккинчидан, бошлаб қўйган циклни якунламай, ўзининг матъумотномаси, саволлари, ҳаракатта турткиси билан янгисини бошлаш.

Тадқиқотчи олинган маълумотларга асосланиб бальзи бир хуносалар чиқаринга ҳаракат қиласади:

1) диалогда битта эмас, балки иккита ва ундан ортиқ мавзу бўлиши мумкин;

2) диалогда у ёки бу мавзу узлуксиз ривожланмай қолиши кузатлади;

3) диалогда шерикларнинг ўзаро таъсири нафақат диалог мавзусини курашада намоён бўлибгина қолмасдан, балки уни ривожлантириш бўйича интилишида ҳам кўзга ташланади;

4) диалогда ҳам маъновий ўзаро боғлиқ цикллар изчилиги, ҳам ўзаро боғланмаган элементар цикллар вужудга келади.

Матъоний ўзаро боғлиқ элементар циклларнинг ташкилий мажмуси пайдо бўлини нутқий муомаланинг мураккаб цикли, микродиалог тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради. Нутқий муомаланинг мураккаб циклларига мурожаат қилиш диалог мазмунини таҳдил этишда янги саволлар туғилишига олиб келади. Микродиалогда муҳокамага ажратилиш аниқ мавзу йўқ, элементар цикл мавзусидаги функционал рол эса микродиалог ривожланиши давомида мутлақо ўзгариши мумкин.

Нутқий муомалада ташки диалогни ичкига ўтиши ўз ифодасини топмасдан, балки ички диалогнинг ташки шаклига ўтиши ҳам камраб.

специфици. Ташки диалог мавзулари ривожланишидаги узилишнан, фасурунда бир мавзудан иккинчисига күчиши сұхбатдошлар ички диалогтары ҳаракати (кечиши) билан күпинча детерминация қилинади. Ташки аныктынинг ҳар хил фрагментлари мавзуси билан маъновий алоқалари шерикларнинг ички диалогида яширинган бўлиши мумкин.

Муаллифнинг оқилона таъкидлашича, ўзаро таъсир кўрсатишнинг “субъект-субъект” муносабати алоҳида шакл сифатида диалог мазмунини турининг тенглаштириб қўйиш эмас, албатта. Бу билан бир қаторда шерикларнинг (у ёки бу мавзуни танлаш тизими, таърифланиши) нуктаи шарни, уларниң маъновий (фикрий) позицияларини (таъриф ёрдами билан аниқланувчидан аниқликни вужудга келтириш) ўрганиш зарур. Шиномда шерикларнинг маъновий позицияси ўзгаришини ва ўзаро таъсир кўрсатишнин ўрганиш маҳсус техникани, диалог мазмунин таҳлилини маҳсус амалга оширишни талаб қиласди.

### **Кичик гурӯхларда топшириқ тўғрисида ахборот алмашиш ва индивидуал таълим**

Немис психологлари Ю.Нойберт ва Р.Томчик ўз изланинларида гурӯхий фаолиятдан саноат корхоналари ишчиларининг индивидуал фаолияти яхшилаш учун фойдаланиш муаммосини кўтариб чиққанлар. Уларниң талқинларига кўра бу масалани тадқиқ қилишнинг энг камиди иккита ёмили (сабаби) мавжуд, ҳолбуки шундай экан меҳнат фаолиятида индивидуал ишлаш усусларини такомиллаштириш орқали муайян эзгу мақсадга эришиш мумкин:

- топшириқ тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш усули, табиати, биражаси бўйича индивидуал фарқлар, одатда ишчилар ўртасидаги одатни операцияларни бажаришдаги шартланган тафовут, баъзан интеллектуал зўриқишидаги унинг кўринини;
- оптимал ишчи усусларни аниқлаш учун зарур ахборотнинг күнинча стишмаслиги, анъанавий таълим методларида нуқсонлар синтези.

Унинг биринчisi ҳаракат регуляциясининг оператив образлар шаклида субъектив тарзда тасаввур қилиниши мумкин, иккинчisi оптимал ишчи усусларини аниқлаш учун зарур.

Муаллифлар топшириклиарни гурӯхий ечиш тадқиқотининг натижаларига асосланниб, гипотетик тарзда бир хил ишни бажарувчи ишчиларининг тажрибаси (субъектив оператив регулятив образлар), худди шунчиллар томонидан:

- а) вербаллашлади;
- б) оптимал вариант бўйича ганлаб олинади (баҳоланади);
- в) топшириқ талаби ва вазияти ҳисобга олинниб тизимлаштирилади замуда бир даврнинг ўзида муҳокаманинг барча қатнашчилари ўзлаштирилади, дейиш мумкин.

Ушбу гипотезани текшириш учун тадқиқотчилар томонидан битта лаборатория ва иккита дала шароитида эксперимент ўтказилади. Лаборатория экспериментининг мақсади топшириқ тўғрисида ахборот алмашиш

(ГТАА) диприда асосий үзаро таъсир кўрсатиш ва таъсир ўтказиши таъсирни кўшиницир. Бошқарув ва операторлик фаолиятини ўрганиш бўйичада шаронтида олингани натижаларнинг валидлигини баҳолашга ҳаракатни кейинги экспериментлар мөхиятини ташкил этган.

Лаборатори эксперименти олдиға муаллиф қўйидаги гипотезаларни кўядишиар:

1. Топширик тўғрисида ахборот алмашибга бошқарувнинг таъсири қандай?: а) тайинланган лидер томонидан топширик тўғрисида ахборот алмасини муҳокамасини стимуляциялаш ва координациялаш уни (ГТАА) самарадорлигини оширади; б) топширикка алоқадор, катта бўйичи шахирасини эгаллаган муҳокаманинг лидери гурӯхий баҳсни бошқаринида камроқ тажрибага эга бўлса, топширик тўғрисида оз билимни дискуссияни олиб боришида тажрибали ундан ҳатто тафовутланмасини мумкин.

2. Топширик тўғрисида ахборот алмашиб қатнашчиларининг индивидуал ўқитишга топширикка алоқадор тажрибанинг таъсири қандай?: а) тажриба кўлами қанча кенг бўлса, индивидуал таълимнинг самара шунчакам; б) топширик тўғрисида ахборот алмашиб кезида тажрибаси катта шахс ҳам маълум даражада бирон-бир нарсага ўрганади.

Тажриба ўтказиш қўйидаги тартибда олиб борилган ва муайян таъминаларга риоя қилинган: синалувчиларга ракамлар (I дан 9 гача) ва ҳарфлар (А серияда - а, в, с; R серияда - r? s? t; X серияда - x, y, z) ўртасида алоқалар, боғланишлар ўрнатиш тавсия қилинади. Синалувчилар сифатида тижорат мактабининг 112 та ўқувчиси ва 8 та психологияни ташаб олингани. 24 кун давомида 4 тадаи (ҳаммаси 96 та) экспериментал топшириклар устида ишлагалир, кейинчалик топширикни ечиш имконини мухокама қилишган (4 тадаи бўлиб - топширик тўғрисидаги ахборот алмашиб билан шуғулланганилар). 16 нафар синалувчилар индивидуал ишлашган ва назорат гурухини ташкил этишган.

Методика хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда баҳслар маълуматни кўндигарга сунгани тарзда уюштирилган:

а) топширик тўғрисида ахборот алмашиб кезида дискуссияни раҳбарлик (Д): лидерсиз мухокама (Дў); гурӯх ичидан тайинланган лидер бўйича (Дў); кўшимча мухокама лидери сифатида топширикка алоқаси бўймаган психолог билан (Дк);

б) топширик тўғрисида ахборот алмашиб юзасидан олдиндан аниқлаб кўйинган мақсад (Му): фақат умумий мақсад (Мк); в) топширик тўғрисидаги ахборот алмашибга қадар топширик ечиш бўйича индивидуал ишлаш тажрибаси (Е); инструкция бўйича билим (Ео); инструкция + бигта уринини (Е); инструкция + иккита уриниш (Е); инструкция + учта уринини(Е).

Муаллифлар синалувчиларни хатога йўл қўйини частотасига қараб улар фаолиятини баҳолашга ҳаракат қилинади. Назорат гурухи учун белгиланган миқдорга асосланниб, баҳолани мезони сифатида Мак-Коли

трансформацияси ёрдами тәдқиқотчилар мұғытадиллашты (мөбөрнанғы-рилтән) шкалада ишилаб чиқадылар

(b + 1 = M1). Гипотезада башорат қилинган үзаро таъсир күрсатушының асосий омылларини бағолаш учун дисперсия таҳлили құлланилады. Синауучилар фәолиятлари кейинги вариантылар бүйіча гомогенлары ва олдингі сериялар бүйіча гетерогенлары намоён бўлған. Дункан тести бүйіча ўрта фаолият олдингі тоғширик ечишдаги уринишлардан муайян аҳамиятли даражаси билан тафовутланади.

Олингандың жадвалларда ифодаланған натижалар таҳлилига асосланды, муаллифлар бәзни бир хуосалар чиқарадылар:

1) дастлаб тасаввур қилинган эркін үзгарувчилар ўртасида үзаро таъсир йўқ;

2) тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш самарадорлигига кўйилган ҳар хил хусусиятли мақсадлар фарқларни олиб келмайды (иккичи гипотеза инкор қилинади);

3) тоғширик тўғрисида ахборот алмашишга қадар тоғшириклар синтези индивидуал частотасининг юксак аҳамияти таъсири биринчи се-риядәёқ насаяди, бу кўрсаткич Дункан тести бүйіча сезилади;

4) тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш орқали индивидуал ўқитишга (ўргатишга) дискуссияга раҳбарлик юксак аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Тәдқиқотчилар гипотезаси билан тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш самарадорлиги ортишига дискуссия лидерининг таъсири унинг дискуссия олиб бориши қобилятига боғлиқ (1а гипотезасининг чекланғанчиги, 16 гипотеза эса мутлақо инкор қилинади).

Тажриба ва назорат гурухларини үзаро таққослаш қуйидаги кўрсакчилар бүйіча үзаро тафовутланишини кўрсатады: маромида гурухни муҳокама жараёнида бошқариш тажриба гурухининг юксак аҳамиятли даражада устунлигини намойиш қиласы; тажриба гурухи аъзоларни тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш ҳисобига назорат гурухидан юксакликка эришадылар; индивидуал жиҳатдан ютуққа эришиш тоғширикка алоқадор тажрибага ва тоғширик тўғрисида ахборот алмашишни бошқаришга боғлиқ.

Ишилаб чиқаришда олиб борилган дала тажрибалари үзига хослиги билан олдингисидан ажралиб туради. Тажрибалар олдига қуйидагича гипотезалар қўйилади:

1) тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш жараёнида қатнашиб, ишилаб чиқариш тоғшириғи талабларини бажариши յахшилаш учун ишилар инструкция ишилаб чиқаришлари мумкин;

2) шундай мақсадда тоғширик тўғрисида ахборот алмашиш жараёнида қатнашиб бир даврнинг үзидаги индивидуал ўқиганликни яхшилады (интеграл индивидуал усулларини такомиллаштирауда).

3) синауучилар сифатида 9 нафар саноат корхонасининг ишчилари (бир сменада 3 кишидан) қатнашишган, уларнинг ҳар қайсиси бир хил ишни бажариштады. 12 соатли муҳокама давомида гурух: а)

нүкsonларни топиининг рационал стратегияси; б) ҳатонинг олдини олиш; в) ишлаб чиқариш топшириғига таалуқли масалалар юзасидан муомала ва ўзаро таъсирни яхшилаш бўйича муайян қоидалар ишлаб чиқсан.

Иккинчи тажрибада 20 нафар саноат корхонасининг ишчилари (5 тадан 4 та бригада) қатнашишган. Тажриба олдига кўйиладиган тајлаблар ва машҳулотлар олиб борилиши лаборатори экспериментиники билан айлан бир хил эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчи тажрибада дискуссион груп иш пайтидаги ҳатти-харакатлари устидан раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлган қоидалар ишлаб чиқади ва юқори мағакали кадрлар тайёрлаш справочниги, уларга ўтиг-насиҳат сифатида фойдаланиш мумкин. Бу материаллар иш усулларини такомиллаштиришнинг қимматли илмий-услубий асослари ролини бажаринига лойик, деб топилган.

Ишчиларни топшириқ тўғрисида ахборот алмашиб жараённида қатнашиши туфайли улар ўқиганликнинг нисбатан юқори даражасига эриниганлар, бу нарса тўрт ой мобайнида назорат қилиниши орқали аниқланган. Ишчиларни олдинги йилларидағи ҳаракатларидағи нуксошлар мөндори тажриба давомида 45% камайганилиги бунга ёрқин мисолидир. Ҳатто А ва В турӯхлардан синаувчиларниң фаолияти 54% та яхшиланган, сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтарилиган. Уларниң сағита янги ишчилар кўшила бошлаган, бу синаувчилар стакчи бригадалар даражаси бишан тенгланишадар. Мазкур самараалар индивидуал таълим тасвири эканлигидан далолат беради, шунингдек, синаувчилар томонидан ишлаб чиқилған қоидаларниң фойдалилигини билдиради.

Иккинчи тажрибада тошириқ тўғрисида ахборот алмашиб восита-си билан ва мураккаб фаолиятининг унбу тури учун меҳнат қилиш усулларининг регуляциясини такомиллаштириш учун кенг қамровли қоидалар ишлаб чиқиши мумкин, бу омил олдинги тажрибаларда ҳам таъкидланган, унинг фойдалилик кўрсаткичи исботланган. Муаллифларниң фикрича, лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитидаги дала экспериментларида олинган натижаларининг мос тушиши қўлланилган методикалар валидлиги ва гипотезалар ҳаққонийлигидан далолат беради. Топшириқ тўғрисида ахборот алмашиш ишлаб чиқариш фаолиятида индивидуал усулларини яхшилаш учун фойдали эканлигини тасдиқлади.

Унбу метод меҳнат фаолияти регуляцияси учун оқил, омилкор ва фойдали бўлиб, инструкциялар, қоидалар ишлаб чиқаришга кулагай шарт-шароитлар яратади. Топшириқ тўғрисида ахборот алмашиб таълимимининг самараси гурӯхий счимнинг мотивацияси, активизацияси, идентификацияси, тескари алоқа натижаси кўтарилишига хизмат қиласи. Бизнингча, топшириқ тўғрисида ахборот алмашишдан когнитив ҳаракатлар регуляцияси ўргатишда, анъанавий методлардаги узилишларни тўлдиришда, меҳнат ва ўқиш фаолиятилари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

## Б 20 МУОМАЛА ТУЗИЛМАСИ ТҮГРИСИДА ТУШУНЧА

Муомала умумий психология фанининг асосий категорияларидан бирі ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатларининг эңг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида муомала категориясы көп маңында түшинилганды ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мүжассамлаштириб, ўзаро таъсиrlар ва ўзаро муносабатларни акс эттириб, ижтимоий процессуал жабхасини ифодалайды. Муомаланинг эңг муҳим таркиби мuloқot саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамияттың өтсек. У ҳам худди шундай муҳим рол ўйнайды.

Муомала - ҳамкорлик фаолиятининг эхтиёжидан вужудга келиб чыкучы, шахслараро мuloқot ривожланишининг күпкірралы жараёнишір. Жағон психологясы маълумотларига қараганда муомала ушбу таркиблардан ташкил топған бўлади:

1. Коммуникатив (бир томонлама) ахборот узатиш.
2. Интерактив (икки томонлама ўзаро таъсир).
3. Перцептив (ўзаро бир-бирини идрок қилиш).

I. Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, у коммуникатив жабха сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бirlари билан мuloқotга киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бирин ҳисобланмиш тилига ва унинг амалий ифодаси бўлмиш нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиласидар.

II. Муомаланинг иккинчи томони - мuloқotга киришувчиларнинг ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алманинуви, балки хатти-харакати ва хулқ-атвори билан ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланишдан (масалан, ўқитувчи ва ўкувчилар) иборатдир.

III. Муомаланинг учинчи томони шундан иборатки, бунда мuloқotга киришувчилар (мuloқotдошлар) ўзаро бир-бirlарини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, инсонни инсон томонидан идрок қилиш юзага келади. Масалан, бу жараёнининг эңг зарур томони шуки, унда мuloқotга киришувчи, яъни мuloқotдош (шерик) ларнинг биттаси иккичининг ишончига лойик, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёрларликка эга инсон сифатида уни идрок қилиш жуда муҳим эканлигини аниглаш ёки бир-бirlарини олдиндан ҳеч нарсани тушунмайди, узатилган ахборотни фаҳмлай олмайди, деб тахмин қилиш назарда руҳий ҳолат вужудга келади.

Муомаланинг ҳар учала томонини (жабхасини) бирликда, яхлит ҳодиса сифатида олиб қараши натижасида у ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилишининг усули ва унда иштирок этувчиларнинг, яъни мuloқotдошларнинг ўзаро муносабатлари тариқасида намоён бўлади, муайян тарзда давомийликка эришади.

Ўқитувчиларнинг фаолияти учун эңг муҳим нарса - муомаланинг конуниятлари, унинг ривожланиши түгрисидаги психологик билимлар, купикмалар ва қобилиятларни эгаллашдир.

Касбий муаммони муваффақиятли равишда шундай счиш мумкинки, қачонки ўқитувчи ўкувчилар (талабалар) билан ҳамкорлик фаолияти-

га саваралди кириши олса, шахсни шакллантиришнинг мақсади ва вазифаларига жавоб берувчи ўзаро таъсир, ўзаро тушунувни йўлга кўя билса, факат мана шундагина педагогик муомала амалга ошади, холос.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг ўкувчи (талаба) ларга таъсир утказиш усулларининг муайян тизимини акс эттиришdir:

- ҳамкорлик иштирокчиларининг ўзаро ахборот алмашуви;

турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан ўкувчи (талаба) лар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларни ташкил килини;

муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишин режалаштириши ва ўтказиш функциясини бажариш кабилар.

Педагогик фаолиятда **муомала**, биринчидан, ўкув фаолиятини якка дол бажаришнинг воситаси; иккinciда, тарбия жараёни таъминлашшини ижтимоий-психологик тизими; учинчида, таълим ва тарбиянинг муваффакиятни таъминловчи ўқитувчи билан ўкувчи (талаба) ларнинг учиро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг усули; тўрганиндан, ўкувчи (талаба) индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдошини қарор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги; бешинчида, якка дол фаолиятни “субъект-субъект” сифатида рўёбга чиқариш асосидир.

Педагогик муомала деганда ўқитувчи ва ўкувчи (талаба) лар жамоасининг ўзаро таъсир ўтказиш малакаси, усули ва гизими ашланиниб, унинг моҳияти ўзаро ахборот алмашиш, таълимий, тарбиявий таъсир килини, ўзаро тушуниша эришув ва уни ташкил этиш тушунилиши мақсанга мувофик.

Муомала жараёнида унинг мақсадга мувофиқ амалга ошишини таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонун-қоидалар муҳим аҳлийигта эга. Ижтимоий назоратнинг психологоик механизми сифатида учи муҳим таъсир воситаси иштирок этади: маъқулламаслик, қоралаш ва жағодан.

Ўкувчи ёки талабанинг мотивацон, эмоционал, иродавий, когнитив ва регулятив хатти-ҳаракати муомала иштирокчиси (мулоқотдош) томонидан маъқулланса, ўзаро алоқа ўз-ўзидан барбод бўлади, чунки мазкур жараён ижтимоий равинда хукм суруб турувчи қонун ва қоидаларга туддап шиддир. Худди шу боисдан ижтимоий таъсир ўтказишнинг бир воситаси сифатида бундай хулиқ-одоб маъқулланмайди, патижада муомала иштирокчиси фикр алманини имкониятидан маҳрум қилинади.

Муомала жараёнида ўкувчи ёки талаба хулқи ижтимоий қонун-қоидалар маромига ўз-ўзи келса, у ҳолда унинг иштирокчилари ижтимоий назоратчи вазифасини бажариб, мулоқотдош хатти-ҳаракати қораланади, эътиroz, таинбех, эслатни каби воситалар ёрдамида таъсир ўтказиш билан чекланади.

Мулоқотдошининг фикрлаши, фаҳм-фаросати, одоби ва ахлоқи ижтимоий, этнопсихологик, милий қадриятлар, умумбашарий мезонларга фавқулотдаги ҳолат, вазият контраст, яъни мутлақо қарама-қарши бўлса, у такдирда ижтимоий назорат вазифасини бажарувчи муомала

қатнашчилари мұайян таъсирчан восита құллаб, уни жазолайдылар. Жаңаңғап мұомала қатнащисига шахсий хатти-харакати, мұлоқот маросими, услуги ижтимоий қабул қилинганд мезонларға зид эканлиги, миляни қадрият, маңнавият ва рухият мөдениріга мос әмаслиги қаттық огохлантирилады, мұайян одатларға риоя қилиш зарурати қаттый равища үктирилады.

Мұомала кезіда одоб (такт), одоблишик мұхым ақамияттаға эта бўлиб, оныңда мұваффакиятты кечишини таъминлайды, унинг асосий вазифалари таҳборот алмашув, ўзаро таъсир, ўзаро бир-бирини идрок қилиш) тўғри аманга ошишини идора қилиб туради. Ҳар қайси фикр билдирилганда сиз узатилганды мұлоқотдош қандай қабул қилаётгандыгини фаҳмлаб туриш, ташки кўринишларининг ўзгаришига эътибор бериш, узр сўраш, таъвғе билан мурожаат қилиш эвазига мұомала одоби ушлаб турилади. Мұомала жараёнида бაъзи бир хатти-харакат, ўйланмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликни келтириб чиқариши мумкин. Одобсизлик эса низоли вазият, Қарама-қаршилик, зиддиятти ҳолатни кептириб чиқаради. Бунинг натижасыда мұомала, фикр алмашув ўзининг вазифасини низоли, ҳатто аффектив вазиятта бўшатиб бериш ҳоллари күйттилади.

Педагогик мұомалада психологияк алоқа ўрнатиш алоҳида ақамиятта иш, чунки ўкувчи (талаба) билан шахслараро мұносабат иккита мұхим омиш, яъни ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч негизига қурилаци. Бунда ўқитувчи ўкувчи (талаба) ниш ҳуқуқли, мажбурияти (статуси), унинг мактабда, қимоат жойларида, онлarda бажарадиган роли нимадан иборат эканлигини ишқат марказидан четта чиқармаслик лозим.

Ўқитувчининг ўкувчи (талаба) ларга таъсир ўтказиш самараси (самирадорлиги) унинг принципиаллығы ва талабчанлығы фазилатларида ўз аксии тонади. Бундан ташқари у ўзига ҳам ўта талабчан бўлмоғи, шахсий намунаси билан табиий равища нуфуз, обрў, эътибор қозонмоги икони.

Мұомала жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида ўқитувчининг ўкувчи (талаба) ларга таъсир ўтказиши натижасыда уларда:

- ўзини- ўзи ва ўзгаларни ҳурмат қилиш,
- ўзини-ўзи ва бошқалар фаолияти, ҳулқини баҳолаш,
- ўзини- ўзи ва ўзгаларни назорат қилиш,
- ўзини- ўзи англаш ва ўзгаларни тушуниш,
- ўзини- ўзи бошқариш (ҳам билиш фаолиятида, ҳам ҳулқатпюрида),
  - ўзини- ўзи такомиллаштириш ва янги фазилатларни эгалиш,
  - воқелик маҳсулини олдиндан башорат қилиш шаклланади.

Дўстона мұомала ўкувчи (талаба) билан ўқитувчи ўртасида билим-шарни пухта ўзлаштиришни таъминлайды ва мұкаммал шахсий фазилат-шарни таркиб топтиришга хизмат қиласы.

Мұомала жараёнида мотивацияга, хис-туйғуга, шахсга оид, билинга ғашылукли, бошқарув хусусиятти низолар, қарама-қаршиликлар, зиддиятти ҳолатлар, вазиятлар вужудга келиши мумкин. Уларнинг аксарияти си-

тил ечимга эга бўлиши билан бирга олдини олниш имконияти ҳам мавжудdir. Шунга қарамасдан, муомала ва шахслараро муносабатларда талба билан ўқитувчи ўртасида турли даражадаги айrim низоли ҳолатлар учраб туради:

- ўқитувчи билан ўкувчи (талаба) ўртасида фикрий яқдилликни ўйклиги,

- фойда, наф тўғрисидаги ижтимоий муаммода шахсий фикрий қарама-қаршилик мавжудлиги,

- айrim маъновий тўсикка эга эканлиги,

- нарса ва ҳодисаларнинг шахсий маъно касб этиши,

- эҳтиёжларнинг нуфузлилиги,

- фаолият, муомала, хулқ уйгунилигининг бузилиши кабилар.

Психология фанида муомала инсонларнинг ўзаро тушуниши сифатида талқин қилинади. Бу муаммо таълим ва тарбия жараённада мухим аҳамият касб этади ва шахслараро идрок қилинишнинг механизми сифатида куйидагилар намоёни бўлади:

- стереотипизацияция (ажодоллар томонидан қўлланилган матбуомотлар, одатлар, ақидалар ҳеч ўзгаришсиз ҳозирги замон одамларининг фойдаланиши),

- идентификация (кагта ёшдаги одамлар, ўқитувчи маҳорати, хулқ одоби андоза сифатида ёшлар томонидан қабул қилиниб, уни ўхшашликка интилиш, тақлид қилиш, идеалдаги хисматларни ўзида шакллантириш),

- рефлексия (ўз имконияти ва хулқ-атворини билиш, мулоқотдошининг одоби, фаҳм-фаросатини анилаш) кабилар.

Шахс тўғрисидаги дастлабки ахборотлар, маълумотлар, унинг ташки кўришишини баҳолашга алоқадор жараён субъектив баҳолашни келтириб чиқаради. Лекин ўзаро фикр алмашини, мулоқотга киришиш давомида омиллар тобора ҳақчилашиб, объективлашиб боради.

Педагогик муомалада тескари алоқа йўли бевосита иштирок этади:

- маъруза, семинар, лаборатория машгулоти, диктант, иншо ва бошқа мустақил ишлар бажарилиш жараённи ҳамда уларнинг сифати,

- қатнашчиларнинг юз ҳаракати, мимикаси, нутқ интонацияси, имомишоралар, қадди-комат тутиши,

- ўзини ўзи бошқарини (хулқ-атвори, ақлий ҳаракати, жицдийлик) сингари ахборот берувчи (ўқитувчи) билан уни қабул қилувчи, ўкувчи ёки талаба ўртасида узлуксиз мулоқот амалга ошиб туради. Ана шу алоқа йўллари орқали тескари муносабат ўрнатилади, бинобарин, ўқитувчи ўз фаолиятининг натижаси юзасидан муайян маълумот олишга муваффак бўлади.

Муомалада маданияти, мулоқот мароми, педагогик одобга ўргатишнинг тренинглари мавжуд бўлиб, уларга ҳамкорлик фаолияти катнашчиларни ўргатиш мумкин. Тренинглар ўз ичига одатда куйидагиларни қамраб олади: 1) юриш-туриш, жавоб бериш, ўзгатарга эътибор қилиш машқлари, 2) муомала қилиш усули, кўнимкласи, мағакаси ва одати юзасидан машқлар, 3) муомаланинг умумий қонуниятларини

Урганициц, яъни педагогик муюмала тизимини эгаллаш машқлари, 4) педагогик коммуникация технологияси ва инструкциясига оид тренинглар ва бошқараш.

Энди айрим тренингларнинг моҳиятини қисқача шархлаб ўтамиш:

1. Муюмаланинг умумий қонуниятларига оид тренинглар:

- педагогик одоб моҳияти ва унга риоя қилиш йўлларига таалуқли тренинглар (миллийлик, маънавият, стереотиплар, идентификация, рефлексия бўйича),

- муайян роллар, психодрамалар орқали вазиятнинг психологик минзарасини яратиш ўйинлари,

- ишбилармонлик ўйинлар, фавқулотдаги ҳолатларда ўзини ўзи бошқаришга доир машқлар.

2. Педагогик коммуникация технологияси ва инструкциясини эгалланига оид тренинглар:

- муюмала кўнникмасини ўзлаштириш бўйича (қадди-қомат тутиш, нутқ фаолияти, ўзгаларни тушуниш ва англаш),

- мимика ва пантонимика машқлари,

- аудиотренинг (магнит тасмаси ёзувига асосланиб ўз нуксонлари бўйича коррекцион ишлар ўтказиш),

- видеомагнитофон орқали фактик материаллар бўйича тузатиш машқларини бажариш,

- кўзгу ёрдамида хатти-харакат, юриш-туриш кўнникмаларини эгалланиш ва шахсий нуксонларини бартараф этиш, йўқотиц,

- мотивацион, эмоционал, регулятив, когнитив жабҳаларининг наамони бўлишига қараб муюмала технологияси ва инструкциясини макъсадга мувофиқ равишда ўзгартириш,

- педагогик вазиятга, ҳолатга оид сценарийлар негизида тузатиш шинварини олиб бориш ва янги фазилатларни шакллантириш машқларини ўтказиш кабилар.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жойизки, инсон шахсини шакллантиришда ўкув ва меҳнат фаолияти, хулқ-атвор малакалари кундай юксак аҳамият касб этган бўлса, муюмала жараёни ҳам худди шундай маъсулиятли вазифани бажаради.

## МУОМАЛАНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ.

Муюмала жараёни шахс ижтимоийлашувининг муҳим омилларидаи бирни бўлиб ҳисобланади. Шахснинг шаклланишида фаолият, хулқ кундай рол ўйнаса, шахслараро муносабатда муюмала ҳам худди шундай ҳам қизувчи вазифани бажаради. Жаҳон психологияси фанида муюмала (мулоқот) нинг тузилиши, унинг мароми, ўзига хос хусусиятлари, муносабатга киришишининг босқичлари ва услублари юзасидан муюайн даражада матълумотлар тўпланган. Лекин унинг асосий психологик тавсифлари, түнниши ва ўзаро боғлиқлиги, харакатлантирувчи механизмлари масалаларига бағишлиланган тадқиқотлар жуда кам ўтказилган. Худди шу сабаб-

дан мазкур муаммо маҳиятини очиб бериш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Муомала (мулоқот) жараёнининг генезисида путь ва нутқ фаолиятётади. Ҳар хил психологик контекстларда умумий вазиятлар, ҳолати маҳиятини тушунтириш учун муомаланинг қўйидаги тавсифларига эътибор қилиш мақсадга мувофиқ;

- муомала (мулоқот) жараёнининг шахсий ва ижтимоий йўналганилиги;
- ўзга одамларга узаттиувчи фикр ва мулоҳазаларнинг динамикага барқарор иерархияга эгалити;
- семиотик жиҳатдан махсус турлардан ташкил тонгалилиги (белги аломатли, маъновий, казисли муомала);
- унинг ижтимоий билоситалилик даражаси ва бошқалар.

Ҳозирги замон психология фанида аломат (белги) ва аломатлар тизими тушунчалари мазмун жиҳатдан ўзаро уйғунлашиб кетган бўлиб, аломат идеал объект, яъни квази объект сифатида талқин қилиниади. Муаммога бундай ёндашув натижасида аломат (белги) тушунчасининг учкирраси (томони), жабҳаси тўғрисида мулоҳаза юритишни келтириб чиқаради; реал аломат, аломат образи, аломат модели.

Муомалада фикрининг аҳамиятилиги, қиймати ва унинг тузилиши, таркиби алоҳида рол ўйнайди. Фикрининг аҳамиятилиги (мазмундорлиги), қиймати шахсий маъно касб этиши, ҳиссий ранг-бараанглиги таркиблиаридан иборатдир. Тил билан боғлиқ аломат билишининг ва муомаланинг психологик куроли бўлиб ҳисобланади. У аксарият даврларда коммуникатив ва когнитив муаммоли вазиятда яққолланади. Ҳудди шу боисдан аломат (белги) лар тузилишининг юксак даражалари ва уларнинг турлари (куринишлари) муаммоли вазият тинига боғлиқ равишда намоён бўлади.

Таъкидлаб ўтилган мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда муомаланинг қўйидаги психологик тузилишини тавсия қилини мумкин:

- муомаланинг турли хусусиятли мотивацияси;
- ҳар хил вазиятларда муомаланинг таҳминий фазалари мавжудлиги;
- муомаланинг режалаштиришнинг босқичлари ва фазалардан иборатлиги;
- муомалага киришиш ва уни амалга ошириш фазаси;
- муомала жараёни (фаолияти) ни назорат қилишнинг ҳар хил даражалари ва кўринишлари.

Муомала жараёнида мақсадга йўналтирилган функционал мўлжаллар мухим аҳамият касб этади. Модомики шундай экан, муомала эҳтиёжининг генезиси қиймати ортиб боради.

Муомала қўйидаги ижтимоий ва ижтимоий психологик хусусиятли функцияларни бажаради:

- жамоавий ҳамкорлик фаолиятини оптимизациялаш ва ташкил қилиш функциялари;
- объектив ва субъектив омилларни ижтимоийлаштириш функцияси;
- гурӯҳ ва жамоани айниятлаштириш функцияси;

- гурухга ва жамоага қарама-қарши күйиш функцияси;
- бевосита ва билвосита хусусиятли ҳамда гурухлараро алоқа функцияси.

Муомала жараёни ёки фаолиятининг муваффакиятли амалга оиншиши таъминлаш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мутлақо зарур:

- вазиятта қараб ўзаро таъсир, яъни ташки детерминаторларни;
- билвосита мuloқотга киришишин (йўлдош орқали алоқа, аудио ва видео, радио ва телевидение, рация ёрдами билан, яъни алломатлар, шартли белгилар билан хабар, маълумот узатиш);
- ҳамкорликдаги турӯхий фикр юритиш фаолияти самарацорлигига ўзаро таъсир ўтказиш хусусиятининг таъсирини;
- фикрий топширикларни ҳамкорликда ёчишда мuloқотнинг мазмунини;
- сигналларни ҳамкорликда баҳолашда конформлик ва таъсирга берилувчанлики;
- ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият шароитида муомаланинг шахсга оид детерминантларини;
- диада шароитида сўз орқали ўзаро таъсир ўтказинининг шахсга оид жабҳасини;
- жамоага раҳбарлик қилишда шахс ва жамоатчиликнинг ролини;
- инсон ўзининг муваффакиятли ва муваффакиятсиз фаолияти натижасини идрок қилишда вербал ва навербал мuloқотнинг, сенсор топшириклар ёчишининг аҳамиятини;
- атрофдаги одамлар билан ишоғчили муносабатда бўлиш ҳар хил ёш давридаги шахслар учун муомала ўзига хос тавсиф эканлигини ва ҳоказо.

Шахслараро муносабатга киришишида шахснинг қуйидаги сифатлари, хислатлари, фазилатларини ҳисобга олиш муомала маҳсулдорлигини оширади:

1. Шахснинг ҳаётий позициясини акс эттирувчи фазилатларини (ростгўйлик, принципиаллик, бурч ҳисси, ижтимоий фаоллик);
2. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида меҳнат қилишга тайёрлик даражаси хусусиятларини ифодаловчи хислатларини (меҳнатсеварлик, касбий фидоийлик, ташкилотчилик қобилияти, серҳаракатлилик);
3. Бўлғуси оиласидаги турмушга тайёргарлик фазилатлари ва кўнікмаларини тавсифловчи шахсга оид жабҳаларини (уй-рўзғор ишларига киришимлилик, ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан уй ишларини мувофиқлаштириш, оила бюджетини оқилона тақсимлаш, сарфлари, ўзини ва оила аъзоларини моддий таъминлашга уқувчанлик);
4. Одамларга нисбатан муносабатда намоён бўлувчи шахс сифатларини (саҳийлик, замонийлик, дўстлик ва муҳаббат, содиклик, ёнберувчанлик, юмшоқлилик);
5. Шахснинг коммуникатив хислатларини (дилкашлик, хушчақчақлик, умумий тил топувчанлик, жамоатчилик орасида ўзини тута олишлик);

6. Шахснинг интеликтуал фазилатларини (савияси кенглиги, фикрни тушуниш қобилияти, ўзгаларга ҳамдардлик, юмор ҳисси, ақлнинг ўтирилиги, фаросатлилий);

7. Шахснинг иродавий хислатларини (ирода кучи, собитқадамлилик, уюшкоклик, ўзини уddaлаш);

8. Ташки қиёфаси хусусиятларини намоёни қилувчи томонларини (жисмоний саломатлик, хушибичимлилик, ўз қиёфасига эътиборлилик, озодалик) ва боинцадар.

Муомала ҳаст ва фаолиятнинг турли жабхаларида амалга ошиди; мақсадини фаолиятда, интеракцион ва шахсга оид, доирада мавзувий ахборотларда, сюжетли ролни жиҳатда ва ҳоказо. Мазкур жараёнларда унинг моҳияти, расмий тузилиши, микдорий тавсифига алоҳида эътибор берилади. Фикр аймашишга мўлжалланган муомала пугқининг монологик, диалогик, полилогик ва бошқа турларидан ташкил топади. Бунда нуткий ўзаро таъсирининг ритмик, интонацион, темпорал хусусиятларини ҳисобга олини шахслараро ахборот узатиш ва қабул қилиш самараорлигини оширади.

Бизнисчча, муомала қўйидағи турлардан иборатди: вербал, новербал, бевосита, билвосита, расмий, порасмий, контактли, дистантли, экспрессив, империссив кабилалар. Уларнинг ҳар бирини эгалаш орқали муомала маромининг индивидуал услуги вужудга келади. Бу борада изчил равишда тадқикот ишларини олиб бориш муомала механизмларини очишга хизмат қиласди, шахслараро муносабат даражасини оширади, фикр алмашув, хулқий таъсириланиш ва таъсир ўтказиш майкаларини шакллантиради.

## МУОМАЛА ФУНКЦИЯЛАРИ

Таълим ва тарбия жараённининг негизида муомала ва унинг таркибий қисми бўлмиш нутқ ётади. Шахсий шакллантиришини асосида эса муомаланинг муайян мақсадлари туради. Ҳар бир мақсад аниқ, яққол функцияларни бажаришга мувофиқлашган бўлади. Мақсадларнинг ўқитиши жараёнида ҳаракатлантирувчи механизми сифатида қатнашуви субъект билан обьект ўртасида ўзаро мутаносибликни келтириб чиқаради. Қуйида муомаланинг мақсадлари ва уларнинг функциялари тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

1. Мулоқот (контакт) мақсади. Ўқитувчи билан ўқувчилар ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқага киришишлари мулоқотдан бошланади. Мулоқотни мақсади, бир томондан шахсий, ижтимоий, расмий, ишбилар-моилик хусусиятлари билан боғланиб кетса, иккинчи томондан, у индивидуал ҳамда ижтимоий эҳтиёж, мотив (мотивация), қизиқиц, ҳис-тўйгу, иродавий, когнитив (билинга оид), регулятив (бошқарув) жабхалар, ҳолатлар тургиси билан ўйгулашиб кетади. Худди шу боисдан ҳар бир шахс хоҳ инсон билан, хоҳ билвосита кўллаима ва дарслклар билан мулоқот ўрнатища алоқа қилишининг аниқ мақсадларини белгилайди ("Ни-

ма учун мuloқотга киришилади? Қайси мақсадни рүбға чиқарини мүлжалланади?" ва ҳоказо).

2. Ахборот узатиш (информация) мақсади. Үкитувчи билан үкувчилар ўртасидаги мумомала жараёни ахборот узатиш ва ахборот анынниш негизига курилади. Талабалар орасыда хукм сурувчи мuloқот эса күнинча ахборот узатишга асосланади. Ахборот мазмунни билимларни үзлаштиришга, үкув күнікмалар ва малакаларни әгаллашта йўналтирилган бўлади.

Ўкув фаолиятининг туб, асл мақсади ҳам инсонларга янги билимларни (ахборотларни) беришдан иборат бўлиб, улардан фаолликни, анишанийлган мотивларни тақозо этади. Шунинг учун ахборот узатиш мақсади мумомаланинг нутқ ёрдами билан талабаларни билим, усувлари, операциялар билан куроллантиришга йўналтирилган. Ушбу мақсад узининг кўлами билан бошқалардан кескин тафовутланади.

3. Ундовчи мақсад. Мулокот ўрнатиш олдида турган мақсадлардан бири - бу талаба шахснин муайян фаолият моҳиятига, ўзлаштириш объектига марказлаштиришдан иборатдир. Мумомаланинг ундовчи мақсади чигта йўналишдаги хатти-ҳаракатлардан ташкил топади:

- талабани фаолликка ундовчи мумомалавий мақсад (имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтни; мойшенини, лаёқатига туртки берин ва бошқалар);

- билимларни ўзлаштириш, истеъодони намоён қилиши, ижтимоий фаоллик намунасини ҳам матьнавий, ҳам моддий жиҳатдан рафбатлантириш мароми;

- қасбий лаёқатини фаоллаштириш, мукаммаллаштиришга қаратилган, олий мактаб таълимни тизимида ташқари чикувчи фаолиятга ундовчи мумомала мақсади (олимпиада, танловда қатишиши, чет эл фондида, спорт мусобақаларида иштирок қилиши).

4. Шахслараро муносабатни мувофиқлаштиришдаги мулокот мақсади. Үкитувчининг талаба нутқини тинглаш жараёнида мавзу мөхиятининг ўзаро мувофиқлашуви, мумомала мазмунини бир тамойилга, муайян шаклига йўналтириш, фикрлар яқдиллигини вужудга келтириш. Бу мулокот шакли талаба нутқини, ахборотини аниқ мақсадга мужассамлаштириш билан якунланади.

5. Үкитувчи билан талабалар ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти маҳсулини тушунишга қаратилган мулокот мақсади. Таълим жараёни ахборотларни талабалар төмонидан идрок қилинишига мүлжалланган бўймасдан, балки уларни тушуниш, анилаб етиш билан якунланиши лозим. Шунинг учун бу жараёнда ҳар хил хусусиятли установкаларни вужудга келтириш, эзгу ниятларни ўйғотиш, ички юксак инсоний кечинмаларни ҳосил қилиш орқали мумомала мароми таркиб топтирилади. Шахслараро ҳамкорлик фаолияти ўзаро тушунув, ўзаро таъсир ўтказиш, ахборотлар алмашиб негизига курилади. Билимлар тасаввур даражасидан аста-секин тушунув (англациш) босқичига ўсиб ўтиш билан тавсифланади.

6. Мумомалада амотив мақсад. Ҳамкорлик фаолияти иштирокчилари (ўкитувчи билан талабалар, талабаларининг ўзаро) муносабатлари мулокот

орқали амалга оширилады. Ўқитувчи билан талабалар тенг ҳуқукли ҳамкор бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бунинг учун билимларни ўзлантириш даврида муайян даражада шахслар ўртасидаги оралиқ масофани камайтириш, ўзаро яқинлик, самимийлик, ишонч туйғусини вужудга келтириш даркор. Улар ҳамкорлик фаолиятининг тенг ҳуқукли субъектига ва шериклик даражасига ўсиб ўтиши шарт.

Фақат ўзаро бир-бирини ҳис қила олиш, пайқаш, сезиш (перцептив ҳолат) орқали ҳамкорлик фаолиятидаги шериклар руҳий оламида ижобий, инжоатли, кўтаринки суръатли эмоционал ҳис-туйғулар уйғотиш ва бунинг оқибатида оптимизм кайфиятини бунёд этиш лозим. Пессимизм, фрустрация (умидсизланиш, руҳан тушиш, локайдлик, сустлик) кечинмаларига илҳомбахш таъсир ўтказиш воситаси билан шахсда эзгу ияят, мангулик ҳислатларини шакллантириш мумкин. амотив муроқот мақсади шахсий кечинмаларга таъсир ўтказиш билан муомаланинг муайян шаклини ўзида акс эттиради.

7. Муомала жараёнида шахслараро муносабат ўрнатиш мақсади. Мазкур функция олдида турган асосий нарса - бу шахслараро муносабатларининг моҳияти ичидан ўз ўрнини билиш ва тушуниш ҳамда оқилюнинг ўнда ишонч ҳосил қилган ҳолда қайд этишдан иборатdir.

Шахслараро муносабатлар негизида ётувчи инсоннинг статуси ва ролидан келиб чиқсан ҳолда ўз имкониятларини намоён этиши, шималарга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилиш, уни оқилюна баҳолаш, ютук ва камчиликларини қайд этиб бориш муомала кўламини кешгайтиради, ўкув фаолияти маҳсулдорлиги кўрсаткичини орттиради.

Ҳамкорликдаги фаолият иштирокчилари ўз ҳақ-ҳуқукларини амалиётда намойиш қилиш, ролларни бажариш туфайли муомалада хулк-атиор кўпикмаларини қўллаш кўрсаткичлари ва имкониятларини рўйрост акс эттирадилар. Муносабатларнинг горизонтал шаклида унумли фойдалапиши эвазига ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги алоқа тобора яқинлашади, жислашади, ўзаро бир-бирига нисбатан ишонч ҳис туйнудлари вужудга келади.

8. Муомала иштирокчиларининг ўзаро таъсир ўтказиш мақсади кунидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

- ўзиро таъсир ўтказиш натижасида ўқитувчи билан талабаларнинг руҳий ҳолатларида ўзгаришлар вужудга келиши;

- ўзаро таъсир ўтказиш туфайли ҳамкорлик фаолияти субъектиларида хатти-харакатларининг ўзгариши;

- шерикларда шахслилик, маъновий ўзаро тушунув фазилатларининг шаклларини.

Юқоридагичарининг таъсири натижасида инсоннинг билиши ва хулк мотивлари, эҳтиёжлари, интилишлари, хоҳиши, эътиқоди ва ҳоказоларда ижобий ўзгаришлар таркиб тонаси, таълим самарафдорлигининг ошишига хизмат қиласи.

Муомала функцияларни кўп ҳолларда коммуникатив воситаларда ўз аксини топади:

- белгилар, аломатлар тизими, яъни нутқ орқали ўқитувчи билан талабалар ўртасида алоқа ўрнатилиши;
- оптик-кинетик воситалар, яъни имо-ишора, мимика, пантомимика бўрдами билан шахслараро мулоқот ўрнатиш имкониятининг яратилиши;
- паралингвистик ва экстролингвистик тизимлар воситасида шахслараро муносабатга киришиш, тўғри ва тескари алоқа боғлаш;
- пауза, интонация, товуш частотаси, темпи, ритмикаси ва бопкаплар;
- коммуникация ўрнатишида вакт ва фазовий мезонларни татбиқ этиш; “кўз билан алоқага киришиш”, вакт бирлигини ноанъанавий йўл бичан изоҳлаш (қадимги санани, энг янги, замонавий даврни тушунтириш);
- коммуникациянинг персонализация хусусияти билан ўйғулаштириш, яқинлаштириш, яъни шахсий фазилатлари билан ўзига ром этиш, ўқитувчи билан талабалар муомаласини иликлаштириш, самимийлаштириш ва ҳоказо.

Муомала жараёни коммуникация, интеракция ва перцепция қисмларидан иборат тузишишга эгадир. Мулоҳазаларнинг аксарият қисми коммуникацияга бағишланганлиги юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Лекин учининг қолган қисмлари (таркиблари) ҳам алоҳида функцияни бажариш билан ўзаро фарқланишади.

Интеракция (муомала қатнашчиларининг ўзаро таъсир ўтказиши) муомала жараёнида қўйидаги функцияларни ижро этади:

- ўқитувчи билан талабалар ва талабаларниң ўзаро фикрлар гўкнашувида ёки мувоғикилигига кооперациянинг вужудга келиши;
- фикрлар, қарашлар далилланишида, изоҳланишида муомала қатнашчилари ўртасида конкуренция (рақобат) туфилиши;
- ўзаро таъсир ўтказишида келишув ёки низо ҳосил бўлиши;
- шерикларнинг хатти-харакатлари стратегиясини прогноз (башорат) килиш;
- ўзаро таъсир қилишнинг баъзи бир оқибатларини ҳисобга олиш ва бошқалар.

Муомаланинг перцепция (инсонни инсон томонидан идрок қилиш) таркиби қўйидаги функцияларни бажаради:

- идентификация, яъни ибратли ёки иллатли хулқ-атвор кўринишларига ўхшашиб бўлишдан иборат шахснинг интилиши;
- рефлексия, яъни ўзини ўзи ва бошқаларни оқилона баҳолашда, аниқ акс эттиришини ифодаловчи шахс салоҳияти;
- стереотипизация, яъни аждодларнинг мезонларига асосланган ҳолда инсонни инсон томонидан баҳолаш жараёни эканлиги;
- атракция, яъни ўзга кишиларни ташки қиёфаси билан маҳлиёқ қилишдан иборат шахснинг имконияти, у қўйидаги кўринишларга эгадир;
- эмпатия: муомала кезида ўзга шахс ўрнига ўзини кўйиб кўришдан иборат ҳамдардлик ҳис-туйғулари;
- симпатия - мулоқотга киришувчига илиқ, самимий, меҳр-муҳаббат туйғуларига эгалик;

- антиципация - амалга оширмоқчи бўлинган фаолият натижаларини олдиндан кўра билдишлик;

- муомала жараёнида фикрлар йўналиши, муроҳазалар ечими каби ларни яққол идрок қилишдан иборат шахс хислати ва ҳоказо.

Муомала функцияларини янада кенгайтириш учун унинг иштирокчиларини тренингта (машк қилишга) ўргатиш мақсадга мувофиқ. Тренинг ёрдамида муомаланинг турли хил маромлари шахснинг хулқ-атворига, нутқий фаолияти моҳиятига сингдириллади. Муомала функциялари билан ўқитувчилар ва талабаларни таништириш билим олиш (уни узатиш) сифатини кўтаради, хулқ-атвор ҳаракатларини такомиллаштиради, оқибат натижада таълим-тарбия самарадорлигини юксалтиради.

## **МУОМАЛАНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

### **1. Муомаланинг ўзига хос хусусиятлари**

Инсоннинг боршиқ билан ҳамкорлик ҳаракатларни тизими шахсларро муносабатларда, ижтимоий ҳаёт ва фаолиягда, иншаб чиқаришда объектив муомала негизида юзага келади. Объектив муносабатда ва атоқланар, уларнинг ўзаро боғланганлиги, ҳамкорлиги, тобслиги, уйгушини реал турухларда ва жамоатларда конуний равишда намоён бўлади. Жамоа ва турух аъзолари ўртасидаги объектив муносабатлар неғизидан субъектив хусусиятли шахслараро муносабатлар туғилади. Жамоа ва турух аъзоларини ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари ўзига хослигини аниқлаш учун турлича ижтимоий оминалар ва механизмларни тадқик этиш мақсадга мувофиқ.

Психология фанида қатъий таш олишган маълумотларга қараганда, шахслараро муносабатга киришимасдан, ўзаро ички мослик, мутаносиблик, бирлик барни қилинимасдан ҳеч качон турухий хулқ, фаолият, муомала мувваффақиятли амалга омимайди. Бизнингчга, кенг маънода олиб қаралганда, муомала - шахслараро ҳамкорлик фаолияти (мулоқотга кириши, хулқ-атворни қарор топтириш) эҳтиёжлари моҳиятидан келиб чиқадиган, объектив ва субъектив омилларга асосланадиган, муайян механизmlар таъсирида ҳаракатланадиган ички ҳамда ташқи боғланышлар иерархияси динамикасининг кўп қиррали жараёнидан иборатдир.

Муомаланинг ўзига хос жиҳатларидан бири - ҳамкорлик фаолияти қатнашчилари ўртасида ахборот (маълумот, хабар) айирбошлиш, яъни коммуникациядир. Инсонлар ўзаро мулоқотга киришар эканлар, энг аввало, муомаланинг муҳим воситаларидан бири бўлган тилга мурожаат қиласидилар.

Муомаланинг яна бир жиҳати - мулоқот ўрнатувчиларни ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари - нутқ фаолиятида фақат сўзлар орқалигина эмас, балки ҳаракатлар, хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар, мимика ва пантомимикалар билан ҳам уларнинг айирбошлиш қилишидир. Новербал (сўз иштирокисиз, товушсиз) нутқ орқали шахслараро муносабатга киришиши демакдир. Автобус кондуктори йўловчи ёнига келса, унга йўл

шаки узатиши, сотувчига пул узатилса, чек уриб бериши, талаба дафтар-шесни стол устига қўйса, унга рейтинг баҳосини қўйиш бўнга яққол мисодидир.

Муомаланинг учинчи жиҳати - мулоқотга киришувчиларни узаро идрок қилиш, яъни инсонни инсон томонидан идрок этишдан иборатдир. Мулоқотдошлиарнинг ташки қўриниши, руҳий фазилатларига нисбатан ишонч ёки шубҳа туйгусининг намоён бўлишидир.

Демак, муомала коммуникатив (ахборот узатиши), интерактив (ўзаро тасир ўтказиши, ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш), перцептив (инсонни инсон томонидан идрок қилиш, бир-бирини идрок этиш) жиҳатлардан ташкил топгандир.

Муомаланинг ташкилий қисмлари уйғунлашуви натижасида ҳамкорлик фаолияти ва хатти-ҳаракатлари тизими тариқасида, психолого-ник категория сифатида намоён бўлади. Муомала маромлари, қонуниятлари ва механизmlарини англаш (тушуниш) ҳамда мулоқот ўрнатилиш қўнилмалари, малакалари, қобилиятлари (мулоқотмандлик, коммуникабеллик) ни такомиллаштириш орқали шахслараро муносабат, ҳамкорлик фаолияти ва хатти-ҳаракатларида юксак муваффакиятларга юршиш мумкин. Таълим жараёнининг самарадорлиги - ўқитувчи билан ташабалар ҳамкорлик фаолиятининг маҳсулидир. Таълим одатда хусусий ўкув вазифаларини ҳал этиш, унинг ижтимоий-психологик жиҳатларини таъминловчи тизим, ўқитувчи билан ташабалар ҳамкорлигининг имкони, шахси шакллантириш жараёни сифатида муҳим роль ўйнайди.

## 2. Муомала ва фаолият бирлиги.

Инсон ҳамкорлик фаолиятини амалга ошираётган кезида зарурят сифатида бошқа одамлар билан хатти-ҳаракатлар жиҳатидан бирлашиши, унгар билан муомалага киришиши, муайян алоқалар ўрнатиши, ўзаро ҳамкорликкә эришиши, вазиятга муносаб ахборот айирбош қилиш, тескари алоқалар боғлаши, яъни жавоб реакцияси тариқасида ахборот (маълумот) бериши жоиз. Мазкур ҳолда муомала фаолиятининг муҳим жиҳати, яъни унинг информатив жабхаси, коммуникация (дастлабки мулоқот ўрнатиши) сифатида вужудга келади.

Инсон коммуникация тариқасидаги муомалани ўз таркибига қамраб юнга муайян фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратиш, ишлаб чиқиши, тузатиш кабилалар билан чекланиб қолмасдан, балки у меҳнатининг маҳсулни орқали ўзлигини, ўз ҳарактер хусусиятларини ўзгага узатади, маълум бир маънода ўзини улар томонидан тўғри қабул қилишини таъминлайди. Фаолият жараёнида фикр ва ахборот узатиш билан унинг муваффакияти амалга ошишини, сифат кўрсаткичини кўтарилишини, ҳамкорлик учун бирлашишини барқарорлаштиради, нутхта замин хозирлайди. Фаолият мақсадини амалиётда қарор топтириш учун у алоқа, мулоқот ўрпатаётган одамларнинг руҳиятига шахс сифатида (юксак мантикийлиги, фикр изчиллиги, жозибадорлиги, маҳлиё этувчанилиги билан) кириб боради. Ҳамкорлик ёки якка фаолият маҳсулни ҳисобланмиш яратилган нарсалар, жисмлар, ақлий ёки жисмоний меҳнат

мунни хусусийдан ижтимоий қийматта айланади, булинг натижасида шахс қартида ўзини ўзи қарор тоғтиради, ундаги имконият реаллашиб, якъон ишкеңик тариқасида рўёбга чиқади.

Муомала ҳамкорлик фаолияти ишга тушиши учун восита вазифасини бажарса, иккинчи томондан, у айнан шу жараёнда иштирок этади. Шахс инилаб чиқарилган моддий неъматда ўз меҳнатини акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, балки у нимага мўлжалланган бўлса, демакки ишсизмоян билан бавосита муомалага киришицда давом этади.

Шахслараро муносабатлар мароми, одамларнинг ўзаро бирбириларини тушиниши, ўзаро ҳурмат, ҳамдарзик эвазига тўғри (адекват) акс эттириш юзага келади, инцивидаул мўлжал ижтимоий мақсад қарор тоғининг, қиймат касб этишига хизмат қиласи. Инсон ўз рухиятини меҳнат маҳсулига сингдириши туфайли манигуликка дахлдор шахсга айланади, аксарият ҳолларда авлодлар ворислиги функциясини бажаради. Коммуникация тарзида муомала ҳамкорлик фаолиятининг бир жиҳатини ўзида акс эттирган бўлса, ижтимоий қиймат касб этиши орқали шахснинг қадр-қиммати ортади, ҳамкорлик фаолияти самарадордигити кучаяди, натижада фаолиятнинг ўзи муомаланинг таркибий қисмига амаланади ва зарур шарт-шароит тариқасида юзага келади.

Худди шу боис муомала ва фаолият бирликда намоён бўлади, муайян психологик принцип сифатида ҳукм суради, уларнинг ўзаро бирбирини тақозо этувчанлиги билан онг ва фаолият бирлиги принципига яқин туради.

### 3. Муомала ва тилнинг ўзаро алоқаси.

Муомаланинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш ва фаолият курсатини жараёнида одамларнинг ўзаро бирлаштирувчи руҳан яқинликининг, умумийликнинг моддий маҳсул тарзида англашуви шахслараро муносабат воситаси хисобланмиш тил орқали ифодаланади. Тил шахслараро муносабат қатнашчилари ўргасида алоқа ўрнатишни таъминайди, ўзаро тушунув, муайян маълумот узатиш эвазига коммуникатив функцияни ижро этади, меҳнат маҳсуласининг ҳамкорлик фаолияти орқали амалга ошишига замин ҳозирлайди. Тилнинг ҳозирги замон психология фанида илмий жиҳатдан куйидагича тушунтириш мумкин:

а) муомала мақсадига кўра муайян сўзлар, атамалар, тушунчалар ташинади ва ахборот мазмуни ташкил қилинади;

б) ахборот кодлаштирилади ва унинг моҳияти бошқаларга ошкора килинади;

в) ахборотни қабул қилувчи шахс ўз хатти-ҳаракатини унинг мазмунига мослантиради ва англашга интилади.

Ахборотни ўзга оғамларга узатувчи шахс (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи инсон (раципiente) муомала ва ҳамкорлик фаолияти мақсадига эринишни узун унинг тизимини ва моҳиятини кодлаштиришга, тушуниш жараёнини амалга оширишининг умумий илинжида ҳар иккала интирокчи бир хил услубдан фойдаланишга ҳаракат килмоғи лозим. Коммуникатор билан рецидивистт ахборотни кодлаштиришда турлича

үсулларни қўлласалар, у ҳолда ўзаро тушунув, ҳамкорлик, ҳатто ҳамкорлик фаолияти ҳам юзага келмайди, натижада уларнинг ўргасида “англашилмовчилик ғови” пайдо бўлади. Илмий анжуманда турли тилшарда маъруза қилинса-да, лекин улар ягона тилни мукаммал эгаёнламаган бўлсалар, унинг самараорлиги, илмий аҳамияти, ахборот айирбошлиш имконияти пасаяди. Ўзаро тушунув ва ҳамкорлик фаолияти вужудга келмас экан, унинг оқибати туфайли қўзланган мақсадга эришиш мумкин мас, шахслараро муносабат жараёнида ҳамкорлик ҳаракатларининг заифлиги тилнинг ижтимоий ҳаётдаги роли, қиймати нақадар юксак эканигини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, сўзлар, имо-ишоралар, шартли белгилар, муайян аломатлар шахслараро муносабат субъектларига моҳият жиҳатдан таниш бўлган тақдирдагина улар ўргасида ахборот айирбошлиш юзага келини мумкин, холос. Бу ўринда ахборот моҳияти, мазмунни, сўзларнинг муайян белгиларда ифодаланиши кўп жиҳатдан маънумотларни ўзлаштириш ва узатиш воситаси бўлмиш тилга боғлиқдир. Ижтимоий тажрибалар, кўнижмалар, малакалар, билимлар ва оғатларни тўплаш ва уларни узатиш ижтимоий тарихий тараққиётнинг маҳсулни бўлиб, меҳнат фаолияти, муомала гуруҳий ҳатти-ҳаракатлар негизида вужудга келгандир. Авваллари инсонлар бир-бирига муайян ахборотни узатиш учун новербал нутқ туридан фойдаланганлар, кейинчалик ёса товушлар, сўзлар ёрдами билан у ёки бу қиймат фикрни йўллашни йўлга қўя боштаганлар. Касбий малакаларни шакллантиришда уста ва шогирд мuloқоти товуш ва сўз орқали амалга оширилган, муноҳазалардаги чигалликлар савол ёрдамида аниқлаштирилган. Тил бойлигидан кенгроқ фойдаланиш йўлга кўйилгандан кейин муайян масофа (шахслараро оралиқ), ҳар хил табиат вазиятларида, муҳитида, мавсумларнинг ўзгаришида ҳам товушларни унумли қўллаш оммавийлашиб борган.

Шахслараро муносабатларга киришиш туфайли атроф-муҳит тўғрисидаги нарса ва ҳодисаларнинг якка шахс миёсида акс этиши бошқаларнинг маънавий оламини кенгайтириш, тўлдириш учун хизмат функциясига кўчиб ўта бошлаган, бунинг натижасида ўзаро ахборот айирбошлиш узлуксиз равишида амалга ошиши таъминлана борган.

Муомалага киришиш жараёнида инсон нарсаларнинг муҳим ва ноҳмуҳим белгилардан, қатъий ҳодисани тасодифийдан, алоҳидани умумийдан, билвоситани бевоситадан, яққолни тимсолдан, бекарорни баракарордан сўзлар, товушлар ёрдамида инъикос этишга кўнига бошлаган. Оддий воқеаликни акс эттириш доирасидан табиат, жамият, шахс билан боғлиқ хусусиятлар, сифатлар, хислатлар, мураккаб боғланишлар, ўзаро таъсир механизмлари юзасидан фикр алмашишга ўсиб ўтган. Уларнинг моҳияти, мазмунни, муайян мақсадга йўналганилиги, ижтимоий аҳамияти бўйича муҳокама юритиш, у ёки бу даражада қарор кабул қилини ҳам тилнинг мўжизаси билан рўёбга чиқиши англанишишга ўтилган. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кейинги босқичида тилнинг барча мураккаб имкониятларидан фойдалана бошланган, сўзлар (тушунчалар) тузилиши, шакли, мазмуни, кўлами, функцияси, моҳияти, ёзилиши, қоидалари,

қонуниятлари, гезауруси, флексияси, фонема, тиниш белгилари, ясалиши билан бөлгөн ғлумий билимлар түгрисида ахборот айирбошлаш ҳам тил иелитасы орқали шахслараро муомала ўрнатишга пухта шароит яратган. Муомаланинг мураккаблашуви натижасида тиљнинг повербал ва вербал шакллари найдо бўлган ҳамда уларнинг ҳар бири ўзига хос равища шахслараро муносабатда фаол иштирок этган, ҳамкорлик фаолияти са-маридорлигини оширишга хизмат қилган.

Ана шу тариқа психология фанида тил ёрдамида алоқа ўрнатиш, яъни коммуникация оғзаки ва ёзма нутқ орқали ахборот айирбошлаш нујудига келган. Куйида нутқнинг физиологик асослари, турлари моҳияти ҳамда уларнинг тавсифлари түгрисида мулоҳаза юритамиз.

## **НУТҚ МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ЭКАНЛИГИ**

### **НУТҚ ТҮГРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

Инсоннинг тараққиёти тарихида тил туфайли акс эттиришининг имкониятлари қайта қурилади, олам одам миясида янада аниқ, равишан ишлекое эттириладиган бўлади. Тиљнинг найдо бўлиши муносабати билан ҳар бир алоҳида шахс жамиятнинг ижтимоий-тариҳий тараққиётида, жараёнида тўпландиган тажрибалардан фойдаланиш имконияти туғилади. Тил ёрдами билан ҳар бир инсон шахсан ўзи ҳеч қачон дуч келмаган, ноташини ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, шароитлар юзасидан билим олишга эриниади. Худди шу боисдан тил одамга кўнчилик ҳиссий ва интеллектуал таъсиirlар ҳамда таассуротлар түгрисида ўзига ўзи ҳисббот бериш имкониятини яратади. Инсон тил ёрдами билан бошқа одамларга ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакка оид парсалар, воқелик юзасидан ахборот, хабар, маълумот бериши уларга ижтимоий тажриба моҳияти кўпикма ҳамда малакаларни ўтказиши, узатиши мумкин.

Маълумки, ҳайвонлар, жониворлар ўзлариининг индивидуал тажрибаларини ўз туркумидаги бошқа намоёндайларга ўтказиши ёки беришга муттақо қобиши эмаслар. Улар айниқса ўз туркумларидаги авлоднинг илтари тажрибаларини ўзлаштириш қобилятига ҳам эга эмаслар, чунки мавжулодлар тұғма ирсий белгиларга, инстинктларга ва шартсиз рефлексларга асосланадилар, холос.

Биосфера ва ноосфера түгрисидаги маълумотлар, қонуниятлар, ҳаракатлантырувчи күчларни билиш ва әгаллашда қисқа ижтимоий-тариҳий дәнвр оралигида ғоят улкан ютуқларга эришувчи инсоннинг ҳайқопот оламидан мұхим фарқи шундан иборатки, биринчидан, одамнинг шахсий индивидуал тажрибаси умуминсоний тажриба билан узвий үйғулилкка эга, иккинчидан, тажриба маҳсулотлар мұайян даражада сакланади, учинчидан, мазкур тажрибалар такомиллашиб, модификациялапшиб боради, түргинчидан, уларнинг моҳияти, тузилиши қўлёзмаларда ўз аксии топади.

Одамдаги шахсий индивидуал тажрибанинг умуминсоний тажриба билан боғлиқлиги кишиларда тилнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Тил оддий қилиб тушунтирилганда сўз ва белгилар системаси ҳамда мажмуа сидан иборатdir. Инсон томонидан у ёки бу фаолиятнинг бажарилишини белгилар, аломатлар хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, уни майхулдорлиги, муваффакияти тил таркибларининг аҳамиятига бевосита ишқодордир. Масалан, ҳайдовчи учун кӯча қоидалари, математик учун формуналар, оператор учун сигналлар (семиотика - sema - юононча "белли") белгилар, символлар, аломатлар вазифасини бажариб, фаолият учун регулятор сифатида хизмат қиласди.

Шунинг учун белгилар ва уларнинг аҳамияти инсоннинг юксак психик функциялари (яъни идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл) нинг восита-сиdir. Одатда белгилар турли-туман бўлишидан қатъи назар уларнинг энг муҳими - бу сўздир. Ҳар бир сўз маълумот, хабар, ахборот вазифасини бажаради ва муайян мазмунни ўзида акс эттиради (масалан: машғулот, дафтар, ёмғир ва бошқалар).

Тилинг асосий функциялари кўйидагилардан иборат:

а) тил яшашининг воситаси, ижтимоий тажрибани авлоддан авлодга узатиш, бериш ва ўзлаштириш қуроли тарзда вужудга келади (авломлар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мураббийлар);

б) тил восита ёки коммуникация усули, ҳатто одамларининг ҳатти-харакатларини бошкарувчи қурол сифатида намоён бўлади (масалан: "Лекция бўлмайди", "Бугун байрам" - таъсир қилишдан, таъсир ўтказишдан иборатdir);

в) тилинг муҳим функцияларидан яна биттаси - интеллектуал фаолиятнинг қуроли сифатида хизмат қилишидир (муаммоли вазият моҳиятни тушуниш, ечиши режалаштириш, ижро этиш, мақсад билан солишиши).

Одам ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқ ўзи хоҳ амалий, хоҳ ақлий ҳаракат бўлишдан қатъи назар уни режалаштира олади. Фаолиятни бундай режалаштириш счими учун восита қидиришининг ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишининг асосий қуроли тилдир. Психологик тадқиқотларининг кўрсатишича, тилинг энг асосий функцияси - бу коммуникациядир.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий-тариҳий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга бериш (узатиш) ёки коммуникация ўринатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилидан фойдаланиш жараёнидир.

Нутқ, ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш ақлий тоширикларни ечиш фаолиятидан иборатdir. Агарда тил алоқаси воситаси (қуроли) бўлса, нутқ эса айнан ўша алоқа жараёнининг ўзиdir.

### **Нутқ фаолиятининг физиологик механизмлари.**

1. Нутқни идрок қилиш оддий рефлектор фаолиятнинг қонуулари асосида содир бўлиши мумкин. Чунки уни юзага келтирувчи стимуллар

Биринчи сиптишлар типидаги құзғатувчилардан иборатдир (масалан “Марш”, “Салом”).

2. Нүткни юзага көлиши ва идрок қилинишидан инсон “сигналлар-нинг - сиптиши” (И.П.Павлов) тарздаги сүзлардан фойдаланиши мүмкін. Мәндер жараён бош мия катта ярим шарларининг пүстида амалта ошады.

3. П.Брока (1861 й.) мия пүстининг маълум қисми (мия, чап ярим шарларниң пешона қисмининг пастки томонидаги бурмаларнинг орқа қисми, инкастланса, беморларда нутқ артикуляцияси бузилишини касб этган ва “сүз образларини ҳаракатлантирувчи марказ” деб атаган.

4. К.Вернике (1874 й.) бош мия ярим шарлари пешона қисмининг гена томонида “сүзларнинг сенсор образлари” жойлашған деб далиллашты ҳаракат қылады.

5. Н.Канохин - нутқ жараёнини таъминлашда жуда ҳам содда элементтар “стимул - реакция” типидаги физиологик механизм ҳам, нутқ физиологияның юксак формалари учун нутқ воситаси билан фикр баён қилинининг ичдан программалаштириш механизмлари учун характерлы ва иерархик тузилишига эга бўлған маҳсус механизмлар ҳам қатнашадилар.

### **Нутқ механизмлари (Н.И.Жинкин).**

1. Бирон фикрни нутқ воситаси ёрдами билан баён қилишдан олдин, маҳсус код орқали бу фикрнинг асосини тузамиз - у программалаштириш механизмидир.

2. Уйдан кейин режалаштиришдан таъминнинг грамматик тузилишига ўтиши билан боғлиқ бир гурӯҳ механизмлар келади.

3. Эсда олиб колишиңи сүзларнинг грамматик хусусиятларини амалда қўйланиши таъминловчи механизм.

4. Бир хил типидаги тузилишдан бошқа типидаги тузилишга ўтиш механизми.

5. Программа элементларини грамматик тузилишга ёйиш механизми.

6. Сўзни маъносига қараб қидиришни таъминловчи механизмлар.

7. Синтагмаларни ҳаракат жиҳатидан программалаштирувчи механизмир.

8. Нутқ товушларини ташлаш ва ҳаракат программасидаң товушларни тўлдиришнига ўтиш механизмлари.

9. Нуткни амалга оширишни таъминловчи механизм.

Талқиқотчи А.Р.Лурия нуткнинг афазиясини текшириб, улар кўйидаги турвардан иборат эканлигини баён қылади:

1) динамик афазия - гаплар ёрдами билан сўзлаш қобилиятынинг бузилиши;

2) эфферент мотор афазияси - гапнинг грамматик тузилиши, бузилиши;

3) афферент мотор афазияси - нутқ артикуляциясининг бузилиши;

4) семағтик афазия гаплар ўртасидаги боғлиқликнинг бузилиши;

5) сенсор афазия - сўзларни идрок қилинининг бузилиши.

### **Нутқ ривожланиши даврлари.**

- 1 - давр 2 ойдан 11 ойгача.
- 2 - давр 11 ойдан 19 ойгача.
- 3 - давр 19 ойдан 3 ёшгача.

Нуткнинг ривожланиши қуидаги хусусиятларга эга:

- а) гугулаш
- б) ғудурланиш (соҳта сўзлар)
- в) парадигматик фонетика (1,3 - 1,5 ёшгача) - буви, бува, ўтири, ўтириди, ўтиради.
- г) нуткнинг вазиятболлиги (Ж.Пиаже - ситуатив нутк).
- д) нутқ эгоцентризми (Ж.Пиаже - эгоцентрик нутк).

### **НУТКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ НАЗАРИЯЛАРИ**

Психология, психофизиология, психолингвистика фанларида тўйланган назарий ва амалий материаллар таҳлилига кўра, акустик нутқ сигналлари мураккаб мувофиқлашган ҳаракатларнинг мувофиқлашган ҳаракатларнинг натижасида намоён бўлувчи мажмуавий ҳолатларнинг бирлашуви нутқ аппарати деб аталади.

Одатда ўника ва нафас олиш тана аъзоларининг мускул ҳаракатлари босимининг ошишини ва ҳаво оқимларининг (ички ва ташқи) нутқ актида артикуляторлар қатнашишини узлуксиз равишда таъминлаб туради.

Нуткни вужудга келтирувчи умумий аппарат схемаси учта жиҳатни ўзида акс эттиради.

#### **I. Нуткнинг анатомик тасвири:**

1. Кўкрак қафаси.
2. Ўпка
3. Трахея.
4. Овоз пайчалари (алоқалари).
5. Томок трубкаси.
6. Ҳалқум бўшлиғи.
7. Танглай пардаси.
8. Оғиз бўшлиғи.
9. Бурун бўшлиғи.

#### **II. Нуткнинг функционал элементлари:**

1. Нафас олиш томирлари, мускулларнинг кучи.
2. Ўпка сифими.
3. Трахея ҳаракати.
4. Овоз пайчалари тебраниши ёки ҳаракати.
5. Томок трубкасининг функцияси.
6. Ҳалқум бўшлигининг органик вазифаси.

7. Гапнлай пардасининг ҳолати ( торайиши, кенгайиши, шилим-шуклиги).
8. Оғиз бўшлиги (унинг таркиблари, аъзолари: тиш, ҳаво ҳаракати, кучтиригич, сусайтиргичлар ва хоказо).
9. Бурун бўшлиги ва унинг таркибий аъзолари(катаклари, туклари, намлти, қуруклиги).
10. Оғиздан нури (ёргулекни) кириб келиши, яъни нурланиши.
11. Бурундан нурни кириб келиши.
12. Оғиз ва бурундан ҳаво оқимининг кириши.

### **III. Нутқнинг эквивалент блок схемаси:**

- 2,3 - ўпка ва трахея сигими,
- 4 - овоз (товуш) тебранишининг манбаи,
- 5,6 - ҳиқилдок ва томоқ аъзоларининг сигими,
- 7 - танглай пардаси механизми,
- 8 - оғиз бўшлиги сигими,
9. Бурун бўшлиги сигими,
10. Оғиз трактидан чиқиш сигнали,
11. Бурун трактидан чиқиш сигнали,
12. Шовкин манбаи.

А. Томоқ - ҳаю бўшлиги - конфигурация - нутқнинг пайдо бўлиши кескин равища үйлади. Гапнинг бўлаги, таркибий қисми лотинча "конфигурация" дейишиди, фразеологик жиҳатдан ушбу атамада ўз ифодасини топади: "кўли гул".

- Б. Бунда етакчи роль ўйнайди:
- а) танилай пардасининг ҳаракати,
  - б) тил,
  - в) лаб,
  - г) пастки жағ.

Акустик тебранишининг кўзғатувчи механизмлари томоқ фаолияти, шовкини ва импульсни, яъни ихтиёrsиз кўзғатиш, товушларнинг пайдо бўлини, ҳаво оқимининг (массасининг) тор оралиғидан ўтиши, нутқ акциининг айрим ўринлари билан узвий алоқадордирлар. Акустика юончча "acustika", яъни эшитув, товуш назарияси демакдир. Частотали фильтрация акустика манбаси бўлиб ҳисобланади.

### **Нутқ, товушларининг таснифи:**

1. Ҳар қайси тилда нутқнинг пайдо бўлишида чекланган тана аъзолари ҳаракати иштирок этиши мумкин (артикуляр имо-ишоралар).
2. Артикуляр имо-ишора нутқ аппаратининг хусусияти ва ҳолатига мос тушади ва муайян нутқ, товушининг пайдо бўлишига олиб келади.
3. Артикуляр имо-ишоралар тартиб билан бирин-кетин инсон томонидан амалга оширилади.

### **IV. Нутқнинг хусусиятлари.**

1. Матн - маъни - фикр билдириш.
2. Маълумот (хабар, ахборот) баёни.

3. Оғзаки нутқда ахборотнинг муайян даражада йўқолиши.

#### V. Нутқнинг фонетик элементи.

#### VI. Нутқни идрок қилиш назарияси:

1. Шкалалаштириш.
2. Унитиш.
3. Ҳалакит берувчи вазият ва шароитда идрок қилиш:  
а) акустик, б) визуал, в) тактил..

#### VII. Динамик спектрограмма:

- а) ундош,
- б) унли.

#### VIII. Нутқ фаолияти:

1. Англаш.
2. Англаш (тушуниш).
3. Қайд қилиш (фиксация):
  - а) назарий ва амалий ахборотлар,
  - б) тақрорий фикрлар,
  - в) дикқатни йўналтириш (соҳта дикқат),
  - г) инсон шахсияти (шахси, мотив, мотивация, эмоция, хиссиёт, иродга: эмоционал-мотивациоп, шахсий, иродавий, когнитив, регулятив ва бошқалар).

### НУТҚ ТУРЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ.

Психология фанида нутқда ва нутқ фаолиятига бағишланган бир талай илмий тадқиқот натижалари мавжуд бўлса-да, лекин бу борада умумийлик, таърифлар бирлиги, унинг эволюцион ва ижтимоий-тарихий тараққиётига оид қарашларда моҳият ҳамда шакл жиҳатдан ўҳшашиблик йўқ. Нутқнинг нейропсихологик асослари, механизмлари, артикуляцион ва фонетик аппаратлари, психолингвистик тузилиши (фонема, флексия) тўғрисида илмий-амалий хусусиятли умумлашмалар ҳамда умумлашмаларнинг умумлашмаси ишлаб чиқилмаган. Худди шу боисдан нутқнинг генезиси, унинг филогенетик ва онтогенетик хусусиятлари, пайдо бўлиши, ўсиши, ўзига хос тавсифланиши, босқичлари, фазалари, паталогияси бўйича хилма-хил ёндашувлар мавжуддир.

Психологлар томонидан нутқ психологик муаммо сифатида урганилиши ҳам ўзига хослик, унинг қирралари, шаклий тузилиши, мантиқан изчиллиги, таснифланиши, тавсифланиши мавжуд бўлиб, илмий талқинининг туб моҳияти, баёнийлиги билан ўзаро тафовутланади. Ёндашувлар таҳлилига тўхталишдан олдин, нутқнинг психологик тавсифлари юзасидан мулоҳаза юритиш, унинг татбиқий жиҳати қийматини оширишга хизмат қиласди.

Бизнингча, нутқининг муайян асосларига суюнган ҳолда ноанъанавий таснифини бериш унинг қийматини янада оширади, инсон-техника муносабатини амалий жиҳатдан намойиш қилган бўлади (одатда оғзаки ва ёзма туркумга ажратилилар эди): вербал ва новербал.

Генетик келиб чиқиши жиҳатидан новербал нутқ бирламчи хисобланади, чунки инсоннинг ижтимоий-тариҳий тараққиёти давриде даставало товушсиз, сўзсиз нутқ турлари найдо бўлган бўлиб, у ўз ичига шахс камолотининг йирик санасини қамраб олгандир. Инсониятда нутқининг ҳозирги замон аюлоига хос артикуляцион аппарати пайдо бўлгунга қадар, имо-ишора негизига курилган. Маълумки, қадимги аждодларимизнинг нутқи ва нутқ фаолияти ҳозирги замон кишиларида қандай функцияни бажараётган бўлса, ўша даврда ҳам худди шундай вазифани ижро этган. У даврларда ахборотлар, маълумотлар кўлами тор бўлганилиги туфайли инсонлар новербал нутқдан кўп даврлар муваффақиятли фойдаланиб келгандар. Авлодлар тарбияси, маълумотлар узатиш новербал нутқ орқали амалга оширилган, ижтимоний ва хусусий (шахсий) фикр узатиш ҳамда қабул қилиш ана шу тариқа намоён бўлган, тобора такомиллашиб борган.

Новербал нутқ турини шартли равишда қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- 1) имо-ишора,
- 2) мимика,
- 3) пантомимика,
- 4) экологик, яъни акс садо.
- 5) сигнификация,
- 6) дактилогик (бармоқ нутқи).

Инсон ер юзасидан ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки наиласида асосий нутқ тури сифатида имо-ишора алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун этник стереотиплар асосида муайян кечинмаларни, маълум ахборотларни шахслараро муносабат жараёнида узатиш ва қабул қилишда ифодаланувчи товушсиз, лекин маъноли, мазмунли нутқ тури имо-ишорали нутқ дейилади. Масалан, ўзбекларда фикрия тасдиқлаш олд томонга бош силташ билан ифодаланса, худди шу маънени булиғларда бошни сарак-сарак қилиш англатиб келади. Бир халқда санааш бошмоддоқдан бошланса, бошқасида жимжилокдан, бирисида бармоқлар букилса, иккинчисида ундай қилинмайди. Аксарият ҳолларда имо-ишора ҳис-туйгусиз намоён бўлади ва шахслараро муносабатнинг туб маънодаги ҳам куроли, ҳам воситаси функциясини бажариб келган. Лекин уни ҳис-туйгусиз деб номлаш ҳам илмий-амалий қийматини пасайишига олиб келади, бу ҳолат унинг ижтимоий функциясини қарийб инкор қилиш сари етаклайди. Имо-ишора ҳар қайси нутқ учун юклатилган функцияни ўзида акс эттиради, шахслараро муносабат мағзини ташкил этиб келган, баъзида ҳозирни замонда ҳам ундан кенг кўламда фойдаланилади.

Юз ҳаракатлари (физиономия) ёрдами инсонни инсон томонидан идрок қилиш, ўзгалар фикрига жавоб қайтариш, тана аъзолари тантининг

үзгариши ҳисобига шахсларо муносабатга киришишда намоён бүлүвши новербал нутқ турига мимика дейилади. Табассум, жилмайиш, мийигида кулиш, лаб қисиши ва чүчайтириш, тил чиқазиш, қош учирини сузиши, хуллас турли психологияк ҳолатларни, айниңса ҳиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятли нутқ тури мимика бўлиб ҳисобланади. Мимика ёрдами билан ҳақгўйлик, қувлик, ёқтириш ва ёқтиринаслик, самимилик ва иккюзламачилик, ҳасад: қувонч, кайғу, баҳтиёрик сингари юксак туйғулар намойиш этилади. Хуш ёки нохуш кечинмалар акс этилаётганлигидан келиб чиқсан ҳолда муомала жараёни ё қиска муддатли, ё узоқ муддатли вақт мезонини намоён қиласди, аянч, баҳт ҳисларини ифодалаб келади. У мено вазиятни, лиада, триада, полиада кўринишидаги шахсларо муносабат шаклларини яққол акс эттиради, фикрни узатиш, қабул қилиш, таъсиrlаниш, руҳланиш каби функцияни бажаради. Ҳаётий тажрибанинг кўпайиши билан ички кечинмаларни (интериоризациялаш) ташки воеа ҳодисаларга алмаштириш (экстериоризациялаш) билан якунланади, кўпинча индивидуал ва ижтимоий тарбия вазифасини бажаради.

Юз ҳаракатлари, тана аъзолари, қади-қомат ёрдами билан фикрларни узатиш, сюжетли, қоидали, маъноли, драматик кечинмали новербал нутқ турига пантомимика деб аталади. Ўз моҳияти кўлами билан мимикадан устувор хусусиятига эга бўлиб, ахборотлар, интим ҳолатлар, мурракаб кечинмалар юзасидан ўзгаларга маълумот узатиш тарзида хукм суради. Инсонда турмуш тажрибаси ортиб бориши, касбий фаолият мазмунини ролларга ва сюжетга асосланган ҳолда сценарийсини яратиш, вазиятга қараб қисқа ва узоқ муддатли информатив функция бажаради. Пантомимика юмор ҳиссини, кўркинч туйғусини, заҳмат образини, даҳшат кечинмасини акс эттириб, кўпинча коммуникатив функцияни ижро қиласди, ҳиссий алоқа ўрнатиш орқали таассуротлар мукаммаллиги таъминланади.

Ташки таъсиrlаниш ва унинг тескари алоқаси кулгида, кўз ёшлинида (хоҳ қувончли, хоҳ қайгули бўлишдан қатъи назар) ифодаланиб, асоциацияларни жонлантиради ва кўламини кенгайтиради. Пантомимика саҳна ҳаракатига нисбатан қобил, истеъдошли, иқтидорли, салоҳият намунасини намойиш этиб, маҳсус қобилиятли шахслар томонидан мақсадга мувофиқ равишда ижро қилинади, лекин истисно тариқасида ўқитувчилик фаолиятида ҳам ундан унумли фойдаланилади. Яққол руҳий ҳодисалар, ҳолатлар, хусусиятлар, шахснинг фазилатлари пантомимика ижроси давомида фаолият субъекти томонидан бажарилади.

Айрим ҳис-ҳаяжонли шартли товушларда мужассамлашган ахборот узатиш ва қабул қилиш мақсадини амалга оширувчи, табиий тўсикларга урилиб қайтувчи алоқа воситасига экологик ёки садо нутки дейилади. Экологик ёки акс садо нутқ тури бир томонлама алоқа (тоғ-инсон, инсон-жисм) негизида вужудга келади, кўпинча индивидуал товуш ҳаракати жавоб, масофа функциясини ижро этади. Лекин акс садо орқали тоғларда, қалин ўрмонларда икки ёки ундан ортиқ кишилар ўргасида алоқа куроли сифатида муайян аҳамият қозонади. Фазовий тасаввур

конуинияти асосида шахслараро муносабат ўрнатилади, маълум шартли белгилари ўзаро билвосита мулокот воситаси ролини ижро қиласди. Экстремал, фавқулотдаги ҳодисалар юз бериши жараёнида шартли товушшардан тузилган алоқа усулидан фойдаланилади. Товушларнинг қайтиши фазовий чамашаш, муайян мўлжал олиш учун хизмат қиласди, қўркинч, ҳаяжон, умни, ишонч туйгуларининг алоқага киритувчи шахслар руҳий дунёсида мужассамлашишини таъминлайди.

Новербал туркумга кирувчи сигнификация бошқалардан ўз тузилиши, мазмунни, шакли билан кескин ажрабиб туради. Аниқ шартли аломатнир орқали муайян мантикий юкламани ўзида акс этириувчи коммуникатив хусусиятли новербал нутқ тури сигнификация дейилади. У шартли белгилар, сигналлар, моделлар шаклида ифодаланиши мумкин. Узоқ масофаширга хабар ёки маълумот узатиш ва қабул қилиш воситаси сифатида Морзе алифбоси ва шунга ўхшаши “сунъий тил” номи билан машҳур коммуникатив машибалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир “сигнал” ўт кўлами, такрорланиши суръати, тембри, частотаси билан муайян маълумот узатиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, шартли аломатлар негизида мазмун ёки моҳият ётади (“доза”, “порция” деб номланади). Морзе алифбоси ва шунга ўхшаши ҳозирги замон алоқа курилмалари кўл ёрдами билан (асбобни босиши орқали) хабар узатишга ёки қабул қилишга мўлжалланган. Ҳозирги замон рациялари ҳам худди шунга ўхшаши коммуникация куроли вазифасини бажаради.

Новербал нутқнинг яна бир тури дактиологик (бармок) нутқ деб аталади. Инсон тана аъзолари, имо-ишоралар, мимика, хуллас ҳиссиёт ёрдами билан муомала ўрнатишга қаратилган алоқа воситаси дактиологик нутқ дейилади. Сўз орқали ифодаланувчи нутқ мазмунни маъноли қўл, юз ҳаракатларига, айрим ҳаяжонли садога, қаҳр-ғазаб, илик табассум, қаҳ-қаҳага кўчирилади. Ҳаракатнинг такрорланиши ахборот мазмунини бойитади, кучайтиради, маълумотлар узлуксизлигини таъминлаб туради. Умумбашарий хусусиятли нутқ воситаси дактиология фани номи билан юритилади ва маҳсус ўқитиш, ўргатиш орқали ундан фойдаланиш кўнижмаси ҳамда малакаси соқов ёки кар-соқов одамларда шакллантирилади. Ҳатто уларда савол чиқариш ҳам худди шу тамойил негизига курилади. Табиат ва жамиятга нисбатан муносабат, шахслараро муомала, маълумот алмашиш шу нутқ ёрдами билан ифодаланади.

Новербал нутқни шартли равишда кўйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) товушсиз: а) имо-ишора, б) мимика, в) пантомика, г) дактиологик; 2) тошуши: а) экологик (акс садо), б) сигнификация (шартли белгилар, сигналлар, моделлар).

Вербал нутқ туркумини шартли равишда кўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) оғзаки, 2) ёзма, 3) монологик, 4) диалогик, 5) полилогик, 6) ташки, 7) ички, 8) экспрессив, 9) импресив, 10) лаконик (қатра, йифик), 11) эпик (ёйик), 12) аффектив (жаҳл ҳолатидаги).

Инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиётин даврии таҳлил қилинганда генетик келиб чиқиш жиҳатдан бирламчи қаторида оғзаки

нутқни келтириш жоиз. Оғзаки нутқ новербал туркумдан кейин пайдо бўлган нутқ туридан бири ҳисобланади ва у шартли равнишда қўйидаги нутқ кўринишларини қамраб олади: монологик, диалогик, полилогик, ташки, ички, экспрессив, импресив, лаконик (ийифик, қатра), аффектив (ҳис-ҳаяжон, жаҳл).

Пауза, мантикий ургу, темп, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилининг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишига асосланувчи нутқ тuri оғзаки нутқ деб аталади.

Новербал нутқ ўзининг асосий функциясини бажариб бўлганидан сўнг (унинг маълум таркиблари фаолият кўрсатишда давом этиб келмокда) ахборот узатиш, тажрибаларни эгаллаш, ипонин камол топтириш ва шунга ўхшаш вазифалар табиий равишда оғзаки нутқ зиммасига юкландган. Жарангли, жарангсиз, фаол, суст, ҳис-ҳаяжонли, монотон, юксак суръатли, шивирлаш кўринишидаги оғзаки нутқ хусусиятлари ва қонуниятларини ўзида мукаммалаштирган ҳолда алоқа қуроли, воситаси тариқасида муомала таркибларини акс эттиради. Коммуникатив хусусиятли ахборотлар оддий хабар, сўрок, ундов маъносини англатувчи маълумотлар оғзаки нутқнинг мураккаб ҳамда рағб-баранг тузилишига эга эканлигидан далолат беради. Оғзаки нутқ шахслараро муносабатнинг пухта негизини ташкил этиб, мақсадга йўналтирилган ёки тасодифий взиятлар моҳиятидан келиб чиқиб узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида ўз устуворлигини сақлаб келмокда. Тилининг такомиллашуви бевосита оғзаки (жонли тилда) нутқда намоён бўлади, истеъмолда эскирган сўзлар эски (архе) тушунчалар, атамаларга айланаб боради. Худди шу боис битта миллатга хослик мавжуд бўлса-да, лекин шахсларни ўзаро катта тарихий давр ажратиб турса, у ҳолда бир-бирларини тўла тушуниш қийинлашади. Худди шундай ҳолатни географик мухит, худудий фарқ, лаҳжаларга оидлик, шевалар, этник алоҳидаликни келтириб чиқаради, аммо ахборотларни идрок қилиш ва тушунишдаги бундай қийинчилликларни адабий умумий тил бирлиги бартараф қиласи (Хоразм, Наманган шеваси ва ҳоказо).

Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулагиллиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг қиррали эканлигини билдиради.

Оғзаки нутқнинг дастлабки туридан бири - бу монологик нутқидир. Якка шахснинг ички кечинмаларини тил механизмларига асосланган ҳолда акс эттирувчи, унинг ўзига қаратилган (эгоцентрик), таъсирланишни ифодалашга ва ахборот узатишга мўлжалланган нутқ тuri монологик нутқ деб аталади. Унда шахсий ҳис-туйғуларининг ички ва ташки шакллари уйғунашади, шунингдек, ўзгалар фикрини ифодали ўқишида ҳам ўз аксини топади. Одатда монологик нутқда фикрлар қисқартирилмайди, мабодо бу қоида бузилса, ахборот маъносини тушуниш қийинлашади. Ҳис-ҳаяжоннинг ташки ва ички кечинмалари ҳамда уларнинг механизмлари аниқ, равон, изчил акс эттирилади.

Диңде шаклдаги муносабатлар негизиге курилувчи, иккى шахс үргасында намоён бўлувчи, ахборот узатишга ва қабул қилишга мұлжалланған нутқ тури диалогик нутқ деб аталади. Унинг монологик турдан фарқлы томони фикр моҳияти нутқ фаолияти қатнашчиларида аингланғышдан кейин у ёки бу шаклда қисқартириш имкониятiga эга. Унинг шигерактив томони кўпинча устуворлик қиласи, ахборотлар қабул қилиши ва узатиш ўзаро тушунув асосига курилади, акс ҳолда муномала ма-роми бузилади, ўзаро фикр алмашув муддатдан олдин якунланади.

Бир нечта кишилар билан амалга оширига мұлжалланған, триада ва полиада пегизиге курилувчи, ахборот узатиш ва қабул қилишга ишнаптирилган, баҳс таркиблари иштирок этувчи оғзаки нутқ турига по-лиогик нутқ дейилади. Муномалада мунаммо моҳияти ҳар қайси катнашчи томонидан аинглашилгандан сўнг унинг таркиблари қисқариши мумкин, бу эса ўзаро тушунувни осонлаштирачи. Мазкур нутқ турида ҳам диало-гик нутққа хос бўлған механизмлар, таъсир ўтказувчи воситалар иштирок этиб, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласи, шахслараро мун-носабат кўламини кенгайтиради.

Артикуляцион аппарат орқали вужудга келувчи, вербал ҳолатларда акс этувчи, ўзгаларга йўналтирилган, ҳар хил хусусиятли вазиятларда на-моён бўлувчи нутқ турига ташки нутқ деб аталади. Тилнинг барча қондатари ва қонуниятлари унда мужассамлашган бўлиб, узатиш ва қабул қилиши, идрок этиш ва тушунишдан иборат муномала куроли, воситаси вазифасини ижро этади. Нутқ, темпи, тембри, ритмикаси ва частотаси мавжудлиги учун ахборотларни тинглаш ва идрок қилиш енгилроқ кечади.

Муайян ахборотларни тартибга келтириш, ғоялар яратиш, фикрий дастурни ишлаб чиқишига мұлжалланған, лекин латент давридаги маълу-мотлар мажмусидан тузилувчи нутқ тури ички нутқ дейилади. Ички нут-қининг муҳим хусусиятларидан бири - бу кўлам жиҳатдан ташки нутқдан кенгроқ эканлигидир. Иккинчи бир хусусияти эса тафаккурнинг ме-ханизми функциясини бажаришdir.

Ахборотлар ички моҳиятини ташки ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатни яккол ифодаланишини акс этти-рувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ турига экспрессив нутқ дейилади. Ўзининг тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ тур-ларидан ажрагиб туради.

Ички кечинмалар шахсий фикрлаш билан уйғуналашиши туфайли фикрий бойланишини вужудга келтирувчи, ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини ички ва ташки оминаларга асосланиб акс эттирувчи нутқ турига импрес-сив нутқ дейилади. Мулоҳазалар моҳияти шахс кечинмалари билан мун-носабатга киришинини натижасида ўзига хос воқеликни намойиш қиласи.

Баъзи медиаторлар муомаланинг ҳар икки иштирокчисига бошқарув канали орқали мулоқот жараёнини назорат қилиш имкониятини ярагадилар, бошқалари эса шериларнинг фақат биттасига худди шундай имтиёз беради. Бир қатор медиаторлар муомала жараёнида фақат иккита индиквидга хизмат киляса, бошқалари бўлса муомалани таъминлаш учун одамларнинг кагта гурухлариданаги ўзаро таъсир кўрсатишга мурожаат қилишади.

Медиаторлар мавжудлиги икки хил имконият бўйича хабарни узатиш каналини бошқариши тақозо этади:

а) ҳар қандай лаңзада китоб ўқиши тұхтатып, телефон билан үхбатті бузиш, радио ёки телевидениенің үчириш ва ҳоказо;

б) յузма-юз мұомала қилинша бундай хатты-харакатни амалға ошириш қийин, аммо сұхбат мавзусини ўзгартырып, низо чиқариш, сұхбатдош идрок майдопидан узоклашиш мүмкін, бирок бирдәнінде, күпөл равишда уни амалға ошириш одатда жуда мүшкүл. Ушбу вазият тескари алоқаны бошқариш имконияттің ўрганиншы медиатор ҳолатынің ўзгартырыш орқали амалға оширилса, билвосита мұомалашының ўзига хос сипаттасын текшириш мүмкін бўлади.

Ю.М. Забродиннинг фараз қилинича, тескари алоқаның ўзига хос сипаттасы аниқлаш жуда мухим, бунинг учун реципиенттә харакат түрлерінде коммуникатор олган хабарни изохланыншы ўзине старлидер. Унича, билвосита мұомала жараённанда тескари алоқаның мұхим таснифи медиаторнинг техникасында хусусиятларнага боғлик, бинобарин, тескари алоқаны амалға оширишнанда медиаторларнинг имкониятти бўйича таснифлашы масаласи вужудга келади.

Муаллифлар тескари алоқаны ифодаланыш даражасынга қараб медиаторларни таҳминан күйнідагича таснифлашын лозим топадилар:

1) түғридан-түғри мұомала тизими (телефон, видеотелефон, дунисекели алоқа вариантидағы гелетайн ва бошқалар): вақтдан кечикмасдан тескари алоқаны таъминлайди;

2) тезкор мұомала тизими (почта, телеграф симплексли алоқа варианти шаклида түғридан-түғри мұомала тизими, планеталараро масофадаги телекоммуникация): вақт нүкотмасдан тескари алоқа қилинишини таъминлайди;

3) оммавий коммуникация тизими (радио, телевидение, газета, журнал ва бошқалар): телефон почта тизими тескари алоқаны таъминлашы имконияттың эга; айрим алоқалар қийматта эга бўлганинги туфайли маълумот олиш мүмкін ва бу парса фаолият хусусиятига алоқадор, холос;

4) түғридан-түғри мұлоқотта эга бўлмаган тизим (адабиётлар, киноматография, тасвирий санъат ва бошқалар): тескари алоқага мўлжалланган бўлмаса-да, лекин баҳолаш кўринишидаги алоқа хусусияти мавжуд; маълум муддатдан кейин тескари алоқа ўрнатилиши эҳтимоли бор.

Муаллифларнинг таъкидлашларича, дастлабки иккала мұомала тизими диалог типидаги коммуникация хизматини бажаради. Лекин медиаторларнинг учинчи ва түртингчы гурухлари гурухлараро мұомала билан таъминлайди.

Юқоридаги мұомала тизими таснифидан келиб чиқсан ҳолда излашувчилар билвосита мұомала субъектлари хусусига оид муаммоларни ажратиб, уларни психологик таҳлил қилинши тавсия этишади: субъекттинг ўзине амалға ошираётган мұомала түзилиши, унинг хусусияти, шакли, хабар мөҳияти, фойдаланилдиган медиатор тиши бўйича, индивидуал онгларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши, субъектларнинг микдорий ва сипат таснифлари, оммавий онг ва ижтимоий онг даражалари, ўзаро бир-

бирларига ўтиш хислатлари ва бошқалар. Уларнинг мулоҳазаларига қараганда, ҳар қандай медиатор гурухи субъектларнинг ўзаро таъсири кўрсатишини аниқлаш учун қўланилиши мумкин, жумладан почта омавий хабар тарқатади, телефон катта гурухдаги кишилар учун расмий висита вазифани адо этади, рассом модел хизматини бажарувчи портрет чизди ва бошқалар. Психологик таҳлиллар муаммонинг мақсади, вази фаси, эҳтиёжи, виситалари ўртасидаги алоқалар моҳияти ва механизми рини очишга хизмат қиласи.

Шунингдек, муаллифлар психологик муаммоларни иккита катта ту рухга ажратиб ўрганиш лозим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтадилаори уларнинг битгаси-хабарларни вербализацияландан иборат бўлиб, субъектларни ўзаро тушунишини таъминлайди, бошқаси эса тезаурус, код, “тил”, алломат кабилар орқали муаммо адекватлигини акс эттириш ва хабар моҳиятини узатиш, ўзига хос томонларини, бевосита ва билвоситалик хусусиятларини очиш вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлади.

Бизнингча, таъкидлаб ўтилганилардан ташқари, билвосита муоммаларнинг ўзига хос жабхаси шунидан иборатки, ихлосмандларга хабарлар узатишда ўзаро ишончсизлик кайфиятини вужудга келтирмаслик, тоғи алоқаларга қаршилик кўрсатувчи омилларини олдини олиш, йўқогини имконияти ҳукм сурсин. Алоқани уюштиришда фонга, контрастга, суроға, каналлар самарадорлигига, контекстларга, тақорланишларга алоҳиди эътибор килини ҳаракатларга иисбатан эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласи ва икки томонлама гуашинишини қарор тонтиради. Биринчи эни муҳим таъқиқот муаммоси - бу медиатор орқали одамларнинг ўзаро таъсири кўрсатини имконияти, самарасини оширишдир. Иккинчи йиринк ўрганилишига молик масала - хабарлар самарадорлигини кўтариш, яъни билвосита алоқаларнинг техникавий имкониятини очиб беришдан ибо ратдир. Буниш учун техникавий, иқтисодий, инсонга таашукули имкониятларни рўёбига чиқариш, субъект омили ва илмий-техника тараққиётини ҳисобга олиш келажакка кафолат вазифасини ўтайди.

### Ж.Нюттенинг “Инсон томонидан ўз фаолиятининг натижаларини муваффакиятли ва муваффакиятсиз идрок қилишга вербал ҳамда новербал муомаланинг тасвири” асари таҳлили

Мазкур асарда инсон томонидан ўз фаолиятининг натижаларини идрок қилишга шахсларо муносабат ва муомаланинг таъсири масаласи таҳлил этилади.

Ж.Нюттен тажрибаларида шу нарса далиллаб берилганким, бунда айнан бир хил серияларда муваффакиятли ва муваффакиятсиз қарор қабул қилишни объектив равишда идрок этишда баъзи синалавчилар умуман муваффакиятсизликлардан тузилган, бошқалари эса муваффакиятдан ташкил топган деб икки хил субъектив тасавурни намойиш қилганилар. Идрок қилишнинг ушбу нотўри кўриниши билан ҳар хил хусусиятли шахслилик ва ижтимонийлик омиллари ўртасида статистик

ишиочиллик (аҳамиятга молик) күрсаткичига даҳлдор бевосита боғлиқлик топилган.

Муваффакиятли ва муваффакиятсиз патижалар - бу "түгри" ва "потүгри" деган икки варианти тест стимуллари сериясига синаалувчишар берган жавоблари учун талаб қилинадиган вербал баҳоланини мажмуасидир. Синаалувчишар томонидан илорк қилинган ҳам муваффакиятли, ҳам муваффакиятсиз патижаларни микдорини баҳолаш муносабати таңқиқотчи ишларида эркесиз (тобе) ўзгарувчан кайташк ҳисобланади.

Муаллиф муваффакиятли ва муваффакиятсиз патижалар бўйича муносабатни аниқлаш, шахслараро турли даражадаги муомала ва ўзаро таъсир ўтказишнинг синаалувчишар нерцентив таассуротига таъсирини текшириши мақсадида 8 хил вазиятларидан фойдаланишини маъқул кўради:

1) 4 та синаалувчидан ташкил топлан иккита гурух аъзолари бир хонада ўхшаш тоннериқлар устида ишлайдилар ва ўзаро мусобақалашадилар (гурухлараро мусобақавий ўзаро таъсир);

2) тўргаси икки гурухга ажратилиган 1-вазият бўйича ишланади, лекин гурухлар мусобақалашмайдилар (гурухлараро бирлаштирилиган фаолият ва гурух ичидағи нутқий муомала);

3) 4 та синаалувчидан иборат гурух бошқасидан ниқобланган шаронитда ишлайди; гурух аъзолари ўзаро бир-бири билан вербал муомалага киришадилар (гурухлараро алоқасиз гурух ичидағи нутқий мулокот; гурухий ниқобланниш);

4) 4 та синаалувчидан иборат иккита гурухнинг ҳар қайсиси ўхшаш топшириқларни бажарадилар ва бир-бири билан мусобақалашадилар (гурух ичида нутқий мулокотсиз гурухлараро мусобақавий муносабат);

5) 4 та синаалувчидан иборат ниқобланган гурух аъзолари ўзаро вербал муомаласиз ишлашади (ички гурух мулокотсиз ва гурухлараро алоқасиз);

6) икки синаалувчи ўзаро мусобақалапиб, индивидуал ишлайдилар (муомала бўлмаса-ди, лекин шахслараро мусобақавий муносабат мавжуд);

7) бир хонада ниқобланган ҳолда икки синаалувчи ишлайдилар (оддий бирлаштирилган фаолият);

8) танҳо (ёлғиз) синаалувчи ишлайди.

Ж.Нютсон таңқиқотида бир гурух нарса ва жисмларни адекват баҳолапда синаалувчишарининг қобилияти текширилади. Шунинг учун экранда изчил равишда 22 та расмлар (фотографиялар) тўплами (комплекти), унинг ҳар қайсиси худди шу (22 та) микдордаги бетартиб жойлаштирилган нарсалар (жисмлар) тимсолидан тузиленадир: китоблар, машиналар, дараҳтлар ва бошқалар. Синаалувчишарга ҳар қайси фотография 4 секунд давомида намойини қилиниши, ундаги нарсалар (жисмлар) тимсоли 25 дан 95 тагача вариация қилиб турилиши, бу ҳолат кўз билан ҳисблашга имкон бермаслиги уқтирилади. Шундай қилиб, фотографиялар киска мулдатли экранда кўрсатилилгандан кейин синаалувчишардан унда қанча микдорда жисмлар борлигини тахминан баҳолаш талаб қилинади. Ҳар қайси жавобдан кейин экспериментатор синаалувчига (гурухга) унинг

"түгри" ёки "нотүгри" эканлигини айтади. Жавоб реал, ҳақиқатта яқин бұлса "түгри", аксинча у "нотүгри" деб бақоланади.

Экспериментатор тажриба шароитларига биноан күплик сонда жа-  
воблар "түгри" ёки "нотүгри" деб ҳам зъылон қилиши мүмкін. Синалув  
чилар экспериментаторининг ижобий ва салбий баһосини түғриликтің аке-  
штирувчи оқиға қарор сифатыда идрок қыладаптар. Бундан ташқари, тоң-  
шириқтің ўзи улар томонидан мұхым шахс қиёфасини синашнинг усулы  
сифатыда олиб қаралади (реализм). Умуман тадқиқтот олдидағы яққол  
мақсат мазкур серияларни муваффакияттасаңыз өки муваффакиятсиз тоңши-  
нин ҳар хил шароитларда нағынан бўлишини аниклашади.

Тадқиқтотчи синалувчилар учун кутғылмаганды адекват бақолаш тес-  
тидан кейин "түгри" ва "нотүгри" жавоблары муносабаты түғрисиңдеги  
перцептив таассуротларни маълум қилишини таклиф этади. Бунинг учун  
синалувчилар атоҳида столлар орасыда жойлаштырилиб, сўнг уларга учта  
савол ёзилган көрс тарқатылади:

1. Сизда гурухиниз (ёки шахсан ўзингиз индивидуал иш вазиятида)  
қандай жавоб бергашиги (бергашингиз) ҳақида таассурот борми?

- а) күпроқ "түгри" жавоблар;
- б) күпроқ "нотүгри" жавоблар;
- в) жавоблар ҳар иккаласидан бир хил миқдорда.

2. Пунктлар (вариантлар) бўйича жавоб қайтаришда (а, б): нотүгри  
жавобларга қараганда, түгри жавоблар бироз күпроқ (ёки озрок), таҳми-  
нан жавобларнинг ҳар иккиси тенг миқдорда.

3. Расмларнинг (фотографияларнинг) ҳаммаси 22 та бўлган.

Сизнинг жавобларнингизни қаичаси түгри жавоблар ва нечтаси  
нотүгри деб бақолашган?

Синалувчилар ҳақиқатдан ҳам ўзларининг таъсиротларини биңдири  
ганига тўла ишонч ҳосил қилини учун тадқиқтотчи уларга охирги бу тест  
қобилиятини бақоланини реал, адекват бўлишини таъминлашни маълум  
қилади.

Ж.Нюттен методикасининг моҳияти шутидан иборатки, эксперимен-  
татор турлича вазиятларда бальзи бир ҳолатларни аниклаштирачи, майдана-  
лаштиради. ички гурухий пүткій мұомаілага ва гурухлараро мусобақага  
асослашган биринчи вазиятда 4 тадан синалувчига эта бўлган 2 гурух бир  
вактнинг ўзиди кенг тажриба хонасиңдеги иккита турлича столлар  
орқасига, бир-бирига халақит бермайдиган қылиб ўтказилади. адекват  
бақолаш тестнинг йўлланмаси ҳар иккала гурухга бир пайтда берилади-  
ки, натижада улар ўртасида ракобат вужудга келади: уларга эксперимен-  
таторининг мақсади - қайси гурух ҳаммадан яхшироқ (күпроқ адекват)  
бақолай олишини кузатиш эканлиги маълум қилинади. Слайдни намойин  
қилишда ҳар қайси гурух аъзоси ўзининг шахсий баһосини бериш зарур.  
Ундан кейин 10 дақиқали мұхокамага ўтилади. Унда гурухнинг аъзолари  
слайдаги жисмлар миқдори юзасидан бир-бирлари билан вербал мұ-  
лоқотлашадилар. Бу мұхокама якуний гурухий қарорга таъсир этади. Ун-  
да вазиятда ҳар қайси гурухнинг бир аъзоси экспериментатор томонидан  
вакил этиб тайинланади ва у синов апнаратининг қаршисида ўтирган

бўлиши шарт. Унинг бажарадиган роли шундан иборатки, баҳс якуниди у тўрт сизалувчининг жавобларини синтезлаштириб бир тураний жавобга айлантиради. Сигнал берилгандан эътиборан вакил гурухий жавобни қайд қила боради.

Ҳар қайси гурухий жавобдан кейин унинг натижаси ҳар қайси туруга ёруғлик сигнали ёрдамида “ёмон” - “яхши” деб эълон қилинади ва гурух жавоби у билан мусобақалашаётган гурухга қараганда ёмонроқ ёки яхшироқ эканлигини билдиради.

Оддий бирлаштирилган фаолиятини бажарувчи, мусобақалашмайдиган икки гурухнинг иш шароитида (4-вазият) экспериментатор вакни тежаш учун иккала гурухга бир пайтда ўхшаш топшириклиар устида ишланин тавсия қиласди. Ҳар қайси гурухий жавобдан кейин умумий натижалар “тўғри” ёки “нотўғри” муглақ атамаларда ифодаланади. Бир гурух иккичи гурух қандай жавоб берадиганлигини бехабар.

Индивидуал серияларда (олтичи ва еттичи вазиятлар) мусобақалашмаларга ва бир пайтда шунсаки ишлабётган алоҳида сизалувчиларга ҳам юкоридаги талаблар кўйилади.

Ж.Нюттен ўз таъкидотида бир нечта юнаний фараз (таксмин, гипотеза) ни илгари суради:

1) ҳар хил экспериментдан вазиятлар гурухлараро ўзаро таъсириниң ва муомаланинг турлича даражаларини вужудга келтиради, сизалувчилар тушаётган ахборотларни (тўғри ва нотўғри жавоблар миқдорини) қайта ишлашга муайян даражада таъсир этиши мумкин;

2) гурух аъзолари орасида кооперациясинг мавжудлиги шахслараро муносабатнинг яхшилаши эҳтимоли;

3) гурухлараро мусобақалашишнички гурухий муносабатлар ривожига ва жинслик тақомилланувига етакланни кузатилиади;

4) рақобатдан ташқари ҳамкорлик туйғусини уйготувчи омили бу нутқий муомала бўлиши турган гап;

5) вужудга келувчи ижобий эмоциялар гурухий хулқка ёйилмои ва бирланширгомги лозим;

6) мудаффакиятли натижаларни идрок қилиши частотаси ички гурухий кооперация ва муомалга даражасига боғлиқ равинча ўсиб бориши эҳтимол..

Ж.Нюттен томонидан тартибга келтирилган миқдорий маълумотларга қараганда, нутқий муомала қилиш имкониятига эга бўлган гурух ўзаро вербал мулокот ўрнатиш таъкидланганда натижаларни мудаффакиятлироқ идрок қила олади. Дисперсион таҳлилга кўра нутқий муомаланинг таъсири юксак статистик ишончлилик кўрсаткичига эгадир:

$F (1,116) = 9,900, \rho < 0,05$ . Мусобақа ва изоляция омиллари статистик аҳамиятлилик чегарасида ётади:

$F (1,116) = 3,731 \quad 0,5 < P < 0,10$ . Агарда нутқий муомалга қуриш имкониятили гурух алоҳида таҳлил қилинса, у ҳолда мусобақадош ва изоляциядаги гурухлар ўртасида юқори аҳамиятли фарқ кўзга ташланади;

$$t (58) = 918, \quad p < 0,005.$$

Бундай самара вербал мумомала шароити йўқ туружда кузатилмайди:  
 $t (29) = 0,478$ .

Муаллифийнг якуний фикрлашича, баъзи бир кишилар ўз фаоллигининг устувор хислати деб нуксошларни идрок қилишади, бошқалар эса уларни ҳисобга ҳам олмайди, идрок қилишга арзимайди деб ҳисоблади. Биритчи ёндашишга эга одамлар ўзларини оптимиистлар деб баҳолайдилар. Иккинчиси эса ўзи тўғрисида депрессив тасаввурга эга булиши мумкин. Энг муҳим масала шуки, бошқа кишиларниң муваффакияти ва муваффакиятсизлигини идрок қилишиниң бузилиши кўп жиҳатдан шахсга оид, ижтимоний вазиятга доир омилларга боғлиқ. Матбуотларниң кўрсатишча, ўрганиланган когнитив жараёнлар таассурларни шакллантириш жабҳасига алоқадордир. Таассуротлар когнитив феноменилар орасида уччалик юқори статусига эга эмас деб талқин қилсан бўлди, лекин улар, эҳтимол инсонларниң фикри, муносабати, хулқи учун муҳим аҳамият касб этар.

Ж.Нюттен тахмининга кўра, шахсларро ўзаро таъсир вужудга келтирувчи ижобий ва салбий эмоционал ҳолат, шунингдек, индивидуал фаолиятга қараганда турхий фаолиятда шаклланган юксак ишонч кутилмаган оптимиистикроқ таъсир этар, бинобарин, олинган натижаларни идрок қилишган ҳам. Муваффакиятли жавоб частотасини идрок қилишга таъсир этувчи шахслик омилларидан бири - бу барқарор, катъий баҳо беришга интилишидир.

### Радио орқали узатиладиган янгиликка иисбатан хотирот: ҳабарниң тузилиши ва билимнинг “янгилиниши”

С.Ф.Ларсен мақоласида оммавий ахборот воситалари билан узатиладиган янгиликларни идрок қилиши ва эсда олиб колишин ўрганиш, назарий муаммолар ва эмтирик изланишлар натижалари татбиқ қилинаётган ёндашув билан узвий боғлиқ равишда муҳокама этилади ва таҳлил қилинади.

Социологик ва социал-психологик тадқиқотлар ёрдами билан олиниган айрим натижаларга асосланиб, оммавий ахборот воситалари аввали мавжуд бўлган билимларга қўшимча олиб келади, холос деган тахминлашга имкон туғдиради. Тадқиқотчиларниң анъанавий лаборатория методлари ёрдами билан хотирани ўрганиш натижасида синаувчилар янгиликлар дастури билан ўхашаш материалларни жуда оз микдорда эсда олиб колганилар. Бир турӯҳ олимларниң таъкидлашича, бундай методлар “ута содда” натижалар олишга имкон беради, гўёки уларни кўлиашда тўплланган материаллар “ён дафтарга вазиятни қайд қилиш назарияси” номи билан кенг тарқалган ёндашишта жуда ўхшайдир. Мазкур назарияга биноан, оммавий ахборот воситалари одамлар янгиликни ўзаро муҳокамалаш учун хизмат қиласи, токи қисқа вақт оралигига бир-бiri билан фикр алмасиш имкониятига эга бўлсин, ахборотнинг таркиблари ниқобланган тарзда ифодаласин.

С.Ф.Ларсенниң гуохлик беришича, Швед радиосида Финдин иш-лаш назариялари лингвистика ва сунъий интеллект фанлари доирасида ривожланиб борган. Маълумотлардан хабар узатишни қайта ишлаш назариялари динамикаси түзилманинг мураккаб фаолигит хисобланниб, у маълум маънида ишон хотирасидан гамомаи жой олган мураккаб когнитив тузилмали тушунчалгар орқали тушунтириш мумкин, холос. Ф.С.Бартлетт томонидан қўлланинган “схема” атамаси ҳар хил талқининиб келинаётган мураккаб когнитив тузилмани англатади. Мати тузилмаси назарияси билан реал дунё ҳодисалари тузилиши назарияси орасида муҳим фарқ мавжуд.

Ларсенниң кафолот беришича, мати тузилмаси назарияси гаплар тузилишиниң йирик бирликларига (абзац, бўлим, ҳикоя ва ҳоказо) лингвистик ёндашувни ёди ва турнича матилар тузилишида унинг доимийлiği аниқланади, Унинчча, бунга мумтоз мисол тариқасида Пропри томонидан ёзилган халқ эртакларининг компакт (ихчам) конда тарзида баён қилинишини келтириш мумкин. Баёний матиларни идрок қилиш ва тушуниш бўйича олиб борилган олдинги изланинларида таъкидланниша, матининг ички тузилиши ахборотларни қайта ишлашниң бирдан бир омили ҳисобланар эмиш. Кейинги даврдаги ишларда субъектни баён қилиш схемасининг таъсири таъкидланади ва бу нарса унинг бири-бирига ўхшаш матилар билан ишлашдаги олдинги тажрибасининг кўйітэссецияси санаатади. Бу ишларда резюме тинида матиларни эсга тушириш янгиликларни фрагментар эсга туширишдан фарқ қиласди.

Ларсенниң таҳлилига қараганда, ҳисоблани машниасини ишлаш принципиниң аналогик бўлган янгиликлар тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш муаммосига гаалмуқчи бошқа бир ёндашув ҳам мавжуддир. Бу ёндашув реал оламдаги ҳодисалар тузилмаси назарияси сифатида тавсия этилган бўлиб, “схема”, “тузилма”, “сценарий” тушунчалариридан фойдаланилади ва бу атамалар муносабатларининг динамиклиги тўғрисида умумий билимлар мажмуаси билан объектлар, ҳаракатлар, ҳодисалар элементлари ўргасидаги алоқаларни белгилайди.

Муаллифнинг фикрларига кўшилган ҳолда шу нарсани айтиб ўтиш керакки, матилар тузилмаси назарияси ёрдами билан ёки реал олам ҳодисалари тузилмаси назарияси орқали ҳам янгиликлар маълумотларини қайта ишлаш жараёнларини изоҳлаш, тушунтириш мумкин эмас, чунки уларнинг негизида хотирада сабаблар эмас, балки ҳолатлар устуворлиги жой эгаллаганингига жавоб топиш мушкул.

С.Ф.Ларсен учун ҳодисаларнинг каузалли алоқадорлиги даражасини ўрганиш ўта долзарб муаммодай гавдаланади: агарда бу алоқа беришган материалда ёник ифодаланган бўлса, бу тақдирда каузалии элементлар ҳаммадан яхши эслаб қолинадими, деган ўринли савол туғилади.

Муалифнинг тасдиқлашича, янгиликларнинг одатдаги дастурида кўпинча ҳодисалар тўғрисида гапирилади, уларнинг каузалли алоқалари ёълон қилинаётган янгиликлар доирасидан ташқарига чиқади. Бу ҳолатлар учун ёълон қилинадиган хабарлар кай тарзда, узлуксиз равишда амалга ошадими ёки охиргиси ҳисобланадими гўёки аҳамияти йўқдан туулолди. Бироқ прогрессив “янгиланиш” ҳозирги замон ҳодисаларини “тарихий англаш” ни шакллантиришнинг зарур базиси саналади. Янгиликлар дастури учун ҳодисалар занжирини узайтириш ва кенгайтиришнишик ҳолатдир. Билимларни “янгилаш” ни ўрганицида бағишиланган махсус тадқиқотлар жуда кам ўтказилади. Ҳақиқатда эса “янгиланиш” кўзда тутишибича, янги билим вазиятлар оламида янги маълумотлардай гавдаланиди. Матнни эсга туширишнинг муваффакияти кейинчалик детермининг айланади. Айрим ишларда эскирган ахборотлар ўзгаришига юз тутади ми масаласига бағишиланган изланишлар ўтказилган ва унда прогрессив “янгиланиш” нинг бир жабҳаси текширилган. Ҳодисалар ўргасидаги каузалли алоқаларни субъект томонидан “илғаш” нинг муҳимлигини изланивчи фаразини тасдиқлади.

Ларсен тадқиқотининг мақсадлари:

- 1) янгиликлар маълумотларини қайта ишлаш жараёнини баён тилиши учун “янгиланиш” концепциясининг татбиқийлигини ўрганиш ва унинг янгиликлар дастурини баҳолаш учун норматив курол сифатида кулланувчанлигини текшириш;
- 2) янгиликлар маълумотининг баёний ва матнин тузилмасини таъкид этиш ва ушбу тузилмаларни эслаб қолишга таъсирини текширишдан иборатдир.

Бу ишнинг фарқланувчи методологик хислати рацио орқали трансляциядан кейин синачувчилар хукмига ҳавола қилинаётган янгиликлар биолюстенидан фойдаланиш йўли билан экологик ванидликининг юқори курсаткичига эришишини синаб кўришдан иборатдир. Корректировкага берилувчан “янгиланиш”, прогрессив “янгиланиш” “нисайт” ва каузалли алоқаларни талаб килади.

Ларсен матнин баёний тузилманни таҳдил қилишда ўзидан олдинги тадқиқотчиларниң асарларига бевосита асосланади. Биринчидан, “буғфер”дан фойдаланиш стратегияси ёрдами, иккинчидан, баён қилиш схемаси кўмаги орқали репродуктив тасдиқлаш эҳтимоли ўсиши тўғрисида иккита умумий шарт-шароит мавжудлиги муалиф учун етарли хисоблапади.

Синачувчилар сифатида 20 нафар психолог талаблар (Аэрхус университетининг биринчи курс таҳсил олувчилари) танлаб олинган бўлиб, улар 25 ёшгача ўғил-қизлардан иборатдирлар. Тажрибада магнитофонга ёзib олинган янгиликлар маълумоти қийматини баҳолаш талабалардан талаб қилинади. Улардан эшиттирилган маълумотларни майданчудасигача хотирада саклаш сўралади, 4 балли шкала бўйича баҳолаш уктирилади. Олинган натижаларга қараганда, уларнинг сифати кўп жиҳатдан тажрибавий шароитларга боғлиkdir.

Маълумотларга биноан, буферли танлаш (селекция) микротасдиқларни идроқ қилишни яхшилайди, холос, бироқ буфер билан бошқарилувчи танлов, тадқиқотчи чамалашига, мустақил аддитиви омиллар сифатида хизмат қила олмайди. Янгиликлар тұғрисидаги ҳикоя мөхиятини тушуниш деталларни ўзлаштиришга қараганда муайян устуворликка эга.

Натижаларни умумлаштириш фойдаланилган материаллар норепрентативлии чекланғанлыгини дарапат беради. Иккінчи томондан, материал, вазият ва қазифалар (томириклар) юксак экологик валидликка әгадирлар. Ҳикоя номуз баён қилиш схемаси таъсири остида вужудға келувчи хабарларнинг макро түзимаси әсіт тусириш самарадорлиги бөш дәтерминанттың қисбланиши мұаллиф томонидан аникланады.

Тадқиқот натижаларига қараганда, янгиликлардаги маълумотнома-нинг мұхымлығы иккита омил билан аникланады:

1) янгиликлар маълумотномасында мослаштирилған, оғзаки ҳикоялар, драмалардан олинған, баён қилиш схемасининг устувор таъсирида;

2) ҳодисаларни тушуниш, олдинги билимларни көнгайтириш, корректировкалаш учун, “янгиланып” үчүн мұхим имконият бермайды, хабарларнине бошланғыч ибораларни фаоллаштирувчи сипалувчилардаги мавжуд әскиз билимлар ва ҳоказа.

### Вақт тақчиллиги вазиятида ўзаро таъсир күрсатишининг деструктив параметрлари

Е.В.Цукановнинг тадқиқоти пәжитмойи, мұҳаандислик, космик психология соҳалари томонидан тұпланған фактік материналар мөхиятида ифодаланған инсон фаолиятига стрессоген таъсир омиларидан бири бўлмиш вақт тақчиллигига бағишланған, маълумки психик зўрий ҳолатининг юзага келиши, айинкаса эмоционал стресс кўринишида мазкур омил ҳал қилувчи роль йўнаши мумкин.

Мұаллифининг таъқидлашича, психологик адабиётларда тұпланған экстремал вазиятларда гурухий ўзаро таъсир күрсатишининг хусусиятлари ҳамда вақт тақчиллиги ҳолати тұғрисидаги маълумотлар оптимальикдан узок бўлған ишибилармөнлик мұлоқоти ва ҳамкорлик фаолиятининг психологик механизмлари тұғрисидан яхлит тасаввурға эга бўлишга имконият бермайды. Экстремал вазиятларда шахслараро таъсир ўтказишининг психологик механизмларига оид изланишлар таҳлили мұаллифга вақт тақчиллиги омили билан шартланған ишибилармөнлик мұлоқоти ва фаолиятида мұхим ўзгаришларни топиш имконини берган. Психологияда экспериментал тарзда экстремал вазиятлардаги мұомала одатдаги (осойишта) ҳолатдаги бошқа қонунийтің бўйсунини ўрнатилған. Тахминланишича, экстремаллик коммуникатив жараённинг қайтатдан тузилишини тақозо этади, мұомала тактикасын, стратегиясын, динамикасын мұайян ўзгаришлар киритади.

Тадқиқотда таъқидлашича, ўзаро таъсир күрсатишининг дәтерминациясида энг аҳамиятта молик камида иккі доирага тааллукли омиллар ҳукм суриши мумкин:

1) ситуатив (вазиятли) омиллар ўзаро таъсирнинг ташки детерминант функциясини бажаради, унинг ташки шарт-шароитлари ҳонатларини очади (муваққат муомала ташкиллаш, коммуникатив структуранинг фазовий тавсифлари, вазиятнинг психологик контексти);

2) процессал омилларни ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнининг ички детерминант функциясини бажаради, ичдан ўзаро ҳаракат ёрдамлашин сифатида, ҳаракат ҳамкорлик тариқада эканлигини аниқлайди (ишбилилар монилик функциясини тақсимлаш, дигалогда ўзаро тушунувни таъминалани психологияк воситаларини қидириш, коммуникациянинг операционал усулиларидан фойдаланиш ва ҳоказо).

Муалинифда муомала жараён сифатида иккىёклама қизиқини уйғотади: биринчидан, шахслараро таъсир ўтказишнинг муайян динамикасини тавсифловчи муваққат жараён, иккинчидан, вазиятнинг муваққат ўзгаришига боғлиқ равишда мувофиқлашувчи (мослашувчи), ривожланувчи (такомишилашувчи) операционал коммуникатив усуllibар ва операцияни сифатида. Ҳақиқатда эса шахслараро ишбилилармонилик коммуникацияси реал жараён бўлиб, ўзининг феноменологик подирлиги (ноёблиги) билан ташҳодир. Бундан ташқари, муомаланинг динамик ва операционал даражалари бир-бирини аниқлашига ёрдам беради. Муваққат шахслараро коммуникациянинг динамикаси кўп жиҳатдан операционал структуранинг қай тарзда ташкиллашувнига боғлиқ. Бинобарни, биринчидан, муомаланинг шахе томонидан қўйланилаётган йўллар, усуllibарни умумий маъновий репертуари қандай, иккинчидан, коммуникатив усуllibардан фойдаланишининг изчиллиги ва частотлити қай кўринишда ва бошқалар, асарда ифодаланишига қараганида, муомаланинг операционал усуllibарни тизминни ташлаш коммуникатив жараённи муваққат ташкиллаш хусусиятлари билан аниқланади.

Тадқиқотнинг умумий мақсади ишбилилармонилик ўзаро таъсир кўрсатишнинг психологик оптимал структурасини барбод қўйувчи омилиларни аниқлашдан иборатdir. Бунда ўзаро таъсир кўрсатишнинг деструктивни параметрларини қидириш ушбу таъсирини муваққат ташкилланаш жараённада амалга оширилади, коммуникатив жараён (динамик жабха) ва муомала воситалари (операционал жабха) ҳисобга олинади.

Ишбилилармонилик ўзаро таъсирини экспериментал тадқиқ этиш қўйидағи вазифаларни ҳал қилиш заруриятини яратади:

1) вакт тақчиллиги омили таъсирида ҳамкорлик фаолиятида вужудга келувчи ўзаро таъсир кўрсатишдаги парчаланиши (инкироз) нинг асосий кўринишлар аниқлаш, ишчанлик мулокотига ва ҳамкорлик фаолиятига таъсир этувчи типик деструктивни параметрларни ўрганиш;

2) ўзаро таъсир кўрсатишнинг парчаланиши (инкироз) даражаси, хусусияти билан алоқадор ва вакт тақчиллигига амалга ошадиган ҳамкорлик фаолияти самарадорлигига боғлиқликни тадқиқ этиш.

Тадқиқот давомида уч серияли тажриба машғулотлари ўтказилган биринчисида синаувчилар индивидуал тарзда чекланимаган вақтда ишига ганлар; иккинчи серияда улар диада таркибида фаолият кўрсатгандар; учинчи серияда эса ўша таркибдаги иштирокчилар қисқа (15 минут) чек

ланган вақт оралиғида иш бажарғанлар. Синалувчилар (8-10 sınıf ўкувчилари) диалоги магнитофонга ёздирилған, новербал коммуникатив күрнишлар эса регистрация картасига қайд қилиб борилған.

Муаллиф экспериментлари натижасыда вақт тақчилігі вазиятида үзаро таъсир күрсатышнинг деструктив параметрлари намоён бўлған.

1. Ишбильармөнлик үзаро таъсир күрсатышида коммуникатив тўйинганликни пасайиш феномени. Вақт тақчилігі омилиниң таъсири коммуникациянинг процессуал-динамик томонида ифодаланади. Үзаро таъсирининг деструктив параметрлари юнга мутаносиб равишда муомала интенсивлитети ўзгаришида, контакт ўринатиш ва ушлаб турни хусусиятларида кўзга ташланған.

2. Вақт тақчилігі омили таъсирининг стрессоген кучайишига боғликлиги ишбильармөнлик үзаро таъсир күрсатышнинг коммуникатив тўйинганлик динамикасини ўзgartиради. Бу нарса ҳамкорлик фаолиятида шериклар ўртасида пайдо бўлған үзаро муносабат хусусиятига ҳам боғлиқ. Матъумотларга қараганда, днадаларда шахслараро муносабатларнинг критик даражаси, коммуникатив тўйинганлик кўрсаткичи ҳар хил таснифларга эга.

3. Асосий диалогик структурани силжиш феномени. Ҳамкорлик фаолиятининг реал вазиятида муомала жараённинг десинхроизацииси иккى шаклда намоёни бўлади: а) шериклар мурожаатига синалувчилар жавобларинин кечикишида; б) шериклар улгурмаган репликасига оидидан реакцияга киришишида.

4. Диалог элиптичлигини ортиш феномени. Диалогининг элиптичлиги ўзинин психологияк мөхияти билан контекстуалдир. Бу дегани, биринчидан, муомала мавзуси мөхиятига чукур кириб борини ва унинг ўсиши кўп жиҳатдан диалог тақомиллашувига боғлиқ. Иккичидан, коммуникатларнинг ҳар қандай репликаси матъумотларининг оидини ва кейингиси билан қатиқ, алоқага эгаким, бу фақат диалогининг умумий тузилишида иштирок этган инсон учунгина тушуниарин, холос.

5. Коммуникатив мақсадда кўзда гутилған новербал усуулар спектрининг камайиши үзаро таъсир күрсатышига алоқасиз воситалар ихтиёрсиз равишда кириб келишишга шаронит яратади, сұхбатдошлар муносабати аниқлаш, тушуптириш, имитация функцияларини йўқотади.

6. Вақт тақчилігі омилиниң стрессоген таъсири ортиши туфайли нутқининг ва имо-ишоранинг синергичлиги йўқола боради. Нутққа нисбатан новербаллик күрнишлари ва аксипча, нутқининг новербалларга муносабати аниқлаш, тушуптириш, имитация функцияларини йўқотади.

7. Ноадекват интонировалаши натижасыда коммуникатив жараённинг паралингвистик характеристикасида ўзгаришлар юз беради, одатда хабарлар модаллигиде бузилиш кўзга ташланади. Хабарлар мазмуни ва муаммо ечимини мудаффақиятли топиш ўргасидаги номутаносиблик ишбильармөнлик (ишчанлик) муомаласида қийинчилекларни келтириб чиқаради.

8. Кимматли таклифларга нисбатан эмоционал баҳолаш акцентировкалашининг кучайиш ҳолати фикр билдиришининг негатив ёки позитив коннотациясини кўпроқ кўллаш орқали амалга оширилади. Кўпинча

бу феномен келишмовчилик симуляцияси вазиятида кўзга ташланади. Шеригипинг конструктив таклифларига онгли равишда сохта келишмовчиликни намойиш қилади.

Ишчанлик мулокотига нотекис таъсир қилиш вақт тақчиллиги вазиятида қатнашчиларга хабарларнинг маълумотлилик даражаси ҳаддан ташқари ортиқчалиги ҳиссини келтириб чиқаради.

Муаллиф томонидан топилган бирталай феноменлар билан бирга унинг учун энг долзарб масала - бу шахснинг коммуникатив креативлигидир. Унингча, экстремаллик “психологик катализатор” лик ўзига хос функцияни бажариш билан бирга, шахснинг муомала доирасида потенциал имкониятларини очади.

Муаллиф хulosасига биноан, оптималь вазиятларда шахсларнинг коммуникатив креативлиги ҳамкорликда қарорга келишда тушунмаслик ва келишмовчилик пайдо бўлганда юзага келиши мумкин.

Коммуникатив креативлик кўпинча уч асосий йўналишда кўзга ташланади: а) муомаланинг контекстуад тавсифларида (ишбилармонлик мавзусига коммуникатив контекстнинг яқинлашувида, ҳамкорлик фаолиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишда); б) муомаланинг функционал йўналанлигигида (контактни кувватлашда, ўзаро таъсир кўрсатишни мувофиқлаштиришда, ҳаракатни ўзаро коррекциялашда, ахборот алмашишда, функцияларни қайтатдан тақсимлашда); в) ўзаро таъсир кўрсатишнинг операцонал усусларида (коммуникатив жараёнини муваққат ташкиллаштиришида, муомала усуслари ва воситаларини янгилашда).

## **ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА МУОМАЛА**

### **Муомала вазиятида монолог, диалог ва полилог**

А.В.Беляева ва С.Майклзларнинг илмий изланишлари мазкур мурракаб муаммога бағишлиланган бўлиб, бу тизимда ва изчилилкда, ўзига хос ښдашишда оригиналлик мавжуд, чунки шу даврга қадар тадқиқотчилар коммуникатив яққол воқееликка жуда кам мурожаат қилинади, ҳудди шу боисдан одамларнинг эркин (иҳтиёрий) нуткий ҳаракатида тугалланган жонни коммуникатив ўзаро таъсир қилиш вазияти ҳам илмий, ҳам татбиқий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазиятларда тўпланган материаллар лаборатория экспериментларида текшириллади ва уларнинг моделига, тасаввурларига янада аниқлайлар киритилади.

Муаллифларнинг таъкидлашича, реал вақт кўламида бундай вазиятларни ҳужжатлаштиришни (магнитофон ва видеоёзув) тадқиқ этиш таҳлилининг адекват бирлигини ажратиш ҳар хил жабҳаларда амалга оширилиши лозим: монолог, диалог ва полилогнинг маъновий, расмий тизимли, миқдорий тавсифлари нуқтаи назаридан мақсадли фаолиятли, интеракционалли ва шахслик, ахборотли мавзувий, ролли сюжетли, нуткий таъсир қилишни ташкиллаштиришнинг ритмик ва интонацион-

тимпоралли хусусиятларини ҳисобга олиш қабилар.

Уларнинг фараз қилишларича, монолог полифоникли дискурснинг шундай шаклидирки, қайсики барча шериклардан қатнашишини, муовификлашишини, ҳаракатларни синхронизация-лашини талаб қиласди, лекин нафакат гапиравчи муаллифларнинг ўзидан, балки муомала жараёни тизимида кирувчи монологик фрагмент (парча, қисм) ни тиниловчилари хоҳ бевосита, хоҳ билвосита кўриш ёки эшишишдан қатъи назар умумий талабга риоя қилиш жоиз.

Муаллифлар олдига шундай топширикни амалга ошириши вазифаси қўйилганим, унда рус тиғицаги материалини магнитофон ёзувида (коммуникатив воқеликни) иккى марта қайд эттириш орқали нутқий ўзаро таъсир қилишнинг кўнкиррали таҳлили қанчалик рӯёбга чиқиш имкониятини аниқлашда гавдаганади. Коммуникатив воқеликнинг биринчиси уч қатнашчи билан сұхбатлашишда намоён бўлиб, унда 2 та вояга етган аёл ва 6,5 ёшли қизча иштирок этади, улар ўзаро яқин таниш ва норасмий жонли муомала вазиятида маълум тажрибага эгацирлар. Иккинчи коммуникатив воқеликда тўрт қатнашчининг эркни нутқий ўзаро таъсир кўрсатиши ифодаганади, улардан учтаси яқиндан таниш б ёшли болалар (2 ўғи ва 1 киз бола) ва биттаси вояга етган кишидан иборат. Муаллифлар коммуникатив воқеликларни қатнашчилар микдорига биноан КВ-3 ва КВ-4 деб номлашга қарор қилишган ва бундан кейинги таҳлилларда қискартма сўзлардан айнан шундай шаклда фойдаланилади.

Муаллифлар таҳминига қараганда, экспериментда ва жонли муомала давомида пайдо бўлувчи ихтиёrsиз баёзининг маъновий ва тузилмавий хусусиятларининг таҳлили образларни вербализациялаш жараёни учун мухим аҳамиятга эга.

Табиий равишдаги диалог ва полилогининг таҳлилида энг қизиқарли лаҳзалар (сониялар) - бу „сўзлашувдан назарда тугилганилик“ ҳисобланади. Бошқача айтганда, сўзлар орқали фаол ифодаганувчиларга қараганда, муомала воситаларини талқин қилиш коммуникатив ўзаро таъсир кўрсатиш қатнашчиларига кўпроқ маълумот бериш ва тушунишга имкон беради. Бир қатор ҳолатларда сўзловчи мулоҳазаси маъносининг муайян қисми имплицит тар ѫда қолади ва ўзаро таъсирнинг олдинги боқсичларига асосланиб тингловчи ахборот мавзусини имо-ишора контексти бўйича тушуниб олади. Психологияда шундай тасаввур юзага келганим, унда қадимги анъанаалар бўйича бевосита ихтиёрий муомала жараёнида ҳамкорликда вербал ва новербал воситаларни қўллаш сўзлашув нутки тизимининг бир бутун тавсифларини белгилайди.

Тадқиқотчилар таълими, фикр алмашувдан кўзда тугилганиликни таҳлили қилишда вазият мақсадини тасаввур этиш, мақсадга йўналтирилган, муовификлаштирилган ҳамкорлик фаолияти, қатнашчилар томонидан кувватланувчи ҳаракат воситалари ва нихоят сұхбат ижтимоий таъсирнинг бош воситаси эканлиги назарда тутилади. Муовификлашган фаолият дискурс таъкинига ва унинг аҳамияти (киймати) га таянган ҳолда асос бўлиб хизмат қиласди. Фаолият мақсади ва мазмунини умумий тарзда тушуниш дискурс таъкин қилишида билвоситалик контексти си-

фатида рол үйнайды. Хар хил контекстларда айнан бир-бирига мос түшүвчи фикрлар мажмуси даврий тарзда турлича талқынга эга бўлиши мумкин.

Мақолада кўрсатилишича, жоили нутк мулокотида асосий таяниш мавзуу (макромавзу) билан мантикий ва ассоциатив тарзда боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта микромавзулар бир-бири билан параллел ҳолда, кетма-кет, узвий, алоҳида, узлўксиз, дискрет тарзда ривожланиши, сўзловчилар эса бошқа мавзуларга фикрини кўчириш ҳоллари учрайди.

Полилогининг мавзуй тизимини таҳлил қилишини амалга ошириш учун реал ривожланувчи мавзуни динамик, статик, таркибий тасаввур килишининг усусларини топиш даркор. Дискурснинг мавзуй силжини - бу пафакат матьновий омил, балки у контекстнинг коммуникатив - фаолиятли кўламидир.

КВ-3 да ўзаро таъсир кўрсатилишиниң тузилишидаги яққолликнин мухим кўрсаткичи КВ-4 дан фарқли ўлароқ сўрек маънодаги фикр билдиришининг бир хилда қайд қилиши имконияти ҳисобланади. Муалиффларнинг изоҳлашича, аксарият ҳолатларда монологик типдаги хабар узатиш, баён қилиништалоғ шаклга айланмаган. КВ-4 да барча ўзаро таъсир ҳамкорликдаги расм чизиш ва сухбат жараёни чизилган парса тўғрисидаги фикр алмашув билан кечини мумкин. Ўзаро таъсир кўрсатилишиниг биринчи фазасини таниқи аломатларни ва деталларни соилишириши, муҳокама қилиши сифатида аниқлаш мумкин. Фаолиятни образли нутқий коммуникацияниң кейинши ўсишида зиддият (иззо) диалогда тобора зўриқиб боради, “коммуникатив воқелик” қатнашчиларининг бир-бирлари билан муоммал қилишдан четлашишлари куъминация зонасини бунёд этади.

КВ-3 ва КВ-4 ўзаро бир-бири билан фикр билдиришининг умумий кўламида адъектив равинида сўздан фойдаланишининг каттанини (кўрсаткичи) орқали тафовутланини иланувчилар томонидан таъкидлаш ўтилади (бу кўрсаткич КВ-3 учун 1,9% га, КВ-4 да эса 3,9% га тенгdir). Нутқиниң адъективлагиги, бу мезониниң ситуатив динамикаси - вербал хатти-харакатининг индивидуал хусусиятишининг мухим ўлчовидир. КВ-3 билан КВ-4 ниң адъектив микролуғанининг тўлиқ мос тушиши даражасини ўзаро таққослаш (47 ва 86 сўздан тузилган), икки хил аломатни тизимга кўра 17 та умумий бирлик мавжудлигини кўрсатади.

Муалиффлар маълумотларни узатиш кўлами ва микдори муносабатини таҳлиллашда, қатнашчиларни бир-биридан ахборот қабул қилишини изоҳлашда ўзаро муносабатларни акс этириувчи бирламчи ва иккиласмчи индексларни киритишга аҳамият берадилар. Биринчи индекс - бу нутк маҳсулни кўламига нисбатан муносабатлар. Иккинчи индекс эса узатилиётган маълумотларниң бевоситалигиюнг англашади. Иланувчилар хуносаларига қараганды, биринчидан, бу индекслар ҳар хил қатнашчилар учун кескин фарқланади, иккичидан, ўйнағтирилган реплика (лукма) частотаси билан сўзлар микдори ўзаро тафовутланади, учинчидан, биринчи ва иккинчи индекслар ўзаро таъсир кўрсатиш қатнашчиларида бир хил ифодаланган эмас.

## **Диадада вербал ўзаро таъсирнинг шахсга оид томонлари**

Психология фанида шахслараро ва гурухлараро таъсир тказишнинг энг муҳим тавсифлардан бири - ҳамкорликда қарор қабул илишдир. Ушбу фикрнинг мантикий асосини келтириш учун Қ.А.Абульханова-Славская тадқиқотига мурожаат қиласиз. Уларнинг муюҳаза юритишича, шахс муомаланинг у ёки бу вазиятларида иштирок тганда, мажбуран муайян позицияни эталлашга зарурат сезади, юхлайдими ёки йўқми ўз йўлини ўзи белгилashi, воситалар танлаши ва қарор қабул қилиши шарт. Б.Ф.Ломов ушбу масалалини янада ойдинлаштириш мақсадида куйидаги мулоҳазаларни билдиради. Муомала жараёнида ахборотларнинг ўзига хос “умумий фонд” сифатида тўпланиш, муаммо счимининг ҳамкорлик стратегияси ва гурух учун фаолиятнинг умумий услуби ўзаро таъсирнинг натижаси ҳисобланади, бунда шерикларнинг шахсий ҳиссалари муайян тарзда гурухнинг ҳусусиятига хос яхлитлик (умумийлик) ташкиллашади ва интеграциялашади, аммо ўз навбатида ҳар қайси қатнашчини турлича истерминациялайди”.

Мулоҳазалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда муаммо ва унинг счими юзасидан фикрларни умумлаштириш ҳамда муомалада мулоқотдошларнинг қайси ишчивидаи ҳусусиятлари таъсири шахслараро таъсир ўтказишнинг сифат даражасини белгилар экан, деган саволни табиий равища вужудга келтиради.

Икки шахс (мулоқотдош) ўртасида диалог (диада) нинг вазият сифатида вужудга келиши ўзаро таъсир мавжудлиги тўғрисида тахмин қилиш имконини беради, бу руҳий ҳолат ҳамкорликда мулоҳаза юритишининг шаклланиши ва уни вербализацияланниш жараёнининг ўзига хослигини белгилайди. Ўзига хослик шу нарсаларда ўз ифодасини топадики, бунда диада жараёнида иштирокчиларни маҳсус вазиятга кириб қолиши ўзаро тафовутланувчи икки позиция, икки хил нуктаи назар, икки ижтимоий психологик рол тўқнашувини юзага келтиради. Бунинг натижасида мулоқотдошлар инструкция (йўлланмага) бевосита риоя қилиш даврида эксперимент моҳиятига ижтимоий-психологик интеракция сингдирилади ва экспериментал вазиятнинг ўзи қатнашчилар учун “роллар матриаси”, ижро майдонига айланади.

Мазкур муаммони экспериментал жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилиган муаллифлар А.В.Беляева, В.Л.Коротков, Н.В.Тарабриналар ўз олдиларига яққол вазифалар белгилайдилар:

а) ижтимоий психологик контекстдаги таъсир эҳтимолининг дастлабки баёни;

б) ҳамкорлик фаолияти самарадорлигини ижтимоий психологик материалсиз ўзаро таъсир жараёни кечиши ҳислатларига боғлаб изоҳлаб бериш;

в) шерикларнинг шахсга оид ҳусусиятлари ўзаро таъсир этиш ҳаракатларининг яққоллигига ҳал қилувчи таъсир қилиши мумкин.

Муаллифлар ўзаро таъсир ҳаракатларининг куйидаги жиҳатларини баҳолашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

1. Мулоқотга киришувчи одамларнинг ижтимоий психологик функциялари таъсирини аниқловчи жабҳа, яъни шериларни ўзаро таъсири ҳаракатларининг ижтимоий психологик тавсифини ифодаловчи муносибатга оид масала.

2. Шериларнинг яққол ўзаро таъсир ҳаракатлари жабҳаси, қайсики унинг натижаси сифат жиҳатдан янги яхлитлик (умумийлик) ҳисобланиб, мазкур ўзаро таъсирининг якуний маҳсулоти - ҳамкорлик фаолиятининг янгиланган объектидир.

3. Яққол ўзаро таъсир ҳаракатларининг шахсга оид жабҳаси, мазкур таъсирини намоён қилинчи шарт-шароитларнинг ўзига хослиги, уларнинг шерилар шахслилиги тузилмасида ётиши.

Уларнинг амалий натижаларига қараганда, диадавий ўзаро таъсир ҳаракатларнинг сифатий ҳусусиятлари шериларнинг муайян шахсга оид тавсиялари ўзаро таъсир билан детерминицялашади. Ушбу гипотезани далиллаш учун тадқиқотчилар уч босқичдан иборат экспериментни ўтказишин режалаштирадилар ҳамда ўтказадилар, бунда юқорида келтирилган ўзаро таъсир ҳаракатларининг уч жабҳасига асосланадилар.

Экспериментал тадқиқотининг биринчи босқичида ушбу муаммоларни аниқлаш режалаштирилган:

а) экспериментал диалог шароитида вербализация жараёнини боғликлиги тўғрисида ғуваҳчи берувчи маълумотлар олиш;

б) мазкур вербализациининг айнан охирги натижасининг, яъни образининг ёйик нутқий тавсифи диаданинг ижтимоий психологик тузнишига боғликлиги тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва ҳоказо.

Эксперимент икки сериядан (йўл-йўрик кўрсатувчи ва назорат) иборат бўлиб, икки кишидан ташкил тонган 5 та гурӯҳда ўтказилган Иккита назорат гурӯҳи синалевчилари бир хил топшириқни ҳар хил диада бажарганлар ва улар турли ижтимоий психологик контекстларда туриб муомалага киришгандар.

Йўл-йўрик кўрсатувчи серия материали сифатида сўзлар тушириб қолдирилган бадиий асар текстлари (матнлари) хизмат қилиган. Мазкур серия ўтказилиб бўлганидан кейин, асосий, назорат серияси синалевчилар дикқатига ҳавола этилган ва ундан кўзланган мақсад муҳокама жарасиница инсоннинг аниқ тавсифини беришга эришиш, бунда сўз зоомор физимидан (“мушук”, “юмронқозик”) фойдаланилган ҳамда қатнашчилардан у тўғрида энг тасдиқлаш имкониятига эга бўлган бенита фикр билдириш сўралган.

Тажрибанинг биринчи босқичида шериларнинг ижтимоий психологик тавсиялари билан улар ўргасидаги яққол ўзаро таъсирининг сифатий хислатларида боғлиқлик кузатилган. Муаллифлар томонидан олинган натижаларнинг сифат таҳлили натижасида бир нечта омиллар далилланган, уларнинг ихчам равишда куйидагича ифодалаш мумкин:

а) диадали ўзаро таъсир ҳаракатлари жараёнида шериларнинг яққол диадали муносабатлари қарор топади;

б) ўзаро таъсир ўтказиш мазмуни фаолиятнинг ташкилий шакли сифатида ҳамкорлик фаолияти жараёнида муайян муносабатнинг индивидуал "хисса" лари ҳисобланади;

в) индивидуал "хисса" ларнинг муайян муносабати шериклар ўртасида бўлинишни келтириб чиқаради;

г) бундай бўлиниш қайсиadir маънода шерикларнинг ижтимоий психологик тавсифларига боғлиқ бўлмаса-да, лекин диадада яққол ўзаро таъсирининг ўзига хослигини намойиш этади.

Экспериментал тадқиқотнинг иккичи босқичда муаллифлар билдирган фаразга кўра, ўзаро таъсирининг маълум вазиятида индивидуа хос статистик ишончли яққол тавсиф ҳукм суради, унинг нутқий хатти-ҳаракатини дегерминациялаштиради. Ушбу тавсиф диададаги яққол ўзаро таъсир ҳаракатларидан вужудга келади, унинг муҳим хислатини очиб беради.

Экспериментал гипотезани текшириш учун "Пентаграмм" номли билиш жараёнларининг коммуникатив жабҳаларини ўрганишга қаратилган методика ишлаб чиқилган. Ҳамкорликдаги нутқ маҳсуласининг мазмуний азекватлиги муомала қатнашчиларнинг умумий масъулияти диалогда стимул материални кўрсатишда вақтнинг чекланганлиги қарор қабул қилиш вазияти диадавий ўзаро таъсирини модели ҳисобланади.

Нутқий маҳсуласининг якуний мажмуаси шерикларнинг "хисса"лари, қатнашиш мезони саналиб, диадада позицион бўлиниш тўғрисида фаразни келтириб чиқаради, чунончи, "позиция" атамасида ифодаланувчи диада тузилишин билан мудаффақиятни ҳамкорлик, яъни тўғри жавоблар микдори ўртасида корреляцион ишончли боғлиқлик мавжуддир.

Стимул материал сифатида визуал тарзда 10 та карточкадан иборат тўплам кўрсатилган, унда текисликда (8,5 см диаметрли доирала) тахминий оралиқда, тартибсиз 5 та нуқта чизилган (ҳар қайси стимул экспозицияси 3 секунд). Диада иштирокчилари хотирасига асосланаб доира марказига нисбатан ёки тасаввур қилаётган координат ўқларига биноан муносабат билдириши лозим.

Олингани иатижалар Спирменнинг ранг корреляцияси коэффициенти формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилганда куйидаги ҳолат юзага келади.

$$6 \Sigma d$$

$$p = 1 - \frac{6 \Sigma d}{n(n-1)},$$

бунда  $p$  Спирменнинг ранг

корреляцияси коэффициенти,  $d$ -ўзгарувчан микдорларнинг фарқи, п-киёсланувчи жуфтликлар микдори.  $p \leq P = 0,05$  қиймати сезилади ва  $p > P = 0,01$  ишончли қийматга эга.

$$p = 0,84; \quad P = 0,05 = 0,64; \quad P = 0,01 = 0,79.$$

Иккинчи босқич бўйича муаллифлар айрим хусусий хулосалар чиқаришга муваффак бўлгандар, жумладан:

а) диадавий ўзаро таъсир натижасида диада позицион билиниш шу жудга келади ва у шерикларнинг доимо муросага келишида, диадада қарор қабул қилиш тенденциясида ифодаланади;

б) диадавий ўзаро таъсирнинг яққол вазиятида индивидга ход қайсиdir тавсиф бу позициядир;

в) ўзаро таъсир мақсадига ҳамкорликдаги нутқ маҳсулиниң азек ватлиги диадада позициялар муносабатини аниклайди;

г) позицияга муносабат ва диадавий ўзаро таъсирнинг аниқ типида ги муваффақиятли ҳамкорлик корреляцион алоқага эга кабилар.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида Розенцвейгнинг фрустрацияни ўрганишга қаратилган тести, Миннесот кўн фазали шахслик матри (MMPI) кўлланилади. Тажрибада 5 та эркак ва 5 та аёл иштирок қилишган. Диагностик методикалар кўлланиб бўлинганидан кейин иккинчи босқичда фойдаланилган “Пентаграмм” қайтатдан синалувчилар ҳукмiga ҳавола этилган.

Учинчи тажриба босқичида шерикларнинг “юксак” ва “паст” коэффициентли түрухларга ажратилди, уларнинг биттаси таъкидовчи, иккинчи эса қўшилувчилар (келишувчилар) деб номланади ҳамда юқори кўрсаткич  $r > 0,5$  ни ташкил қиласи. Мезон ташланмаси  $Z = 0,512$  5% ишончлилик даражаси эса  $Zn = 1,64$  қийматдан иборатdir.

Гурухлар ўртасидаги тафовуттга қараганда, юксак коэффициентли позиция фрустрацион реакциянинг аниқ профилини тавсифлайди, унинг стаккни мезони экстрапунитивлик ҳисобланади. Шунингдек, шериклар ўртасидаги мазкур ўлчов бўйича кўрсаткичларнинг қуи даражада эканлиги интрапунитив ва имнунитивликка мойилликни кўрсатади.

MMPI бўйича тўпланган натижалар (ҳам сифат, ҳам миқдор) ишончкорона ҳулқка, аффектив ҳолатга мойишлик ошганлигини, қониқмаганиликни, бекарорликни, мувозанатсизликни ва паст конформликни кўрсатиб турибди. Бинобарин, қуи позиция коэффициентига эга бўлган түрух аъзоларини мутлақо қарама-карши шахс фазилатлари ташсифлайди, улар эмоционал жиҳатдан барқарор, мувозанатли, камроқ иш золарга тортилганлик, ҳаётдаги муваффақиятсизлик манбаларига тўғри муносабат билдирадилар ва оқилона йўл топа оладилар.

Тадқиқотда доминантлик билан лидерлик ўртасида арзигулик ўзаро алоқа йўклиги, бир томондан, позиция коэффициенти билан иккигача томондан вербал ўзаро таъсир ўтказиш кўрсаткичи инсоннинг тўпламма, тизимли тавсифи эканлигидан рўй-рост далолат бериб турибди. Шахс фазилатларини ўрганувчи методикалар ёрдамида олинган инсоннинг иш хололик портретига оид материаллар позиция коэффициентини эгалланаш кўп жиҳатдан ҳамкорликда қарор қабул қилишга ва нуткий ўзаро таъсир ҳаракатлари вазиятга йўналганлик хусусиятига эга. Диадага асосланган ўзаро таъсирнинг самарадорлиги унинг амалий, татбиқий қулайлигидан

далолат беради ҳамда муюмала (мулоқот) маромини моделлаштириш имконини яратади.

## Ҳамкорликдаги билиш фаолияти шароитида муюмаланинг шахслик детерминантлари

Тадқиқотчилар В.А.Кольцова ва Л.Мартин (АҚШ) муюхазаларига қараганда, муюмалани фаолият билан бир қаторда инсон психикасининг детерминацияси омилларини экспериментал тадқиқ қилиши сифатида караш ўрганилувчи психик ҳодисаларни тўла ва куциррани таҳлил этишини таъминлаиди. Муаллифлар мухокамага ташланган ушбу фоя психологик тадқиқотнинг муҳим методологик принципини реализация қилишини ўзида акс эттиради, яъни шахслик ёндашув принципи, С.Л.Рубинштейн фикрича, ташки сабаблар (ташки таъсирлар) ҳамиша ички шароитларининг билвоситалиги орқали харакатланади. С.Л.Рубинштейннинг изоҳлашибча, ҳар қандай психик ҳодисаларни тушунтиришда шахс барча ташки таъсирларни кириб келишида ички шароитларнинг мажмуаси билан жинс алоқада намоён бўлиши кузатилади.

Муаллифларнинг таъкидлашибча, ҳар қандай экспериментал таъсирнинг психологик самарасини тадқиқ қилиш субъектнинг шахсга оид хусусиятларини, индивидуал психологик хислатларини мазкур таъсирнинг ички билвоситалигини ҳисобга олишни талаб қизади.

Ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида муюмала одамларининг ижтимоий психологик ўзаро таъсирнинг реал жараёни сифатида ҳар қайси индивидга нисбатан объектив ижтимоий реаллик ҳамда одамнинг индивидуал турмуш реалигиги тариқасида намоён бўлади.

Экспериментал тадқиқотнинг мақсади индивидуал билиш жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида “ўлчаш” тушунчасини болаларда шаклланиши хусусиятлари кечишининг қиёсий таҳлили ҳисбланади. Тадқиқотнинг вазифалари:

а) тушунчани шаклланиши ва унинг кечишини ўзига хос томонларини аниқлаш;

б) мазкур жараёни муюмала вазиятида текшириш;

в) муюмала қатнашчиларига ўзаро таъсирнин психологик самарасига таъсир этувчи бир қатор билвосита омилларни ўрганиш кабилардан иборатидир.

Муаллифлар томонидан муюмалага билвосита таъсир этувчи шахсга оид, индивидуал психологик омиллар экспериментал тарзда ўрганилган, синалувчиларнинг ёш хусусиятлари, ҳар қайси қатнашчининг концептуал даражаси тадқиқ этилган. Ўрганилаётган психик жараённинг энг зарур детерминантлари сифатида муюмалада шерикларнинг қиёсий концептуал даражаси; улар томонидан амалга оширилаётган фаолиятни уddaлаш стратегиясидаги ўзаро таъсир ҳаракати алоҳида олииб қаралади.

Тажрибада 5-6 ва 7 ёшли 112 та бола қатнашган ва текширишда катта ва тайёрлов гурухлари тарбияланувчилари ҳамда мактабнинг биринчи синф ўқувчилари ўрганилган. Тажрибалар уч босқичдан тузилган

бўлиб, муайян мақсад ва вазифани рўёбга чиқаришга мўлжаллангандир. Ҳар қайси босқич синаувчилардан 12 та топшириқдан ташлашни ва ўлчакшни талаб қиласади;

- а) ўрганилаётган ҳодисалардан муҳим белгиларни ажратишни;
- б) уларни ўзаро таққослашни;
- в) ўлчаш қоидаларини ўзлаштиришни ва ҳоказо. Ҳар бир топшириқда ёғоч шайини тарозидан фойдаланилган. Унинг асоси иккита ричаг билан мустаҳкамлангандир. Ҳар бир ричаг бир-бири билан тенг масофада 4 та штифт (чишр стержень қўзғалмайдиган, икки детални бирлаштиради) мавжуд. Шундай, уларга ёғоч кубикли қадоқтошлари мустаҳкамлангандир. Ҳар қанчай 4 штрифлардан кублардан пирамидалар ясан қезизда тошлар оғирлитини ўзгартириш мумкиндири. Ҳар бир тоншириқ бажарнаётгандан иштирокчиларга мана бундай савол билан мурожаат қилинган: “Агарда улардаги қадоқ тошлар мана бундай тарзда жойлаштирилса, у ҳолда тошларда қанчай ўзгариш юз бериши мумкин?” Шунинг билан бирга экспериментатор турлича кубиклардан иборат юкларни асоснинг икки томонидан у ёки бу штифтлар бўйича жойлаштирган. Ричаг узунилиги, юк вазини ўзгартириш билан боғлиқ навбатдаги топшириқ синаувчилар дикқатини ҳавола қилинади.

Синаувчиларга тавсия қилинган 12 та топшириқ 6 хил кўринишдаги (тонфацаги), ҳар хил мураккабликка эгалиги билан тавсифланувчи ва тош вазни, ричаг узунилиги муносабатлари билан таснифланувчи муаммолардан тузилағандир.

Муаммолар Колъзова ва Мартинлар синаувчилар фаолиятини баҳолашда Р. Сингер томонидан таклиф этилган категориал схемасидан фойдаланганлар. Мазкур схемага биноан биринчи категорияга топширикларни очишда ўзгаришга қараб фақат битта белгига асосланувчи болалар киритилади. Аввал битта ва қўшимча равища иккичи белги (аломат) га мўлжал олган болалар иккичи категорияга киритилган. Учинчи категорияга таалуқли синаувчилар интиугтив равишида ҳар иккала асоснӣ алломат (белги) иш қиёслашга имкониятига эга бўшилар, лекин бу хотиб тўла англашилган фаолият маҳсули деган фикрин билдирилади. Ва ишоят тўртинчи категорияга киритилган болалар топширикларни очиш жараёнида ҳар иккала алломатни онгли равишида қиёслаш имкониятига эга бўлганлардир.

Муаммолар экспериментда ўзаро таъсир ўтказишини мукаммал аниқлаш учун предтест ва посттестдан фойдаланганлар ва синаувчилар олдига иккита шарт кўйганлар. Биринчи шартга кўра диада қатнашчилари 12 та топшириқдан ташкил топган дастлабки серия инструкцияга йўлланмасига биноан ҳар қайси ҳолатда қандай ўзгаришлар юз беришини айтишлари керак. Иккичини экспериментал шарт биринчисидан фарқли ўлароқ ўйин вазияти имитация (таклид) қилинади. Қадоқ тошлар билан бир каторда ўйин майдончасини ҳар ташкил қилиш лозим эди. Тажриба жараёнида фаолият натижалари кўргазмалилиги ва уни бажаришга нисбатан болаларда қизиқиши үйғотиш таъминланади. Фаолиятни

ташкиллаштиришнинг ўзида болалар тўғри жавобларга эришишлари экспериментатор томонидан рафбатлантирилиб турилади.

Фаолиятнинг мақсади мазкур ёшдагилар учун тушунарли бўлган, улар учун субъектив аҳамиятли ва мафтункор топширикда ўз ифодасини топади - бу ўйин майдонини тўлдириш ва ўйин фаолиятида муваффакиятга эришишdir.

Муаллифларнинг фикрича, кутилганидай топшириклар ечимининг энг адекватли стратегиясини қўллаган синалувчиларнинг катта микдори 7 ёшлилар орасида учрайди, лекин ҳар қайси ёш гурӯҳида ҳам уч хил типдаги стратегия мавжудdir (яхшиланиш, ёмонланиш, сақланиш). Шуни таъкидлаш жоизки, синалувчишарини муайян қисми жавобларини биз қўллаган метод асосида микдор жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш уларни мутлаклаштиришга имкон бермайди. Агарда синалувчиларнинг жавоблари таҳлили у ёки бу даражага киритиш имконини бермаса, у ҳолда муаллифлар бундай ечимларни тан олишган ва поаниклик даражасини белгилашган.

Тажриба ва назорат гурӯҳларида стратегия ўзгариши хусусиятининг тақсимланиши ўзига хослиги намоён бўлади. Жумладан, тадқиқотининг иккинчи стадияда диада шаронтида тажриба гурӯҳдагиларда фоиз ҳисобида яхшиланиш (ўйин вазиятида 45% ва ўйиндан ташқари шаронтида 35%), жуда кам фоизда ёмонланиш (6% ўйин ва 5% ўйиндан ташқари вазиятларда) аниқланган бўлса, назорат гурӯҳида бу микдорлар (яхшиланиш 18% ва ёмонланиш 14%) сезиларни даражада тафовутланади.

Болаларнинг билish фаолиятига ўйин вазияти жараёнидаги мумомаланинг таъсири икки хил эрккни ўзгарувчан микдор бўйича самарали эканлиги аниқланади. Ўйин вазиятидаги ҳамкорлик фаолиятини диада услубида бажаришда (иккинчи шартга биноан) натижалар яхшиланиши эҳтимоли юксаклиги (0,45), ўйиндан ташқари вазиятда (0,18) кўйирок кўрсаткичларга эришиш мумкинлиги белтиланган. Муаллифларнинг изоҳлашича, тошириклар бажарилишига болаларнинг тортигандилиги ўйинга писбатан табиий қизикиш билан шартлангандин, мусобақалашиш мотивининг найдо бўлиши - яхшироқ имкониятни рўёбга чиқариш, юксак ютуқларга эришиш. Муаммони топширикларни ечиш жараёнида болалар билиш фаолиятининг ўзига қизикиш билан муносабатда бўла бошлайдилар, бажариш воситасидан мақсадга айланади. Билиш мотивациясининг ўзига хослиги пайдо бўлишининг етакловчиси билиш жараёнининг самарадорлигини оширишга етаклайди.

Муаллифлар томонидан ўтказилган тажриба натижаларига қараганда (диаданинг уч тузилмавий конфигурациясидан фойдаланилганда), ўрганилаётган бола ракибидан маълум даражада қуйи кўрсаткични эгаллаган бўлса, предтест билан таққослаганда посттестда ўз натижаларини яхшилаш эҳтимоли мавжудdir. Ушбу ҳолатни бошқа томондан қарасак, мабодо шериклар жуда қуйи даражага эришсалар, бу такдирда ўзаро таъсир ўтказувчидан биттаси (яъни тажриба гурӯхи аъзоси назорат гурӯҳидан фарқли ўлароқ) дастлабки кўрсаткичини сақлашнинг эҳтимоллик даражасига эга бўлади.

Олинган натижаларга асосланган муаллифлар миқдорий ва сифат таҳлилидан кейин мана бундай хуносалар чиқаришга қарор қабул қилғанлар:

а) күйи күрсаткичли шериклар билан ҳамкорлик қилған болаларда фойдаланилған стратегиясида заифлашув кузатиласы;

б) юкори күрсаткичли болалар ҳамкорлик фаолиятига киришгән шериклар билан мұомала шароитида у ёки бу үзгаришларга учраганлар.

Шунингдек, биринчи стратегиядан фойдаланған шериклар үз дарајасини сақлаш ва яхшилашынға бир хил әхтимоллігі күрсаткичига әгадирлар. Иккінчи стратегияни құллаган синалевчилар учун үз натижаларини барқарорлаштириш, күтаришга әнг қурай имконият өзага қелгандыр. Учинчи стратегияга асосланған барча гурух ағзолары мұомаланинға бевосита таъсирида, шарт-шароитида предтест даражасини сақтай олғанлар. Биринчи даражага әришгән синалевчилар учун “пол самарааси”, учинчи даражалылар учун “шип самарааси” намоён бўлиши әхтимоли мавжуд эканлиги таққиётчилар томонидан таъкидлаб ўтилган. Тажриба гурухининг иккінчи даражали синалевчиларида яхшиланишнинг максимал самарааси 76% га тенцир.

Стратегия үзгариши хусусиятининг ёш даврлари бўйича тақсимланиши кўйицаги күрсаткичларда акс этади: 5 ёшли болалар иккінчи стратегияни құллаган ва натижада дастлабки даражасини сақлаш ҳамда уни юксалтиришининг бир хил тенденциясига эга бўлғанлар, каттароқ ёшдаги болалар эса худди шу концептуал даражага эга бўлишидан катъи назар, асосан үз натижаларини мұомала таъсирида яхшилашга әришгандар, холос. Предтестда учинчи даражадаги болалар посттестда үз имкониятларини заифлаштирилар, уларнинг аксарияти 6 ёшлиларни ташкил қиласы.

Муаллифларнинг мулоҳазаларыча, мұомаланинға бевосита таъсирида аксарият синалевчиларнинг билиш жараёниларида, муммомли вазиятни тушунишда, фаолиятни ушталаш натижаларида динамик силжиш, ижобий ҳолат өз берган. Мұомалада тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг кесчишига, ўйин вазияти мавжудлигига ёки йўқлигига, индивидуал ва ижтимоий-психологик тавсифларга, индивиднинг концептуал даражасига, шерикларнинг мулоқотга киришиш даражасига таъсирини ўрнатишга муаллифлар муваффақ бўлғандар.

### **Ҳамкорликдаги гурухий фикрлаш фаолияти самарадорлигига ўзаро таъсир кўрсатиши хусусиятининг таъсири**

Топшириклар ва масалаларни ечиш ҳамда гурухий ижодийлик жарайёнида гурухий ўзаро таъсир кўрсатиши усусларини оптималлаштириш психология фанининг мұхим мұаммосига айланмоқда. Худди шу боисдан ҳамкорликдаги фикрлаш фаолияти самарадорлигига ўзаро таъсир кўрсатиши хусусиятининг таъсирига бағищланған Н.М.Полуэктови ва Б.В.Тихоновларнинг иши алоҳида аҳамият касб этади.

Муаллифларнинг таърифлашича, ўзаро таъсир кўрсатинининг оптимизацияси гурӯҳни функция қилишнинг шундай даражасига эринишни, қайсики унга ҳамкорлик фаолиятида юксак самарарага етиш имконини беради, яъни фаолиятда юкори муваффакиятга етиш, қатнашчиларнинг зарур фаоллик даражасида ўзаро таъсирдан ва ишдан қониқишлик.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси гурӯҳий фикрлаш фаолияти самародорлигига фикрий тоғиширикларни ҳамкорликда ечиш жараёнида ўзаро таъсир кўрсатиши хусусияти таъсирини ўрганишдир. Экспериментда ўзаро таъсир кўрсатиши регуляциясига гурӯҳнинг ролли тизими ўрганишин ва қатнашчиларнинг фикрий функцияларини фаоллаштириши ёрдами билан эришилган.

Бошқарувининг коллегиал услубига гурӯх лидерини йўналтиришда ролли структура регуляцияси ифодаланади: гурӯҳнинг суст аъзоларини фаоллаштиришда, ролли структуранинг эгилувчанлиги олиншида, гурӯх аъзоларининг фаолиятла ташаббус билан чиқиш қобилиятида ва ҳоказо. Гурӯҳий тоғиширик ечиш жараёнида англаганилик, мотивировка қилишлик, қизиқувчанлик ортиши ҳисобига фикрий функциялар активизацияси юзага келган. Активизация эксперимент патижасига қараб, фаолиятда нутқий реакцияларга кўра диагностика қилинган.

Тадқиқотда реал ишлаб чиқариш гурӯхлари ва илмий ходимлар гурӯхи (триада), ҳаммаси бўлиб беш гурӯх иштирок этган. Гурӯх аъзоларининг ўзаро алоқаси ҳар хил шароитда перцептив-фикрий ва мантикий тоғиширикларни ҳамкорликда ечиш тавсия этилган.

Нутқий ўзаро таъсир кўрсатиши ва психомотор орқали гурӯх аъзоларининг ишга киришини ҳамда барча қатнашчиларнинг ҳаракатларини координациялаш (мувофиқлаштириш) туфайли перцептив-фикрий тоғиширикларни ечиш мумкин, холос.

Мантикий тоғишириклар гурӯхлар томонидан ишгача ва ишдан кейин аслаҳаларда бажарилган, шерикларнинг ўзаро алоқаси муайян даражада таъминланган, бу нарсага тоғишириқи ечиш инструкцияси, синалавчиларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини энг қулай усулда мувофиқлаштириш орқали эришилган.

Тажрибада қуйилаги кўрсаткичлар регистрация қилинган: тоғиширик ечиш учун кетган вакт, гипотезалар ва таклифлар миқдори, синалавчиларнинг нутқий реакциялари (магнитофон ёзуви), амалга оширилган ҳаракатлар миқдори ва изчиллиги (“Кибернометр” ва бошқалар).

Бундан ташқари, тадқиқотчилар томонидан қуйидаги тавсифлар ҳисобга олинган: гурӯҳнинг расмий ва норасмий тузилиши, гурӯҳни бошқариш услуби, шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, гурӯх аъзоларининг индивидуал психологик хусусиятларнинг мувофиқлиги, функционал ролли кутилмада келишилганлик, муомала хусусияти (ишбильармонлик, шахсий), гурӯҳнинг шаклланганлик даражаси кабилар. Бу тавсифлар ҳамкорлик фаолияти сифатида ва маҳсулдорлигига ёрдам беради ҳамда гурӯҳий фаолият муваффакияти, муваффакият барқарорлиги, гурӯҳнинг стрессга нисбатан мустаҳкамлиги сингари кўрсаткичларда ифодаланган.

Хамкорлик ҳамкорликдаги нутқ таҳлилида күйидаги фикр-мuloҳазалар ажратиб кўрсатилган: ахборотий, шахсий фикр, аффектив, коррекциялаштирувчи.

Олинган натижаларини муҳокама қилиш ва таҳлилиш асосида муалифлар муайян хуносалар чиқариш имкониятига эга бўлишган.

Мантикий топширикларни ечишдаги маҳсулдорликнинг пастилиги биринчи навбатда уларнинг мураккаблиги билан шартланган, қолаверса муомаланинг конструктировашлиги ҳам бунга сабабdir.

Фикрий турхий фаолият жараёнида ўзаро таъсир кўрсатишнинг аниқ гашкисалмаганини туфайли сипалувчиларнинг нутқий фаоллиги фикр интеграцияси ва таҳлилини зарар келтирувчи омил сифатида намоён бўлиши мумкин.

“Кибернометр” асбоби та перцентив фикрий топширикларни ечиш хусусияти шунда ифодаланидиким, деч ким барча иштирокчилар ҳаракатларини координация қиласдан туриб топшириқни мустакил ечиш имкониятига эга бўлмади. Шу сабабдан “Кибернометр” ҳамкорлик фаолияти қатнашчиларини “мажбурий” равишда фаол ўзаро таъсир кўрсатишга тортиш функциясини бажарди.

Тажрибаларда бошқарувишнинг ҳар учала классик тини намоён бўлди: коллегиал, директив, либерал, улар турхуларнинг ижодий фаоллиги ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларида акс этган.

Топширикларни ечишда муваффакиятга эришувда ролларни аниқ фарқлаш (дифференциациялаш) муҳим ёрдам беради. Аммо муваффакиятга эришини учун бу етарли эмас, чунки ролни тузилмада эгилувчалик бўлмаса юқори кўрсакчиchlар эгалланмайди.

Тажрибаларда юқори савида ташкилашган турхий фаолият учун ўзига хос ҳодисалар кўзга ташланган: ечиш жараёни учун ҳамкорлик рожасини ишлаб чиқиш, топшириқ ечимишининг ҳар бир иш-харакати тўғрисида ўзаро фикр алманиши, бирон-бир йўл топиш имкониятини турхий майданга тириб муҳокама қилиш ва бошқалар. Бу ҳолатларнинг барчаси таклифларни тузатиш (коррекциялаш) ва ташлаш (селекциялаш) ишларни оширишга, тасаввурларнинг қўшишиши хисобига индивидуал идрок қилиш чекланганининг олдини олишга имкон туғидиради. Тажрибаларнинг якунича турх ҳялти тузилма эканлигини тавсифловчи фаол хусусиятни эгалайти.

Гурӯҳ аъзоларининг индивидуал-шахслилик хусусиятларн ўзига хослиги. Улар ўртасидаги шахслараро муносабатлар хусусияти, мотивировка қилинганилик даражаси турх фаолияти муваффакиятида акс эттирилади.

Нутқий мuloҳазалар таҳлили ва ўзини-ўзи баҳолаш варакасининг натижаларини турх аъзолари бир-бирларини ўта ёқтиришни (симпатия) намойиш қилди, яъни бу нарса бир-бирига нисбатан “фаол” ижобий установкалар мавжудлиги билан тавсифланади, коммуникабелликнинг (мулоқотмандликнинг) юксак даражасида илиқлик ўз ифодасини топади.

Бир-бирига ҳурмат, меҳр-муҳабbat туйғуси мавжуд инсонларнинг ўзаро муомаласи уларнинг фикрлаш жараёнларини фаоллаштиради.

Хамдардлик, ҳамкорлик фаолиятида қатнашувчиларнинг максимал киришувчанлигига ёрдам беради ва уларнинг имкониятларини кенгроқ, амалга ошишга шароит яратади.

Ҳамкорликдаги фаолиятда қатнашчиларнинг индивидуал ҳусусиятлари рўёбга чиқа бошлади.

Фаолиятнинг муваффакияти учун синалувчиларнинг интеллектуал тараққиёти катта аҳамиятга эга эканлиги тажрибаларда тасдиқланган.

Экспериментал перцентив фикрий ва мантикий тоширикдар турдий ечимишининг муваффакияти сифатий тавсифлари бирничи павбатда шахснараро муюносабителар ҳусусиятларига, шерикларнин индивидуал ҳусусиятлари мослингига, лавозим маъзенига ва ютуққа эришин учун қизиқувчаплик даражасига боғлик эканлиги тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади.

Уларнин муюҳазасича, ҳамкорлик фаолияти муваффакияти кўрсаткичларига синалувчиларнинг шахсий безовтаганини (ҳадисенраши) мухим таъсири ўтказади.

Ўзаро таъсири ўтказиш жараёнида ролларни аниқ тақсимлаш орқали ҳамкорликдаги фикрлаш фаолиятида юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришин мумкин. Ҳамкорликдаги фикрий фаолиятда унинг қатнашчиларига ролларни алмаштириш имконияти берилса, ижодий имкониятлар кўдамини янада кепайиши кутилади.

## МУОМАЛАНИГ ТАТБИҚИЙ МАСАЛАДАРИ

### ПЕДАГОГИК МУОМАЛА ТЕСТИ.

Муомала - кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатилиши ва ривожланишидан иборат жараён бўлиб, бу жараён уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишга нисбатан эҳтиёжлари асосида вужудга келувчи куйндагиларни ўзичига олувчи фаолиятдир:

- ўзаро тушуниш ва англаш;
- ўзаро бир-бириши идрок қилиш;
- ўзаро ахборот алмашиш;
- ўзаро ҳаракат қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш.

1. Муомалавий бошқарув - одамлар устидан раҳбарлик қилиш мақсадида амалга ошириладиган муомала жараёнидир.

2. Муомалавий бошқарувнинг мақсади:

- буйруқ ва кўрсатмалар, тавсияномалар, маслаҳатлар бериши;
- топшириқ бажарилганлиги тўғрисида қатнашчилардан ахборот олиш ва уларни таққослаш;

- ижрочилар томонидан бажарилган топширикка баҳо бериш.

3! Муомалавий бошқарувнинг асосий босқичлари:

- а) иштироқчиларга кўрсатмалар берувчи маълумотларни узатиш;
- б) қайта (иккинчи марта, такроран) маълумот олиш;

в) қатнашчилар томонидан тўплангандай маълумотга баҳо бериш.

4. Кўрсатмалар берувчи маълумотлар узатишнинг шакллари:

- а) директив - буйруқ, кўрсатма, талабнома;

б) демократив - тавсия, маслаҳат, илтимос.

5. Педагогик муомала - ўқувчиларга, талабаларга таълим ва тарбия бериш мақсадида маҳсус равишда амалга оширилувчи, психологик одоб (такт) га асосланувчи, ҳамкорлик негизидан иборат муомала жараёнидан биридир.

6. Педагогик муомаланинг мақсади:

- ўқувчилар ва талабалар билан ўзаро самарали ижтимоий психологик ҳамкорлик қилишга эришиш;

- ўқитувчиларниң ўқувчилар ва талабалар билан ўзаро шахсий муносабатларини шакллантириш;

- ўқитувчи ва ўқувчиларниң (талабаларниң) бир-бирларини янада чуқурроқ тушунишларига ҳамда англашларига ёрдам бериш.

Таълимнинг моҳияти ўқувчиларда ва талабаларда билдиш фаолиятини бевосита бошқариш эканлигини ҳисобга олсан, у ҳолда педагогик муомала билан муомалавий бошқаришнинг кўпгина вазифалари ўртасида ўхшашлик мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз. Худди шу боисдан ҳам муомалавий бошқариш жараёнинга берилган тавсияномалар педагогик муомала фаолиятига бевосита ҳосдир. Муомаланинг энг муҳим хусусиятлари ўзаро бир-бирини англаш ва ўзаро бир-бирини идрок қилишда ўз ифодасини топади. Ўзаро бир-бирини англаш кўйидаги лаҳзаларга бевосита боғлиқдир:

- тилниң миллий бирлиги;

- қасбий атамалар билан миллий тилниң ўзаро уйгулиги;

- маълумотнинг тўлалиги, унинг мантикий жихатдан изчил равиша баён қилиниши;

- сұхбатдошларниң аклий даражаси, маданий савијаси ва қасбий тайёргарлигини ҳисобга олиш;

- шахслараро муносабат қатнашчиси диккатини муайян обьектга тўплай олиш имконияти, уқувчанилиги;

- муҳокама қилинаётган масалани ҳал қилишда сұхбатдошларни шахсий қизиқишлиарниң мутаносиблиги;

- ўзаро идрок қилиш эса ушбу ҳолатлар билан узвий боғлиқдир;

- сұхбатдошиниң нуфузи, обрўси, унини мутахассислигига оид билими ва кўникмалари;

- ўзаро шахсий муносабатнинг ҳолати, унинг ҳис-ҳаяжонларга се роблиги: раҳбар ўз сұхбатдошларида қанчалик кўп ижобий ҳиссий ҳолатлар, чукур кечинмалар уйгота олса, у тақдирда уларнинг ўзаро бир бирларини англаш жараёни ва ўзаро идрок қилиши тез суръатда (лаҳзада) амалга ошиши мумкин.

Ўзаро шахсий муносабатда ҳиссий ҳолатнинг намоён бўлиш дара жасига кўра иштирокчиларда: симпатия, эмпатия, дўстлик, ёқтириб қолищ, самимийлик каби ижобий ҳиссий ҳолатлар; бефарқлик, нафрат, ёқтирумаслик сингари салбий ҳиссий кечинмалар, туйғулар юзага келади Шунинг учун ҳам муомалавий бошқарув жараёнидаги энг муҳим қоида ҳар қандай йўл ва усул ёрдами билан бўлса ҳам, энг аввало, сұхбат жа раёнида ижобий ҳиссий ҳолатларни вужудга келтиришдан иборатdir

Мазкур ҳолат қанчалик кучли, юксак күттаринки суръатда намоён бўлса, демак муомалавий бошқарув шунчалик енгил кечиши мумкин.

Инсонлар ўртасидаги ўзаро шахсий муносабатлариниң ҳиссии (ёқимлилик) даражасини субъектив баҳолаш учун “Сиз билан муомалада бўлиш ёқимлими?” деб аталадиган тестни амалий фаолиятда қўйлади юқори самараат беради.

Педагогик муомала тести билан танишувчи ўқитувчилар уни ўзлаштириш учун ўн битта саволга жавоб беришлари талаб қилинади. Муомала жараёни тести қатнашчилари унда берилган саволларга ё “ҳа”, ё “йўқ” деб жавоб қайтаришларни лозим.

### Тест саволлари:

1. Сиз гапиришдан кўра эшитишни яхши қўрасизми?
2. Сиз ўзингиз ташимаган нотаниш одам билан ҳам сұхбатлашиш учун ҳар хил мавзу топа оласизми?
3. Сиз доимо ўз сұхбатдошингизни дикқат-эътибор билан, ўта зийрак тарзда тинглайсизми?
4. Сиз ўзга кишиларга маслаҳатлар беришни ёқтирасизми?
5. Мабодо сұхбат мавзуси Сиз учун кишикарсиз бўлса, у ҳолда сұхбатдошингизга бу ҳолатни ошкора қиласизми?
6. Агарда сұхбатдошлар Сизни тингламаётган бўлсалар, у такдирда жаҳлингиз чиқадими?
7. Сизни ҳар қандай масала юзасидан ўз шахсий фикрингиз борми?
8. Мабодо сұхбат мавзуси Сиз учун нотаниш бўлса, унда сұхбатни давом эттира оласизми?
9. Сиз ҳамманинг нигоҳида, дикқат марказида бўлишини ёқтирасизми?
10. Сиз етарли даражада билимга эга бўлган, энг камида учта предмет асосини эгаллаганимисиз?

Тестнинг калити: “Ҳа”: 1, 2, 3, 6, 7, 8, 9, 10, 11; “Йўқ”: 4, 5.

Жавобларни таҳлил қилиш учун тест калитидаги мос тушган жавобларниң ҳаммасини кўшиб ҳисоблаб чиқилади. Калитдаги ҳар бир мос жавоб 1 баллга тенгdir. Жавобларниң натижалари таҳлил қилингандан кейин қўйидаги гуруҳларга ажратилади.

1-3 балл: Сиз билан муомала қилиш ҳар доим ҳам ёқимли эмас, ҳатто, баззида бу жараён жуда оғир кечади.

4-9 балл: Сиз бошқалар учун ёқимли сұхбатдошсиз, аммо кайфиятингизга кўп нарса боғлиқ.

10-11 балл: Сиз муомала жараёнида жуда ёқимли сұхбатдошсиз, аммо уни, жуда ошириб юборманг.

### Касбий муомалани шакллантириш методикаси.

Педагогик фаолиятни муваффакиятли равишда амалга оширишда ўқитувчи учун чуқур назарий билимлар билан бир қаторда коммуникатив

фаолиятни професионал (мохирона) бошқаришни уздалаш ҳам мұхит ахамият касб этади.

Бу омил ўз навбатида ўқитувчида мұомала мұаммосига таалшынын билімлар билан куралғанышни тақозо этади. Мұомалавий билімлар тар кибига: одамлар орасыда нүкт сүзлай олиш, мұомала тизими хусусиятта риңа асосланған ҳолда талабалар билан ҳамкорлықда мантиқнаи түгри ту зияған ижодий фаолиятни ташкил қила билиш, мұайян мақсадни ўз ичине қамраган мұомала жараёнини уздалаш киради. Таъкидиң ўтғанларимизнинг барнаси мұомалавий билімларнинг негизидан иборат дарындын үшарнинг ҳар бірлесі маңым қысметардан тушилдандыр. Жумысшы психологияк алоқаны барып этиш, мұомала көзіца ташаббусини ҳамина күтіп олиш, мұомалада үйгүншікка, (мұтаносибликка, мұхитта мөслиннің) әришини ва хәкәз. Бундай мұраккаб мұомалавий билімларнин ўқитувчи мұлоқотмандылар қобиляятыга эга бўнгандағына әгашилай олади, холос.

Ижтимоний ҳаётда турлар туралы тұман хүлк-атворли, ўзига хос хусусияттын одамлар учраб турады, чүнөнчі мұлоқотта тез киришады ва уни осно үшіншіра олади, балын, одамлар әзма ва мәктанчоқдырлар, күмдір камтап, яна бир бөшқа тоифа таалтуқиси эса мұлоқотта киришиш йүзини қолто билмайды. Педагогик фаолиятнинг ўзина хослары шундаки, унин учун ҳамкорлық шахсей нараса әмас, балық касбий шахсей фазилатты, «ансон-педагог» мүносабати мөхиятты алоқадор сиғратты ўзиңде гавдаплатыради.

Умумисоний бағыттанғанда күра, шуннаннан дегек, тақиқотчиларнин фикрича, сухандонлық түрші күрнештеги эга бўлиб, ўзаро бир-бирашиби тақозо этувчи таркиблардан ташкил топади. Уларнинг асосийен күйнадагилардир.

1. Мұлоқотмандылар – мұомала жараённан завәлланиш қобиляятына әгашилай.
2. Ижтимоний яқыншылар – жамоа ичиде, одамлар орасыда бўлшинини хоҳлаш туйғуси.
3. Азияргистик инсонни севиш, унга беминнат хизмат қилинг ғоясига садоқатлайды.

### **Мұлоқотдошлилик.**

Ўқитувчилар билан ўтказилған сұхбатларнинг күрсатишича, педагогик фаолиятнинг тарк ўтғанларнинг аксарияти мұлоқотмандылар хусусияттың (қобиляяты) эга бўлмаганлиги туфайли ёки бу борада ўта заифлиги учун ихтисосликдан юз ўтирганлар. Турли хусусиятли, салоҳияни, хүлк-атворлик шахслар билан мұомала қуриш, сұхбатлашиш, ўзига ўзгапар меҳрини тортиш (аттракция) табний шартланған хислат таркибларга кирмаганлиги сабабли шахсий фазилатни касбийга айлантириш жуда кийин кечади. Кўптина раҳбар кадрлар ҳам худди шундай характеристика эга, бинобарин, шахслараро илик мүносабат, ҳамкорлық фаолиятида са марадорлик түғрисида гап бўлиши ҳам мумкин әмас. Мұлоқотмандылар фаолиятты эга бўлмаган ўқитувчи тез чарчайди, ўзаро таъсир ўтказини

укувидан маҳрумдир. Ўқитувчи билан талаба ўртасидаги ҳамкорлик таълим жараёнини вужудга келтиради, агарда мулоқотмандлик касбий хусусиятига эга бўлмаса ўкув юртларида фаолият кўрсатини кийинлашади. Модомики шундай экан, касбий тайёргарлик босқичида унга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

### Ижтимоий яқнилик.

Ижтимоий яқнилик – бу шахснинг муваққат руҳий холати эмас, балки турғун шахсий белгининг даражаси ҳисобланади, шахснинг касбий педагогик йўналишлиги сифатиде намойен бўлади.

Мулоқотмандликнинг тарқибий қисмлари қўйидагиларда гавдалана-ди: муомалага эҳтиёж, муомалагача, муомала найтида ва муомаладан кейин ҳам кўтарники ҳиссий ҳолатининг мавжудиги, муомалавий қўнишка ва билимлар, маром, уларнинг хилма-хил кўринишлари ва ҳоказо. Бу тўғрида шуни алоҳида таъкидлаб ўтни жонзки, муомалага нисбатан эҳтиёж сезиш умумиссоний хусусият бўлса-да, юкорида билдирилган мулоҳазаларда муомалага аксиомасбий ижодий нуқтаи назардан талқин қилиши. Ҳар ҳолда бальзи бир нозик томонлар, механизмлар назарда тутишган бўлса ажаб эрмас, бу эса атрофийча мантиқий фикрлашни тақозо этади.

Хуялас, муомалага жараённинг инсонни индивидуал-типологик хусусиятиларининг мотивацюон, эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив жабҳалари мувафаққият гарови ҳисобланади. А.В.Мудрик муомалага жараённинг қўйидаги хусусиятлар таъсири ўтказишни таъкидлаб ўтади, чу-пончи:

4. гафакур хусусиятларин;
5. пуртқада: эркин фойдаланиш бўйини;
6. идрокнинг ички сабаб (мотив) натижасида вужудга келиши, кечинши, ривожланиши;
7. аниқ ижтимоий кўрсатмалар. Яъни аттиюд (масалан, муомаланинг натижаси ёки маҳсулни) эмас, балки муомалага жараённинг ўзига кизиқиши.
8. муомалавий билимлар – вакъ, шерик, ташаббус, мулоқот вазияти, шароитга қараб йўл тутини.

### III Альтруистик ғоялар.

Инсоннинг ҳиссий-эмоционал габиатини узинг альтруистик муомалавий кечинмалари ранг-баранглиги яққол намойиш этади.

Муомалавий эмоциялар орасидан: ички кечинмалар, фикр алмашаш хоҳиш (хайриҳоҳлик, кайфият, хурмат), муомалага катнашчиларига нисбатан хайриҳоҳлик, самимийлик, илтифот. Хурмат-эҳтиром ҳисснинг туюши ва ҳоказо. Худди шу хусусиятларнинг мавжудиги шахсниминг педагогик муомалага лойиқлиги тўғрисида фикр билдиришга кафолатдир. Альтруистик эмоцияларнинг орасида одамларга завқ бағишлиш, бошқалар хурсандчилигига шерик бўлиш кабилар ажратиб кўрсатилади.

Кан-Калик бир қатор етакчи ўқитувчилар билан ўтказилған тажрибалар натижаларига тәнгән ҳолда ўқитувчилар оға (айниқса ёшларға) ёрдам беріш мақсадида күйидеги профессионал педагогик мұомаланин таркибий қысмларини тавсия қылады:

1. Болалар билан түрли соқалар бүйіча доимий мұомала қилишга мустаҳкам, кучли әхтиёж сезиш.
2. Мұомала – умуминсоний ва қасбий күрсатмаларнинг туб ҳамкорлығы мажмусаси.
3. Мұомаланинг барча босқычларида эмоционал хотиржамалық мавжудлары.
4. Педагогик фаолиятнинг қолдан таркибий қысмларига мұомаланинг самаралы таъсири.
5. Педагогик мұомаланы амалға оширишда мұлоқотмандаштық қобильтіннің мавжудлары
6. мұомалавий күнімдікта библиотекаларнинг бирилгі тақсазо.

Шахсий мұомаланың қызығынан тадқиқот олиб бориши учун аввалинбор ўзингизде үндеңнен анықталған әхтиёжнің өкін мұлоқотмандаштық хусусияттарынан қай даражада ривожланғанлығын аниклашынан керак. Бұның амалға оширилген Р.С. Немовиннің мұлоқотмандаштық қамда одамнен-ликтің аниклаб берадынан иккита методикасінің хүкміншілдігінде қаралады. Ушбу методикалар ёрдамынан Сиз ўзингизде бу хусусияттар қай даражада ривожланғанлығын билиб олғаниншынан кейин егердиң даражада тәжірибелесінде, бирок бевосита ўз кафолатыншынан зарур болған хусусияттарнан тақсазо.

### *1 - методика*

#### *Мұлоқотмандаштық?*

Күйидеги саволларға жауоб беріб, мұомаланың хусусида маңызды қызығынан келесінде оласыз. Тавсия қылинған жауоблардан ўзингизде мосини таңлаб, сүңг үларнан орнастырыңыз (М, 1а, 2в, 3в).

Тәнлаган жауобларнан орнастырылғанда бу хусусиятнинг қай даражада ривожланғанлығын бағалай оласыз.

#### **Саволлар ва үларнан жауоб варианты**

1. Сиз ёқтырмайдынан одамнан мәхмоннан тақлиф қылса, уннан қабул қыласызми?  
A) ҳа  
B) фақат айрим ҳолларда  
B) йүк
2. Фараз қылинған, мәхмандардың үзингизде дүст деңгээ қызметтіңнан орнастырылған одамнан ёнига ўтиришта мажбурсиз, Сиз үзингизни қаңдай тутасыз?  
A) үндеңнен анықталған

- Б) факат унинг саволларига жавоб берасиз  
В) у билан эркин сұхбат қуришта ҳаракат қиласиз.
3. Маълум бир хонадоннинг эшигини тақиилатмоқчи бўлдингиз. Кўркисдан хонадонда баҳс кетаётганлигини эшитиб қолдингиз. Сиз энди нима қиласиз?  
А) барibir тақиилатасиз  
Б) баҳс тугагунча кутасиз  
В) тақиилатмай кетиб қоласиз
4. Мехмонда Сиз ёқтиргмаган таомни таклиф қилишса, унда нима иш қилган бўлардингиз?  
А) мажбуран ейсиз  
Б) мезбонларга бу таомни истеъмол қила олмаслигингиши айтасиз  
В) иштаҳангиз йўклигини баҳона қиласиз
5. Одатда хонтахтадан қанақсанги таомни танлайсиз?  
А) энг яхшисини  
Б) энг кичигини  
В) Сизга яқин турганини
6. Даврадаги сұхбат пайтида тўсатдан ҳамма жимиб қолса, Сиз қандай йўл тутасиз?  
А) бошқа бирор гапни бошлиғунча кутиб турасиз  
Б) сұхбатни давом эттириши учун ўзингиз мавзу топасиз  
В) ўрнингиздан туриб, телефон томон юрасиз
7. Ноқулай аҳволга тушиб қолдим деб фараз қилинг. Сиз бу ҳакида ўз танишларингизга гапириб берасизми?  
А) биринчи учратган танишингизга албатта гапириб берасиз  
Б) факат яқин дўстингизгагина гапириб берасиз  
В) бирор кишига ҳам айтмайсиз
8. Бошқалардан эшитган хикояларингизга ўзингиздан бирор нарса қўшасизми?  
А) ҳа  
Б) уларнинг маъносини кучайтириш мақсадида озгина қўшасиз  
В) деярли ҳеч нарса қўшмайман
9. Севгилингиз суратини ўзингиз билан олиб юриб, уни атрофин-гиздаги одамларга бажонидил кўрсатасизми?  
А) ҳа  
Б) баъзан  
В) ҳеч қачон
10. Даврада айтилган ҳазил-мутойиба ёки латифанинг маъносига тушунмай қолган пайтингизда Сиз ўзингизни қандай тутасиз?

А) тушунгандар билан бирга куласиз  
Б) жиддийлигингизча қолиб, хеч кулмайсиз  
В) бирон бир одамдан латифа ёки ҳазилнинг маъносини тушунтириб беришни илтимос қиласиз

11. Даврада ўтирган пайтингиза қўрқисдан бошингиз оғриб қолса, у ҳолда ўзингизни қандай тутасиз?

- А) юзага чиқармайсиз  
Б) бирон кишидан бош оғриқ дорисини сўрайсиз  
В) даврани ташлаб уйга кетасиз

12. Мехмонда ўтирган пайтингизда Сиз қизиқиб томоша қиладиган кўрсатувнинг фавкулотда телевизор орқали беришини билиб қолсангиз нима қилар эдингиз?

- А) уй эгасидан телевизорни кўйиб беришни илтимос қиласиз  
Б) меҳмонларга ҳалақит бермаслик учун телекўрсатувни бошқа хонага ўтиб кўрасиз

13. Сиз меҳмонда ўтирибсиз деб фараз қилайлик. Унда Сиз қайси пайтда ўзингизни яхшироқ ҳис қиласиз.

- А) меҳмонларнинг кўнглини очган пайтингизда  
Б) бошқалар Сизни кўнглингизни очган пайтида  
В) умуман унга бефарқсиз

14. Мехмондорчиликда қанча вақт қолишни олдиндан ўйлаб қўйиши одатингиз борми?

- А) йўқ  
Б) баъзан бу ҳакда ўйлайман  
В) доим бу ҳакда ўйлайман

15. Айтайлик, бирор рўзноманинг мухбири Сиз билан сұхбат қилаяпти

- А) сұхбатни рўзномада босиб чиқаришса, хурсанд бўласиз  
Б) бу нарсанинг бўлмаслигига ҳаракат қиласиз  
В) сиз билан бўлган сұхбат газетада босиб чиқариладими ёки йўқми, Сиз учун барibir

16. Ичдан Сизни кўролмайдиган одамларингизга ташки ҳаяжонсиз муносабатда бўла оласизми?

- А) ха  
Б) баъзан факат истисно тарзида  
В) бу ҳакда ўйлаб кўрмаганман.

17. Сиз учун қулаг бўлмаса-да, лекин бошқа одамларнинг одилона фикрига қўшиласизми?

- А) ха

Б) шахсий фикрингизга мос келган пайтдагина  
В) ҳеч қачон

18. Баҳслашишга қачон чек кўясим?

- А) қанча тез бўлса, шунча яхши  
Б) баҳснинг маъноси бўлмаса  
В) баҳсдошингизни ишонтиргандан кейин.

19. Агар шеърии ёд билсангиз, уни нотаниш даврада ўқийсизми?

- А) ўз хоҳишингиз билан  
Б) ҳа, агарда илтимос қилишса  
В) ҳеч қачон

20. Граф Монте Кристо даврида яшаяпман деб фараз килинг, Сиз қамоқхонасадисиз ва кўркисдан қўшни камерада Сизнинг ашаддий душманингиз қамалганини эшишиб қолдингиз. У билан ўзаро тақиллатишни бошлайсизми?

- А) дарҳол  
Б) ёлғизликка тоқат қилмаган пайтингизда  
В) ҳеч қачон

21. Янги йилни кўпчилик даврасида, масалан шаҳар бош майдонида кутиб олиш одатингиз ёки хоҳишингиз борми?

- А) ҳа  
Б) йўқ  
В) одатда янги йилни бир ўзим кутиб оламан ёки ухлайман.

1 – жадвалда сўроқномада келтирилган саволларга жавоб калити келтирилган. Жавоблар маъноини очганингиздан кейин маълум баллар микдори юзага келиб Сизнинг мулоқотмандлик хусусиятингиз қай дараҷада ривожланганлигини билиб оласиз.

### **Натижаларни ҳисоблаб чикиш ва ҳulosалар**

233 баллдан 310 баллгача тўплаган бўлсангиз у ҳолда Сизда «Мулоқотмандлик» кучли ривожланган;

78 баллдан 232 баллгача тўплаган бўлсангиз, у тақдирда Сизда бу хусусият ўртача ривожланган

0 баллдан 77 баллгача тўплаган бўлсангиз «мулоқотмандлик» хусусияти паст ривожланган.

## Ёлғизликка мойилмисиз?

Күйіда бериладиган қисқа сұроқнома ёлғизликка ёки камсуханлика нисбатан мойиллигингиз қай даражада ривожланғанлыгини билдіреди. Ҳар бир саволнинг иккى хил жавоб варианти («ҳа» ёки «йўқ») мавжуд.

1-жадвал

Мулоқотмандмисиз? Сұроқномаси жавоблари изоҳи учун калит

Саволлар тартиби	Баллар микдори		
	A	Б	В
1	20	5	0
2	0	5	25
3	5	10	0
4	10	0	5
5	0	5	10
6	5	15	0
7	30	5	0
8	15	5	0
9	0	5	10
10	0	5	10
11	5	10	0
12	0	5	10
13	20	5	0
14	0	5	15
15	10	0	5
16	15	5	0
17	25	5	0
18	0	5	10
19	0	5	10
20	20	5	0
21	5	0	10

### Саволлар

1. Ишдан кейин шаҳар бўйлаб ёлғиз сайр қилишга мойиллигингиз борми?

- A) ҳа
- Б) йўқ

2. Шаҳардан ташқарида дам олиш учун ҳамроҳ топилмай қолса, фожиа бўлди деб ўйлайсизми?

- А) ҳа
- Б) йўқ

3. Дүстингиз билан түрт соатдан кейин учрашишга келишдінгиз. Шу вақт орасыда бирор иш билан шугуллана оласизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
4. Ёлғиз ўзингиз гулхан ёлқинига қараб ўтиришни ёқтирасизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
5. Бирор мухим иш билан машғул бўлган пайтингизда телефон қўнғироги ёки одамларнинг гурунги ғашингизга тегадими?
- А) ҳа  
Б) йўқ
6. Яёв юришни ёқтирасизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
7. Янги йилни ёлғиз ўзингиз яхши кайфият билан кута оласизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
8. Туғилган кунингизга кўп меҳмон таклиф қиласизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
9. Нотаниш одамлар даврасида ўзингизни эркин ҳис қиласизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
10. Бегона шаҳарда керакли манзилини топа олмаган пайтда ўзингизни қандай тутасиз?
- А) ўтиб кетаётган йўловчидан сўрайсиз  
Б) шаҳар маълумотлар бўлимига мурожаат қиласиз  
В) мустақил йўл топишга ҳаракат қиласиз
11. Бошқаларга совға қилишни ёқтирасизми?
- А) ҳа  
Б) йўқ
12. Актёр бўлишни орзу қилганимисиз?
- А) ҳа  
Б) йўқ

## Жавобларни ҳисоблаб чиқиши ва хулосалар

Қүйидаги саволларнинг «ҳа» жавоблари учун 1 баллдан оласиз: 1,3,4,5,6,7,10б,12. Худди шундай қүйидаги саволларнинг «йўқ» жавоблари синалувчисига 1 баллдан қўйилади: 2,8,9,12. 10-саволнинг «в» вариантини танлаган одамга 2 балл қўйилади.

Агарда Сиз 8 баллдан юкори балл олган бўлсангиз, демак ёлғизликка нисбатан майлингиз старли даражада кучли ривожланган.

4 баллдан 8 баллгача бўлса ўртacha.

4 баллгача бўлса ёлғизликка нисбатан майлингиз кучсиз ривожланган.

Педагогик қасбий муомалани ривожлантириш учун Кан-Калик тарсия қилган «Педагогик қасбий муомалани ўрганиши дастури» билан танишиш мақсадига мувофиқ.

Дўстларингиз ёки ўз муомалангиз хусусиятлари ҳақида ўзингиз тавсифнома ёзинг. Салбий хусусиятлар ёки қийинчиликларни учратдингизми, улар устида ишлашни бошланг.

Муомалани қасбий шахсий фазилатга йўналтиришни шакллантиришнинг мантиқи

1. Даустурлар ёрдамида ўзини-ўзи қасбий ўрганишни амалга ошириш, шахсий мулокотмандлик хусусиятларини ва муомаладаги ижобий ёки салбий томонларни аниқлаши.
2. Махсус тренинг асосида муомаланинг муҳим хусусиятларини ривожлантирувчи иш олиб бориш.
3. Муомалавий фаолият тажрибасини такомиллаштирадиган хилма-хил жамоавий ишларни одамлар орасида йўлга қўйиш (оммавий маърузалар, сұхбатлар), касаба уюшмаси, ёшлар жамғармаси ишлари ва ҳоказо.
4. Муомала жараёнидаги салбий томонларни бартараф киладиган ва уни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини ишлаб чиқиши. Масалан, уятчан одамларга маслаҳат муомала ўрнатишга халакит берадиган психологик тўсикларни енгиш учун шу йўналишда иш олиб бориш. Бунинг учун семинар, мунозара уюштириш, кино, театр, китоб мазмунининг муҳокамасини ташкиллаштириш мақсад рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Муомала жараёнида сұхбатдошингизга юксак савияда эътибор беринг, ҳатто нигоҳингизнинг узмасликка ҳаракат қилинг.

Сизни одамовисиз дейишиша, Сиз ўзингизни ундаи эмаслигинизга ишонтиринг ва бу борада бир маромда тизимли иш олиб боринг.

Одамлар билан муомалада муваффақиятларга эришиш йўлларини психотерапевт В.Леви қўйидагича шакллантиришни маслаҳат беради:

- 1) оз фурсатда бўлса-да, дикқатингизни ўзингиздан (уз эҳтиёжингиздан) бошқаларга қаратинг;

2) бошқалар ҳақидаги фикрингиз нотұғри бўлиши мумкин, шунинг учун Сизга номаълум хислатларни сұхбатдошингизнинг ўзидан қидириң;

3) ҳар бир инсондан яхши хислат топишга ҳаракат килинг, ўзингизни ўзингиз күзатинг;

4) талабанинг фикрини бўлмасдан уни охиригача эшита оласизми?

5) Сизни қизиқтиргмаган, лекин талабани қизиқтираётган мавзудаги сұхбатни эшита оласизми?

6) Сұхбатингиз мулоқотдошингизни қизиқтирмаётганини сезсангиз дарҳол бошқа мавзуга ўта оласизми?

7) Кайфиятингиз йўқ пайтида сұхбатдошингиз ғашингизга тегаётганини сездирилмасдан ўтира оласизми?

8) Сұхбат бошида талабаларингиз кайфиятига эътибор беринг, у ёки бу ўзгаришда Сизнинг ҳиссангиз борми?

9) Ҳар бир сұхбат уюштиришингизда ҳамсухбатингизни қизиқтиришга, ўзингизга ром қилишга эҳтиётлик билан ҳаракат қилинг.

Мунтазам равиша ўз устида ишлаш сўзсиз Сизга самарали фойда келтиради.

Маҳлиё этиш (аттракция)ни шакллантириш тести.

1. Сұхбатдошингиз дидингизга мос тушмаса, сұхбатни тезроқ тугатишига ҳаракат қиласизми?

А) қарийб ҳамиша

Б) кўпинча

В) ахёнда

Г) жуда кам

Д) қарийб ҳеч қачон

2. Сұхбатдошингизни феъл-авори (юз, кўз ҳаракатлари) ғашингизга тегиши мумкинми?

А) қарийб ҳамиша

Б) кўпинча

В) ахёнда

Г) жуда кам

Д) қарийб ҳеч қачон

3. Сұхбатдошингизнинг ноўрин ибораси қўполлик ёки қалтисликни келтириб чиқарадими?

А) қарийб ҳамиша

Б) кўпинча

В) ахёнда

Г) жуда кам

Д) қарийб ҳеч қачон

4. Сизга вужуди билан талпинаётган иотаниш инсон мuloқотини рад этасизми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

5. Сұхбатдошингизнинг сўзини бўлиш одатингиз борми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

6. Бошқа нарсалар тўғрисида хаёл суро туриб, хўжакўрсинга иш тутасизми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

7. Сұхбатдошингизнинг насл-насабига караб, овозингиз, юз ҳаракатингиз, фикр билдиришиниз ўзгарадими?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

8. Сұхбатдошингиз Сиз учун «асаббузар» мавзудан оғиз очса, уни ўзгартирасизми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

9. Сұхбатдошингиз нутқидаги ғализликларни тузатиб турасизми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) күпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

10. Муомала (мұлоқот) жараёнида менсимаслик, кесатик, киноя ҳолатларига йўл қызызми?

- А) қарийб ҳамиша
- Б) кўпинча
- В) ахёнда
- Г) жуда кам
- Д) қарийб ҳеч қачон

Тест қалитига биноан қўйидаги баллар қўйилади:

- А) қарийб ҳамиша – 2 балл;
- Б) кўпинча – 4 балл;
- В) ахёнда – 6 балл;
- Г) жуда кам – 8 балл;
- Д) қарийб ҳеч қачон-10 балл.

Тест қалитига мутаносиб жавобларнинг умумий миқдори ҳисоблаб қиқилади.

Аттракцияни шаклланганлик даражаси баҳоланиш қиймати билан аниқланади:

- ўртacha даража – 55 балл;
- ўртадан юқори – 65 балл;
- юқоридан пастроқ - 75 балл;
- юқори – 85 балл;
- ўта юқори – 86-100 балл.

Сиз билан мұлоқот қилиш ҳузурбахшми?

- 1. Сиз галиришдан кўра тинглашни ёқтирасизми?
- А) Ҳа
- Б) Йўқ

2. Сиз нотаниш одам билан ҳам сўзлашишга чора топа оласизми?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ

3. Сиз ҳамиша суҳбатдошингизни дикқат билан тинглайсизми?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ

4. Сиз маслаҳат беришга ишқивозмисиз?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ

5. Суҳбат дидингизга мос тушмаса уни суҳбатдошингизга сездирадизми?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ

6. Сүзларингизга қулоқ солмасалар ғашингизга тегадими?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

7. Ҳар қандай масала юзасидан шахсий қарашингиз борми?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

8. Суҳбат мавзуси Сизга нотаниш бўлса, уни давом эттиришни хоҳлайсизми?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

9. Ўзингизга ҳаммани маҳлиё қилишни эп кўрасизми?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

10. Асосий фанлар бўйича мукаммал билимга эгамисиз?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

11. Сиз суҳандонмисиз?

- A) Ҳа
- B) Йўқ

Тест калити: «Ҳа»: 1,2,3,6,7,8,9,10,11; «Йўқ»: 4,5.

Тест калитига мутаносиб жавобларнинг умумий микдори ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир мос тушган жавоб 1 балл билан баҳоланади.

Муомаланинг ҳузурбахши даражаси баҳоланиш қиймати билан аниқланади:

1-3 баллгача: Сиз билан мулоқот қилиш ҳузурбахш эмас, баъзан ҳатто хижолатда қоласан киши;

4-9 баллгача: Сиз ҳамиша ёқимли ва зийрак суҳбатдошсиз, лекин кайфиятингиз бузилганда хаёлнаришонсиз;

10-11 баллгача: Сиз жуда ҳузурбахш мулоқотдошсиз, аммо қајака қила кўрманг.

## Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. – 328 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарқ», 1997. – 36 б.
3. Агеев В.С. Межгрупповое взаимодействие.- М.: МГУ, 1990. – 240 с.
4. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. – М., 1977.
5. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: В 2-х томах – М., 1980.
6. Андреева Г.М. Общение и оптимизация совместной деятельности. – М.: 1987.
7. Бехтерев В.М. Коллективная рефлексология. Петербург, 1921.
8. Бодалев А.А. Личность и общение. – М.: 1983.
9. Бодалев А.А. Восприятие и понимание человека человеком. – М.: 1982 – 200 с.
10. Брушлинский А.Б., Поликарпов В.А. Мышление и общение. М.: Университетское, 1990. – 224 с.
11. Выготский Л.С. Собр соч. – М., 1983 Т.3.
12. Жуков Ю.М. Эффективность делового общения. – М.: 1988. – 63 с.
13. Каримова В.М. Ижтимоий психологи ва ижтимоий амалиёти. Т.: «Университет», 1999. – 96 б.
14. Каламинский Я.Л. Психология общения. –М.: 1983.
15. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. –М.: 1987. – 190 с.
16. Леонтьев А.А. Педагогическое общение. – М.: 1978. – 48 с.
17. Лисина М.И. Проблемы онтогенеза общения. – М.: 1986.
18. Ломов Б.Ф. Проблемы общения в психологии. – М.: 1981, Наука.
19. Ломов Б.Ф. Психологические исследования общения. –М.: 1985, Наука.
20. Мясищев В.Н. Личность и неврозы. – Л.: 1960
21. Мудрик А.В. Общение, как фактор воспитания школьников: Автограф. докт. дисс. – Л.: 1981.-37 с.
22. Обозов Н.Н. Межличностные отношения. – Л.: 1979
23. Петровская Л.А. Компетентность в общении. – М.: 1986, МГУ.
24. Пенферов В.Н. Общение как предмет социально-психологических исследований: Автореф. докт.дисс.- Л.: 1983.
25. Толстых А.В. Взрослые и дети. – М.: Педагогика, 1989. – 125 с.
26. Ушаков Н.В. и др. Основы психологии общения. – М.: Транспорт, 1990.- 112 с.
27. Ханин Ю.Л. Психология общения в спорте. – М.: 1980.
28. Фозиев Э.Ф. Муомала психологияси. – Халқ таълими, 1998,2-сон.
29. Фозиев Э.Ф. Муомала мазмуни ва услубиятлари. – Халқ таълими, 2000, 6-сон.

Босишга руҳсат этилди 6.08.2001. Ҳажми 10,5 босма табок.  
Бичими 60x84 1F16. Адади 200 нусха. Буюртма **458**.  
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.

